

**Бердиалиев А.,
Зокиров М.Т.**

**ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ЛИСОНИЙ
АЛОҚАСИ АСОСЛАРИ**

Олий ўқув юртлари филология факультети
талабалари учун қўлланма

Фарғона - 2018

Бердиалиев Абдували, Зокиров Мухторали Турдалиевич.
Ўзбек ва тожик лисоний алоқаси асослари. Олий ўқув юртлари
филология факультети талабалари учун қўлланма.

Масъул муҳаррир:

М.Ҳақимов – Фарғона давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

Такризчилар:

Т.Ваҳобов – Хўжанд давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

С.Б.Иноятов – Хўжанд давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Э.Ибрагимова – Фарғона давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Қўлланмада типологик жиҳатдан ўзаро фарқланувчи ўзбек ва тожик тилларининг шаклланиши, уларнинг асрлар оша алоқаси туфайли юзага келган лисоний ўзгаришлар ва бу ўзгаришларнинг тил сатҳларидаги амали ҳақида маълумот берилади.

Китоб олий ўқув юртларининг филология факультети талабларига, шунингдек, педагогик йўналишидаги коллежлар, гимназиялар, академик лицей ва умумтаълим мактабларининг она тили ўқитувчиларига мўлжалланган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Фарғона давлат университети кенгашининг 2018 йил 10 июлидаги 11-йигилишида нашрга тавсия этилган

Мундарижа

Сўз боши	4
Биринчи қисм. Тиллар алоқасининг умумназарий масалалари.	
1.1. Контакт лингвистиканинг алоҳида фан сифатида шаклланиши.	8
1.2. Тил контакти ҳақида умумий маълумот.	11
1.3. Тил контактининг турлари	15
1.4. Тил контакти туфайли вужудга келувчи социолингвистик ҳодисалар	18
1.5. Тил контакти ва икки тиллилик (билингвизм).	20
1.6. Ўзбек тил контактлари тарихидан	26
1.7. Интерференция ва унинг ўзбек ва тожик тиллари контактига алоқаси.	32
1.8. Ўзбек ва тожик икки тиллигининг ўзига хос хусусиятлари	39
1.9. Ўзбек тили ва унинг шаклланиш асослари	42
1.10. Тожик тили ва унинг шаклланиш асослари	45
Иккинчи қисм. Ўзбек ва тожик лисоний алоқасининг тил сатҳларига кўра алоқалари.	
2.1. Ўзбек ва тожик тилларининг фонетик-фонологик сатҳга хос алоқаси	48
2.2. Ўзбек ва тожик тилларининг луғавий сатҳга хос алоқаси	52
2.3. Ўзбек ва тожик тилларининг морфем сатҳига хос алоқалари	59
2.4. Ўзбек ва тожик тилларининг сўз ясалиши сатҳига хос алоқаси	63
2.5. Ўзбек ва тожик тилларининг грамматик сатҳга хос алоқаси	69
2.5.1. Ўзбек ва тожик тилларининг морфологик сатҳга хос алоқаси	70
2.5.2. Ўзбек ва тожик тилларининг синтактик сатҳига хос алоқаси	72
Фойдаланилган адабиётлар	77
Шартли қисқартмалар	84

СЎЗ БОШИ

Маълумки, инсоният тарихида халқлар ўртасида турфа алоқалар мавжуд бўлиб, улар мазкур халқлар тилларида ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун муайян бир даврга хос бўлган тил алоқаларининг энг нозик жиҳатларини кузатиш, тавсифлаш, у ёки бу тилдаги ходисаларнинг бошқача тус олиши сабаблари ҳақида тўғри ҳукм чиқариш мазкур қўлланманинг назарий жиҳатдан долзарблигини белгилайди.

Халқаро муносабатларнинг интенсивлашуви тил алоқаларининг янада жадаллашувига олиб келиши табиий ҳол. Мазкур жараён тўхтовсиз содир бўлиб боради, ҳеч қандай чегара, чекловларни тан олмайди, чунки у жамият эҳтиёжлари ривожланишининг объектив қонунларига асосланади. Юқоридаги факторлар турли тилларда ҳар хил шакл ва даражада содир бўлади. Тил контактларининг қамров доираси жамиятнинг ривожланиш ва мулоқот суръатига боғлиқдир.

Бугунги кунда Марказий Осиё республикаларида тил алоқалари масалалари давлат аҳамиятига эга бўлган жиддий ижтимоий муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон ҳамда Тожикистон Республикаларининг мустақил давлатлар сифатида жаҳон сиёсий ҳамда иқтисодий майдонидаги ўрни, замонавий илм-фан, техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, электрон почта, уяли алоқа воситалари, интернет тармоқларининг ҳаётимизга кириб келганлиги ўзбек ва тожик халқларининг бошқа халқлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқага киришуви тил алоқаларининг жадаллашувига имконият яратмоқда. В.Ю.Розенцвейг таъкидлаганидек, «... қиёсий-тарихий тадқиқотлар муносабати билан тилшунослар эътиборини ўзига жалб қилган тил алоқалари бугунги кунда нафақат лингвистиканинг соф назарий масаласи, балки жамият ва давлат даражасидаги сиёсий масалалардан бирига айланди, Осиё ва Африканинг кўп давлатлари учун эса ҳозирги кунда барчани қизиқтирадиган асосий масала бўлиб қолди¹.»

Собик Иттифоқ таркибида етмиш йил «умр кўрган» ва «Иттифоқдош Республикалар» номи билан аталган мамлакатлар Мустақилликка эришгач, уларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, диний ва маънавий оламида кутилмаган туб ўзгаришлар юз

¹ Розенцвейг В.Ю. Основные вопросы теории языковых контактов. -В кн: «Новое в лингвистике», вып. VI, М., 1972, стр.5.

берди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида хос бундай ўзгаришлар тарихнинг фақат ижобий баҳосига сазовор бўла олади. Бағрида ана шундай туб ўзгаришлар ясалган Тожикистон, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа Республикаларида ўз миллий руҳини ардоқлаб шакллантирувчи имкониятлар вужудга келди. Бундай беминнат ва беназир имконият шу Республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг таълим-тарбия соҳасида ҳам пайдо бўлди. Ҳар бир Республика ўзининг асосий тили - Давлат тили мақомини қўлга киритди; уларда яшовчи бошқа миллатларга мансуб аҳолининг тили ҳам камситилмади. Уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилди. Буни Тожикистонда ўзбек тили ва унинг амали учун яратилган ва яратилаётган имкониятда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек миллатига мансуб аҳоли Тожикистонда тожик миллатидан кейинги иккинчи маҳаллий аҳоли саналади. Бу Республиканинг айрим туманларида фақат ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Шу ҳудудларда таълим-тарбия жараёни, вақтли матбуот ва унинг шахобчаларида ўзбек тили асосий алоқа аралашув воситаси ҳисобланади. Тожикистоннинг педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида таълим-тарбия ўзбек тилида ҳам олиб борилади. Уларнинг филологияга ихтисослашган факультетларида ўзбек тили ва адабиётни илмий ўрганувчи бўлимлари мавжуд. Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети ҳам кекса, йирик олийгоҳлардан бири ҳисобланади. Бу олийгоҳда бир неча йилдирки, ўзбек филологияси мустақил факультет сифатида фаъолият юритади. Унда фаннинг иш соҳаси бўйича юқори илмий даражали, тажрибали мутахассислар таълим-тарбия ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, 1993-йил республикадаги энг кекса олийгоҳлардан Садриддин Айний номидаги Тожикистон давлат педагогика университети тожик филологияси факультети қошида ўзбек тили ва адабиёти бўлими ташкил этилди. Бу бўлимда ҳам илмий даражали ва тажрибали мутахассислар ишлаб келмоқда. Ўзбек филологияси факультети ва бўлимини ҳар йили бир неча ўнлаб ёшлар тугатиб, педагогик йўналишдаги масканларга равона қилинади.

Жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоӣ ўзгаришлар олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида олиб бориладиган таълим савиясига ҳам ўз таъсир кучини ўтказмай қолмади. Уларнинг давлат томонидан белгиланган, маъқулланган ўқув режаларига сезиларли даражада ўзгаришлар киритилди. Олий ўқув юртлирининг педагогик йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлайдиган факультет ва бўлимларда таълим предмети сифатида ўқитиладиган « Миллий ва рус адабиёти алоқаси», “Миллий тиллар ва рус тили алоқаси” сингари фанлар ўрнида шу ҳудудда яшовчи асосий аҳолиларнинг адабиёти ва тиллари алоқасини ўрганишни кўзда тутган янги фанлар тикланди. “Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари асослари» ҳам ана шундай мақсадни назарда тутган янги фан, янги предметдир.

Ўзбек ва тожик тиллари алоқаси масалаларини ўрганиш, уни замонавий илмий ўлчовлар билан такомиллаштириш – шу кунлар талаби. Негаки ўзбек халқининг тарихини, турмуш тарзини, маданиятини, маънавий ва руҳий оламини унга қардош, қондош ва ҳудуддош бўлган тожик халқининг тарихисиз, турмуш тарзисиз, маданиятисиз, маънавий ва руҳий оламисиз тўғри ва тўлиқ тасаввур этиш мумкин эмас. Бу икки халқ жуда қадимий, узоқ тарихий тақдирдош ва маслакдош халқлар ҳисобланади. Бу тақдирдошлик ва маслакдошлик негизида уларнинг маданияти, маънавияти, адабиёти, тили ва бошқа миллий қадриятлари кенг миқёсда ривожланган.

Тилни «ижтимоий ҳаёт кўзгуси» деб бекорга айтмаганлар. Халқ ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий олами билан боғлиқ нималар бўлса, улар тилда ўз инъикосига эга бўлади. Ижтимоий ҳаётнинг лисонда акс этган инъикоси тилнинг луғат бойлиги сифатида юксак баҳоланади.

Қўшни ва қўшни бўлмаган, қардош ва қардош бўлмаган ҳар хил тилларнинг ўзаро алоқаси дастлаб тилнинг луғат таркибида кўзга ташланади. Шу боис бир тилнинг луғат таркибида иккинчи бошқа тилнинг лисоний бирликлари ўзига хос қатламни ташкил қилади. Бу ҳол ўзбек тили лексикасидаги кўплаб тожик (форс) сўзларининг, тожик тили лексикасида эса шундай миқдордаги ўзбек (туркий)ча сўзларнинг мавжудлиги ва уларнинг реал амали билан ҳам исботланади.

Муайян халқ, миллат тилининг бошқа халқ ёхуд миллат тилига таъсири луғавий сатҳдан ташқари бошқа сатҳларда ҳам

кўзга ташланади. Ана шу лисоний аралашувлар туфайли тиллараро алоқа вужудга келади. Қўлингиздаги дарсликнинг асосий мақсади ўзбек ва тожик тилларининг фонетик-фонологик, луғавий-фразеологик, морфем ва сўз ясалиши, шунингдек, грамматик қурилиши жабҳаларига оид алоқаларни ўрганиш ва ўргатишдан иборат.

Мазкур дарслик икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисм тиллар алоқасининг умумназарий масалаларини ўз ичига қамраб олади. Иккинчи қисм эса ўзбек ва тожик лисоний алоқаларининг тил сатҳларига кўра амалийлашувига бағишланган. Бу қисм талабаларга тушунарли бўлиши учун, ҳар бир сатҳнинг қисқача илмий баёни ҳам берилган. Уларда ўзаро қиёсланаётган сатҳнинг асосий бирликлари, уларнинг характери, ўзбек ва тожик тилларининг шу сатҳ бирликлари бўйича ўзаро муносабати каби муҳим масалалари ўрганилган.

Муаллифлар дарсликнинг қўлёзма нусхаси билан танишиб, унинг нашр этилишига хайрихоҳлик билдирган Фарғона давлат университетининг тилшунослик кафедраси илмий жамоасига, муҳаррир сифатида танишиб, қимматли фикрлар айтган Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори, М.Ҳақимовга, шунингдек, расмий тақризчилар сифатида ишни юқори баҳолаган Хўжанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори Т.Ваҳобовга, мазкур университет доценти, филология фанлари номзоди С.Б.Иноятов, Фарғона давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Э.Ибрагимоваларга самимий миннатдорчилик билдирадилар, уларнинг қимматли фикрлари дарсликнинг кейинги нашрларида ҳисобга олинади.

«Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари асослари» муаллифларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида яратилган дастлабки ва ягона қўлланма бўлганлиги учун, унда айрим камчилик ва нуқсонларнинг бўлиши табиий. Қўлланма юзасидан билдириладиган қимматли фикр ва мулоҳазалар самимият ва миннатдорчилик билан қабул қилинади.

БИРИНЧИ ҚИСМ. ТИЛЛАР АЛОҚАСИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.

1.2. Контакт лингвистиканинг алоҳида фан сифатида шаклланиши.

Тилларни қиёсан ўрганиш бўйича тажрибалар энг қадим замонларда бошланган бўлишига қарамай, Жаҳон тилшунослигида тил контактлари муаммолари билан тилшунослар XIX аср охири-XX аср бошидан шуғуллана бошлаганлар. Хусусан, Г.Шухардт ва И.А.Бодуэн де Куртенэ бир-биридан мустақил равишда «тилларнинг аралашуви» деган тушунчани тилшуносликка олиб кирганлар¹. Г.Шухардтнинг фикрича, «тил аралашувининг имкониятлари ҳеч қандай чекланишларни билмайди; у тиллар орасида ҳам максимал, ҳам минимал фарқланишга олиб келиши мумкин»². Бодуэн де Куртенэ қариндош тилларни қиёсий-тарихий метод асосида тавсифлаш билан бир қаторда генетик жиҳатдан боғланмаган, географик ва ижтимоий-тарихий ёндош тилларни тавсифлашни тил назариясининг принципиал вазифаси деб ҳисоблаган³.

Г.Пауль ҳам тилларнинг аралашуви терминини қўллайди. У мазкур термин остида бир тилнинг бошқа тилга таъсири, бир шеванинг ўзга шевага таъсири, шунингдек, ривожланишининг олдинги босқичларида йўқотган материални тилда яна қайта ўзлаштирилиши каби ҳодисаларни тушунади. Г.Пауль тилларнинг ўзаро таъсири ҳақидаги фикрларга муносабат билдирган ҳолда, ўз навбатида билингвизмнинг пайдо бўлиш жараёни, сабаб ва оқибатлари, таъсир даражаси хусусида атрофлича тўхталган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, у диққатини тилнинг лексик сатҳига қаратган.⁴ Тил алоқаларининг бошқа сатҳларга таъсири ҳақида эса умумий фикрларни айтиш билан чегараланган.

Л.Блумфилд ҳам Г.Пауль каби асосий диққатини билингвизм шароитидаги олинмаларга қаратади.⁵ Субстрат

¹ Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. М., 1950, стр. 175. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию.1,М.,1963, стр. 362-372.

² Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. М., 1950, стр.177.

³ Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию.1,М.,1963, стр. 362-372.

⁴ Пауль Г. Принципы истории языка. М., 1960, стр.459-473.

⁵ Блумфилд Л. Язык. М., 1968, стр.506-522.

ходисасига оид танқидий фикрлар баён қилади, яъни фонетик системага ташқи таъсир ҳақидаги фикрлар заифлигини алоҳида таъкидлайди. Бироқ тилдаги объектив фактлар унинг бу фикри тўғри эмаслигини кўрсатади. Л.Блумфилд билингвизмнинг табиати, турлари каби масалаларга, негадир, эътибор бермайди.

Тиллар аралашуви термини ўзининг мавҳумлиги сабабли кўп тилшунослар томонидан танқид қилинади.⁶

Ҳозирги замон жаҳон тилшунослигида *тилларнинг аралашуви* термини ўрнида *тил контактлари* бирикмаси кенг қўлланиб, ушбу термин тилшуносликка А.Мартине томонидан биринчи марта киритилди, У.Вайнрайх томонидан эса оммалаштирилди.⁷

Л.В.Шчерба тил контактларига алоқадор назарий ишларида тилларни қиёсий аспектда ўрганишнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги, билингвизмнинг умумий-назарий жиҳатлари, моҳияти, кўринишлари, турли ҳудудлардаги ўзига хос хусусиятлари, билингвизмнинг индивид учун аҳамияти юқори бўлиши ҳақидаги қарашларини баён қилади.⁸ Бу ишларда рус ва француз тиллари тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилинади

Туркология, жумладан, ўзбек тилшунослигида тилларни қиёслаб тадқиқ қилиш ишлари XI асрда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» ҳамда XV асрда Алишер Навоий томонидан ёзилган «Муҳокаматул луғатайн» асарларидан бошланган. Маҳмуд Кошғарий бир оилага мансуб туркий тилларни қиёслаб, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб берган бўлса, Алишер Навоий турли тил оилаларига, турли тил системаларига мансуб бўлган туркий ва форс тилларини чоғиштириб ўрганган. А.Нурмонов ўз қарашларида Алишер Навоийни чоғиштира (контрастив) тилшуносликнинг отаси, Маҳмуд Кошғарийни эса қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчиси деб эътироф этади.

Туркологияда ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқалари ва таъсири масалаларига М.Ставролли, Е.Д.Поливанов, В.В.Решетов, А.К.Боровков ва бир қатор тилшунослар умумий тарзда қисқача муносабат билдирганлар.

⁶ Звегинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. М., 1962, стр.239.

⁷ Новое в лингвистике. Вып VI, Языковые контакты, М., 1972, стр.5.

⁸ Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1968, стр. 506-522.

Е.Д.Поливанов бу масалани ўзбек шеваларига тожик тилининг таъсири нуқтаи назаридан ёндашган бўлса⁹, М.Ставроли ўзбек тилининг тожик шеваларига кўрсатган таъсирини тавсифлайди¹⁰. А.К.Боровков тиллар ривожланиши ички имкониятлар асосида юз беришини таъкидлаш билан чегараланади. Тилларда юз берган ўзгаришларни уларнинг ички тараққиёти билан боғлайди.¹¹

Ўзбек тилшунослигида мазкур масаланинг қўйилиши, ёритилиши, ўрганиш доираси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, ғарб ва рус тилшунослигида масаланинг назарий жиҳатдан ёритилиш, ўрганиш даражаси кенг қамровли бўлса, ўзбек тилшунослигида мазкур масала юқоридаги мезонлар нуқтаи назаридан тор ва фақат тавсифий характерга эга. Бундай оддий тавсифлар К.Юсупов, Ҳ.Ғуломов, К.Раҳмонбердиевлар ишларида кўзга яққол ташланади.¹²

К.Юсупов «Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири» мавзусига бағишланган монографиясида Фарғона шаҳри атрофида яшовчи тожиклар тилини ўзбек тилига қиёслаган, шунингдек, ишда тилларнинг ўзаро таъсири ва унинг даражасини тавсифлашга эътибор берилган. Мазкур иш, асосан, ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро муносабатини уларнинг тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга қаратилган. Фарғона, Қувасой, Тошлоқ туманларида яшовчи тожик аҳолисининг тили худудий нуқтаи назардан тадқиқот объекти сифатида олинган.¹³ Ишнинг кириш қисмида Г.Шухардт, Л.В.Шчерба, В.Богородицкий, Н.К.Дмитриев, Н.В.Юшманов, Ю.Д.Дешериев, Е.И.Убрятваларнинг тил алоқалари назарияси билан боғлиқ қарашларига ўз муносабатини билдирган.¹⁴ Шунингдек, “ўзбек” ва “тожик” этнонимларининг этимологик таҳлили берилган.

⁹ Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Т., 1934, стр-34;

¹⁰ Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Т., 1933, стр-10-11, 22-23.

¹¹ Боровков А.К. По поводу «иранизации» узбекского языка. Известия АН Узбекской ССР, Т., 1956, №8, стр-79-92.

¹² Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. Т., 1974; Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. Т., 1983; Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. Т., 1989.

¹³ Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. Т., 1974, б.4

¹⁴ Кўрсатилган асар, б.7-12.

Ҳ.Ғуломовнинг «Ўзбек-тожик тил алоқалари» номли монографиясида ўзбек ва тожик тиллари учун умумий бўлган лексик қатламнинг баъзи жиҳатлари ёритилган.¹⁵

Тожикистон ҳамда Афғонистон республикаларидаги ўзбек шеваларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотларда¹⁶ мазкур шевалар ўзбек адабий тилининг турли сатҳлари (фонетик, лексик, грамматик) бўйича қиёсланган. Лекин Тожикистон ва Афғонистондаги ўзбек шеваларига бағишланган бу ишларда уларнинг маҳаллий тил ва шевалари билан ўзаро алоқаси, таъсири борасида ҳеч қандай фикр билдирилмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда мазкур шевалар ўзбек адабий тили билан алоқаларини деярли йўқотиб, маҳаллий эроний тилларнинг кучли таъсирига учраган. Юқоридаги ишларда маҳаллий тил ҳисобланган эроний тилларнинг ўзбек шеваларига таъсири тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Бизнингча, бир ижтимоий муҳитда яшаётган ўзбек шевалари ва эроний тилларнинг ўзаро алоқаси батафсил таҳлил қилиниши зарур. Буларнинг тилшунослар этиборидан четда қолиши тўғри назарий хулосалар чиқариш учун хатога йўл қўйишга сабаб бўлади.

1.2.Тил контакти ҳақида умумий маълумот.

Социоллингвистика ўрганадиган асосий масалалардан бири «тил контакти» тушунчасидир. Контакт лотинча «contactiss» сўзидан олинган, «бевосита алоқа», «бевосита боғланиш» маъноларини билдиради.

Икки ва ундан ортиқ тилларнинг фонетик, лексик-семантик ҳамда синтактик тузилишига таъсир қилувчи тилларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатлари *тил контактлари*¹⁷ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан икки ва ундан ортиқ тилларнинг тил сатҳлари ўртасидаги ўзаро муносабати ва таъсири тушунчаси остида тил алоқалари ифодалаган тушунчалар англанади. Шу ўринда тил контакти ва контакт тил атамаларини ўзаро фарқлаш лозим.

¹⁵ Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. Т., 1983.

¹⁶ Абдуллаев Н. Фонетические особенности узбекских говоров Северо-Западного Афганистана. Диссертация на соискание ученой степени канд. фил. наук. Т., 1982; Йўлдашев Т. Тожикистондаги ўзбек шеваларининг морфологик курилиши. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.,1968

¹⁷ Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990, стр. 237.

Коммуникат ва коммуникант ўртасидаги ўзаро лингвистик муносабатни юзага чиқарувчи тил **контакт тил**¹⁸ деб ҳисобланади. Бунда икки ҳолат ўзаро фарқланади:

1. Контакт тил - алоқага киришган миллатлардан бирининг тили. Мазкур жамиятдаги лингвокоммуникатив мулоқот вазиятга кўра биринчи ёки иккинчи миллат тилида бўлиши мумкин.

2. Ўзаро алоқага киришувчи ҳар икки миллатнинг тиллари ҳам контакт тил ҳисобланмаслиги мумкин. Бунда коммуникатив муносабат учинчи тил орқали амалга оширилади. Бундай ҳолатларда контакт тил **воситачи тил**¹⁹ деб юритилади.

«Тил контакти» атамаси фанга француз тилшуноси Андре Мартине томонидан олиб кирилган. Уриэл Вайнрайх уни социолингвистик тушунча атамаси сифатида оммалаштирган. Тил контакти тилнинг амали билан боғлиқ тушунчадир.

Тил контактининг тилнинг амали билан боғлиқлиги шундаки, у нутқий жараёнда содир бўлади. Маълумки, нутқий жараённинг асосини мулоқот ташкил қилади. Мулоқот икки шахс ўртасидаги фикр алмашинувдир. Мулоқот жараёнининг иштирокчиларидан бирини сўзловчи, иккинчисини тингловчи дейилади.

Сўзловчи фан тили билан адресант, тингловчи эса адресат дейилади. Фикр сўзловчи-адресант томонидан тил ашёлари воситасида узатилади. У (фикр) тингловчи-адресат томонидан қабул қилинади. Ана шу жараённи мулоқот дейилади. Бу жараён индивидуал-психик характерда бўлади. Тилнинг психик ҳодиса характери ҳам нутқ, нутқ фаолияти орқали белгиланади.

Сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресат бир тил жамоаси вакиллари бўлса, мулоқотда тил контакти бўлмайди. Мулоқотнинг тил контактига асосланиши учун сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресат ҳар хил тил жамоаларига қаршли бўлиши шарт. Бундан ташқари, тингловчи-адресант тингловчи-адресат мансуб бўлган, тингловчи-адресат сўзловчи-адресант мансуб бўлган жамоанинг тилини билиши, албатта, зарур. Акс ҳолда, тил контакти вужудга келмайди. Масалан, тожик тил жамоасига мансуб бирор-бир шахс билан ўзбек тил жамоасига мансуб бирор-бир шахс мулоқотга киришадиган бўлса, мулоқот

¹⁸ Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. Л., 1972, стр. 3.

¹⁹ Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. Л., 1972, стр. 3. Джозеф Гринберг. Изучение языковых контактов в Африке. В кн: «Новое в лингвистике», вып. VI, М., 1972, стр.130.

воситаси вазифасини ё ўзбек тили, ё тожик тили бажариши керак. Шунинг учун сўзловчи-адресант ўзбек тил жамоасига мансуб бўлса, у тожик тилидан ҳам яхши хабардор бўлиши керак. Сўзловчи-адресант тожик тил жамоасига мансуб бўлса, у ўзбек тилини ҳам яхши билиши керак. Шунинг учун мулоқот тил контактига асосланиши учун, мулоқотга киришувчи шахслар ўз тилидан ташқари, мулоқот воситасига айланувчи ўзга тилни ҳам билиши зарур. Мулоқот воситаси вазифасини бажарган тилни контакт тил дейилади. Тожик ва ўзбек тил жамоаларига мансуб икки шахсинг мулоқоти ўзбек тилида олиб борилса, ўзбек тили контакт тил ҳисобланади; тожик тилида олиб борилса, тожик тили контакт тил вазифасини бажаради.

Борди-ю, сўзловчи-адресант тингловчи-адресатга қарашли бўлган, тингловчи-адресат сўзловчи-адресантга қарашли бўлган жамоанинг тилини билмаса, унда мулоқот воситаси вазифаси учинчи бошқа бир тил зиммасига юкланади. Мулоқот воситаси вазифасини бажарган ва сўзловчи-адресант ҳам, тингловчи-адресат ҳам мансуб бўлмаган учинчи бошқа тилни воситачи тил дейилади. Масалан, тожик ва ўзбек тил жамоаларига мансуб икки шахсинг мулоқоти рус ёки инглиз тилида амалга ошса, рус ёки инглиз тили воситачи тил ҳисобланади.

Тил контакти учун икки ёки уч ҳар хил тил жамоасининг бир умумий ҳудудда яшаши шарт эмас. Икки ёки уч тил жамоаларининг бир умумий ҳудудда яшашига асосланган тил контакти бевосита амалга ошади. Ўзаро ҳудудий яқин бўлмаган тил жамоалари орасидаги тил контакти одатда ўрта, ўрта махсус ва олий таълим жараёнларида ўқувчи ва студентларнинг бирор-бир чет тилни ўрганиши орқали вужудга келади. Масалан, турли босқичдаги таълим масканларида ўқувчи ёки талабаларнинг инглиз, немис, француз, испан, араб ёки хитой тилларидан бирини ўрганиш орқали вужудга келган тил контакти ана шундай характер касб этади. Яна: ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган кўп миқдордаги сўзлар эвазига ўзбек-араб тил контакти вужудга келган. Бу тил контакти ҳам диний таълим ва форс-тожик тили воситасида пайдо бўлган.

Тиллар контакти туфайли субстрат ҳамда суперстрат деб аталувчи лисоний вазиятлар пайдо бўлиши мумкин. Мазкур атамалар лотин тилига қарашли бўлиб, «таг» маъносидаги «sub», «уст» маъносидаги «super» ва «қатлам» маъносидаги «stratum»

сўзларидан ташкил топган. Икки тилнинг ўзаро чатишуви натижасида мағлуб тил элементларининг ёлиб тил структурасидаги белгилари *субстрат* ва *суперстрат* ҳодисалари деб юритилади. Субстрат кенг этник аралашув ва иккитиллилик орқали маҳаллий халқ тилининг келгиндилар тилига сингиб кетишидир. Масалан, милоддан аввалги III-II асрларда римликлар Иберия (бугунги Испания) ҳамда Галияни (бугунги Франция) босиб олишган. Мазкур ҳудудларда маҳаллий тил-лотин тили билингвизми вужудга келади. Римликлар таъсирида маҳаллий тил-лотин тили билингвизми даври маҳаллий халқларнинг тўлиқ лотин тилига ўтишлари билан якунланиб, лотин тили негизида ҳозирги замон испан ва француз тиллари шаклланган. Мазкур тилларда мавжуд ибер (испан тилида) ва гал (француз тилида) тилларининг элементлари субстрат ҳодисасига мисол бўла олади²⁰. Келгинди этник гуруҳлар тилининг маҳаллий тилда қолдирган белгилари суперстрат деб юритилади. Милодий V асрда франк қабилалари ҳозирги Франция ҳудудларини босиб олишган. Маҳаллий халқ билан аралашуви натижасида франклар маҳаллий халқ урф-одатлари, яшаш тарзи ва тилини қабул қилишган. Туркий булғор уруғлари Болқон ярим оролида славян қабилаларини бўйсундирганда ўхшаш ҳодиса содир бўлган. Ҳозирги Болгария ҳамда Франция давлатларининг номи ҳам суперстрат ҳодисасининг фактидир²¹. Суперстрат ва субстрат ҳодисалари, асосан, тилнинг фонетик, грамматик, қисман лексик сатҳларида намоён бўлади. Бироқ мазкур тушунчаларни тилдаги ўзлашма сўзлар қатлами тушунчасидан фарқлаш зарур бўлади. Чунки сўз ўзлаштиришдан фарқли равишда, субстрат ва суперстрат ҳодисалари икки тилдан бири мағлуб бўлиши ҳамда барча тил сатҳларини қамраб олувчи тил алоқалари билан боғлиқдир. Субстрат назарияси XIX аср бошида Я.Бредсдорф карашлари асосида пайдо бўлиб, ҳинд-европа тилшунослиги тарихида катта роль ўйнади. Бошқа тил оилалари тилларини ўрганишда бу назария ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

«Тил контакти» социоллингвистиканинг асосий тушунчаси сифатида тор ва кенг маънолардаги талқинга эга. Тил контакти атамаси кенг маънода уқилганда, мулоқот воситаси вазифасини

²⁰ Перетрухин В.Н. Введение в языкознание. Белгород, 1966, стр.65

²¹ Перетрухин В.Н. Введение в языкознание. Белгород, 1966, стр.65

икки мустақил тилдан ташқари, бир тил доирасидаги икки шева ҳам бажаради. Яъни сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресатлар умумхалқ тилининг ҳар хил шевасига мансуб шахслар бўлади. Масалан, ўзбек тилининг «ж»ловчи шевасига мансуб шахс билан унинг «й»ловчи шевасига мансуб шахснинг ўзаро мулоқотига ё «ж»ловчи шева, ёки «й»ловчи шева материаллари восита вазифасини бажариши мумкин. Мулоқот «ж»ловчи шевада амалга ошса, «ж»ловчи шева контакт шева ҳисобланади; «й»ловчи шевада амалга ошса, контакт шева вазифаси «й»ловчи шева зиммасига тушади. Бундан ташқари, шахснинг адабий тил, ё шу адабий тилга қарашли бирор-бир шева воситасидаги мулоқоти ҳам кенг маънодаги тил контактига мисол бўлади.

«Тил контакти» атамаси тор маънода қаралганда, мулоқотнинг икки ҳар хил миллий тил амалидаги шакли тушунилади.

Социолингвистика учун «тил контакти» тушунчасининг тор маънодаги шакли кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади. Чунки бу жараёнда шевалар эмас, балки миллий тиллар алоқага киришади. Бир миллий тил иккинчи миллий тилга нимаси биландир таъсир қилади. Бу жараён фонетик, луғавий ва грамматик қурилишда фарқ қилувчи бирор-бир тилнинг лисоний воситалари воситасида амалга ошади. «Контакт»нинг бир тил доирасидаги шевалараро амалга ошишида «таъсирдошлик» бир тил доирасидаги лисоний унсурлар билан чекланади.

1.3. Тил контактининг турлари.

Турли тилларнинг мулоқот воситасига айланиши билан боғлиқ хусусиятлар ҳам мураккаб социолингвистик ҳодисалар ҳисобланади. Бу жараёнда бир тил иккинчи тилга (ёхуд «контактлашаётган» ҳар икки тил ўзаро) турли даражада таъсир қилади. Шу боис тиллар контакти туфайли турли характердаги натижалар кўзга ташланади. Бу хусусият асосида тиллар контактининг ҳар хил тур ва кўринишлари белгиланади.

Социолингвистик характердаги илмий манбаларда тил контактининг икки асосий тури қайд этилади:

- 1) проксимал тил контакти;
- 2) дисталь тил контакти.

1. Проксимал тил контакти.

Тил контактининг проксимал шакли одатда этник жиҳатдан фарқ қилувчи ҳар хил тил жамоаларини уюштирган кўп миллатли

мамлакат ёки давлатларда амал қилади. Бундай мамлакат ёхуд давлатларда икки тиллилик (билингвизм) ёхуд кўп тиллилик (полилингвизм) шароити ҳукм суради. Проксимал тил контактида фонетик, луғавий ва грамматик тизими фарқ қилувчи икки ёки ундан ортиқ тил вакиллари ўз она тили билан бир қаторда, қўшни бошқа этник жамоанинг тилини ҳам ўзлаштирган бўлади. Мулоқот шахсининг ўз она тили ва ўзга тил воситасида амалга ошаверади. Проксимал тил контактига Ўзбекистон ҳамда Тожикистондаги ўзбек ва тожик, тожик ва ўзбек, рус ва тожик, тожик ва рус, ўзбек ва рус, рус ва ўзбек, шунингдек, шу характердаги бошқа икки тилликларга асосланган мулоқот шакллари мисол бўла олади.

Проксимал тил контакти туфайли бир тилдан бошқа тилга лисоний бирликлар ўзлашишидан ташқари, бир тилнинг таъсирида бошқа тилнинг фонетик, грамматик қурилишида модификациялашиш ҳолати содир бўлиши, ҳатто сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янги тил тизими вужудга келиши мумкин.

2. Дисталь тил контакти.

Тил контактининг дисталь шакли одатда ўзаро ҳудуддош бўлмаган этник жамоаларининг тиллари муносабатига асосланади. Тил контактининг бу шакли турли этник жамоа тилларининг бевосита алоқада бўлмаган ҳолатларида амал қилади. Шунинг учун дисталь тил контакти бир тиллилик шароити учун хос хусусиятдир. Бу жараёнда бир тилдан бошқа тилга лисоний бирликлар (одатда сўзлар) ўзлашади, холос. Масалан, ўзбек ва араб, ўзбек ва хитой, ўзбек ва мўғул тиллари муносабатида тил контактининг дисталь шакли амал қилган. Чунки ўзбек тили луғат таркибида хитой, мўғул, араб тилига хос луғавий ўзлашмалар учрайди. Айниқса, араб луғавий ўзлашмалари ўзбек тили лексикасида катта салмоқли қатламни ташкил қилади. Уларнинг кўпи ҳозирги ўзбек тилининг ўз лисоний мулкига айланган.

Араб луғавий ўзлашмалари ўзбек тили сўз ясашиши жараёнларида ҳам фаол иштирок этиб, ўзбек тили луғат таркибининг бойишига иккинчи марта самарали хизмат қилаётир. Бироқ Ўзбекистонда ёки иккинчи маҳаллий аҳолиси ўзбеклар бўлган Тожикистон, Қирғизистон ёки Қозоқистонда «ўзбек ва араб» ёки «араб ва ўзбек» икки тиллиги мавжуд эмас. Бундай

характердаги икки тиллиликка имкон яратувчи тил вазияти ҳам йўқ.

Тил контактининг бу икки туридан ташқари, унинг замон ва макон умумийлигига кўра фарқланувчи яна икки тури ҳам мавжуд. Улар:

- а) бевосита тил контакти;
- б) билвосита тил контакти.

1. Бевосита тил контакти.

Бевосита тил контакти ҳар хил тил жамоасига мансуб шахсларнинг юзма-юз мулоқотига асосланади. Юзма-юз мулоқот жараёнида амалга ошган мулоқот макон ва замон умумийлигига эга бўлади: адресант ва адресант юзма-юз мулоқотда бўлади. Бевосита тил контакти фақат нутқнинг оғзаки шаклига асосланади.

2. Билвосита тил контакти.

Билвосита тил контактида ҳар хил тил жамоасига мансуб икки шахснинг мулоқоти ё телефон, ё интернетга қўшилган компьютер воситасида амалга ошади. Бунда мулоқотга киришаётган шахслардан бирининг тили контакт тил вазифасини бажаради. Мулоқотга киришаётган шахслар макон умумийлигига эга бўлмайди.

Билвосита тил контакти икки шаклда амалга ошади:

- а) оғзаки;
- б) ёзма.

Билвосита контактнинг оғзаки шакли телефон ёки интернет тармоғи орқали амалга ошади. Ёзма шакли эса, мактуб, телеграмма, телефакс, интернетдаги «билдириш» воситаларида амалга ошади. Ёзма мулоқотда адресант (ёзувчи) ўз мақсадини батафсил билдирмоқчи бўлса, мактубдан фойдаланади. Шунчаки хабар характерида бўлса, у телеграмма, факс ёки телефон воситасида амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда билвосита мулоқотнинг оғзаки шакли фаолроқ бўлиб, асосан мобиль телефонларидан кенг кўламда фойдаланилади. Бунда восита тил вазифасини мулоқотга киришаётган шахслардан бири мансуб бўлган тил бажариши мумкин.

1.4. Тил контакти туфайли вужудга келувчи социолингвистик ходисалар.

Турли этник жамоа тилларининг коммуникация жараёнидаги навбатма-навбат амали тил контактига шарт-шароит яратар экан, бунинг оқибатида этник жамоа тилларида ҳар хил сифат ўзгаришлари вужудга келади. Этник жамоа тилларида юз берувчи бундай сифат ўзгаришлари социолингвистика ўрганадиган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Лисоний контактлашув натижасида муносабатдош тиллар ўзаро узоқлашиши ёки яқинлашиши мумкин. Контактдош тиллараро узоқлашиш «дивергенция», яқинлашиш эса, «конвергенция» дейилади.

Контактлашган тиллардан бирида содир бўлувчи яқинлашиш (конвергенция) натижасида тиллардан бири бошқасининг таркибига сингишиб, ўзининг коммуникатив амалини сусайтира бориб, йўққа чиқариши мумкин. Бу жараён фан тилида *ассимиляция* дейилади.

Ассимиляция туфайли контактдаги тиллардан бири бошқасининг таркибига сингишиб «ютиб юборилиши» ҳам мумкин. Ўзаро контактдаги тиллардан бирининг бундай шароитни бошдан кечириши конвергенция туфайли юз беради. Тарихдан, илмий манбаалардан маълум бўлишича, қадимги Хоразмда эрон тилларига мансуб лисонда сўзлашувчи этник жамоа (халқ) бўлган. Бу жамоа тили шу ўлка номи билан «хоразмий» тили деб аталган. Ҳозир Хоразмда бу тил йўқ. У ўзбек тили билан контактлаша бориб, луғавий ва грамматик қурилишидан бора-бора узоқлашган ва ўзбек тилининг таркибига сингишиб кетган, ассимиляциялашган. Бу ҳақда Абурайҳон Беруний асарларида ҳам маълумот берилган²² (Абурайҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1968).

Конвергенция, яъни контактдаги тиллардан бирининг бошқаси таркибига сингишиб, «ассимиляциялашуви» славян тилларида ҳам учрайди. Масалан, қадимда рус, белорус ва украинлар орасида ўз мустақил лисонига эга бўлган мурома, чудь, торк, қора клобук сингари майда этник гуруҳлар бўлган. Шу халқлар билан бир ҳудудда яшаб, шулар тилида мулоқот қила бориши натижасида, уларнинг тиллари рус, белорус ва украин

²² Абурайҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1968

тиллари таркибига сингишиб, ассимиляциялашиб кетган (Леонтьев А.А. Что такое язык. – М., 1976. 26-бет).

Конвергенция туфайли, юқорида ҳам айтилганидек, икки ёки ундан ортиқ қариндош ва қариндош бўлмаган тилларга хос айрим лисоний хусусиятлар ўзаро уйғунлашади, уларнинг ҳар бирига хос айрим лисоний хусусиятлар «сўниб», нейтраллашади. Зеро, конвергенция атамаси латин тилидаги «яқинлашмоқ», «ўхшаб кетмоқ» маъносидаги «convergo» сўзидан олинган.

Конвергенциянинг «глоттогоник» ва «структур-диахроник» сингари икки тури мавжуд. Глоттогоник конвергенцияда икки ҳар хил тилнинг фонологик тизимида айрим муштаракликлар вужудга келади. Масалан, шахслар жинсини фарқловчи – «ов», «-ов», «-ова», «-ева» сингари қўшимчалар ўзбек тили аффиксал тизимига рус тилидан ўзлашган. Ўзбек тилининг фонемалар тизимида шу қўшимчалар таркибидаги «-в-» фонемасининг русча талаффузи йўқ эди. Шу аффикслар ўзбек тилида ҳам расмий лисоний бирликка айлангач, ўзбек тилига хос «-в-» фонемасининг талаффузи рус тилидаги шу қўшимчалар таркибига хос «-в-» фонемасининг талаффузига мувофиқлашди. Шунингдек, фабрика, февраль, фарфор типидagi сўзлар таркибидаги русча «-ф-» нинг талаффузига ўзбекча «-ф-» фонемасининг талаффузи ҳам мувофиқлашган.

Структур-диахроник конвергенцияда икки ҳар хил тилга хос айрим ҳодисалардаги лисоний фарқлар тугал барҳам топади. Структур-диахрон конвергенцияга хос жараёнларни «парадигматик нейтрализация» ёки «синхрон нейтрализация» деб ҳам аталади.

Социолингвистиканинг замонавий тушунчаларидан бири *аттракция* дир. Аттракция «узига жалб қилиш», «таъсир кучини кўрсатиш» маъноларини билдиради. Тилларнинг таъсирдошлиги билан боғлиқ субстрат, суперстат ҳодисаларининг шарҳида аттракция муҳим роль ўйнайди. Масалан, 1066-йили нормандлар Англияни босиб олгач, мамлакат худудида уч тил—инглиз, француз ва латин тиллариаро рақобат вужудга келади. Бу жараёнда инглиз тилининг таъсир кучи ғолиб келиб, аттракторлик вазифасини бажаради. Шунингдек, тарихда халқаро тил сифатида мусульмон мамлакатларида араб тили, христиан оламида латин тилининг таъсир кучи сезиларли бўлган,

аттракторлик ролини ўйнаган. Ҳозирги глобаллашув даврида инглиз тилининг таъсири аттракцион характер касб этмоқда.

1.5. Тил контакти ва икки тиллилик (билингвизм).

Контакт лотинча contactiss сўздан олинган. Бевосита алоқа, бевосита боғланиш деган маънони билдиради. Бу атама остида айни бир шахснинг икки ёки ундан ортиқ ҳар хил тиллардан навбати билан фойдалана олиш имконияти тушунилади. Контакт атамаси билан тилнинг амалига асос тушунчалардан бири ҳам номланади. Тил амалига хос бу тушунча алоқа аралашув (коммуникация) жараёни, яъни нутқнинг маълум бир ҳолати (вазияти)га асосланган лаҳзаси билан алоқадордир. Маълумки, нутқий алоқа аралашувнинг маълум бир лаҳзасида икки хил характердаги шахснинг мулоқоти амалга ошади. Улардан бири – сўзловчи ёки адресант деб аталса, бошқаси – тингловчи ёки адресат дейилади. Агар сўзловчи – адресант билан тингловчи – адресат бир тил жамоасининг вакиллари саналса, унда тил контакти ҳақида сўз юритилиши ортиқча бўлади. Тил контакти ўзига хос лисоний-нутқий имконият сифатида ҳар хил тил жамоасига мансуб шахслар томонидан амалга оширилади. Ҳар хил тил жамоасига қарашли шахсларнинг ўзаро мулоқоти тил контакти заминида вужудга келади.

Тил контакти кенг ва тор маъноларда ишлатилувчи тушунчадир. У тор маънода ишлатилганда, икки мустақил тил вакиллари ўртасидаги мулоқот тушунилади, кенг маънода ишлатилганда эса, бир тилнинг икки лаҳзаси ёки шеvasи вакиллари ўртасидаги мулоқот ҳам англашилверади. Масалан, ўзбек ва тожик миллатига мансуб икки шахснинг ўзаро мулоқотини кенг маънодаги тил контактига киритиш мумкин. Бундай жараёнда мулоқот ё ўзбек, ё тожик тилида (бу икки тилнинг бирида) амалга оширилади. Бир тилнинг икки лаҳзасига мансуб шахсларнинг мулоқоти кенг маънодаги тил контакти саналади

Коммуникатив мулоқот амалга оширилган тилни контакт тил деб юритилади. Контакт тил вазифасини сўзловчи (адресант) ва тингловчи (адресат) мансуб бўлмаган бошқа (учинчи) тил ҳам бажара олади. Масалан, ўзбек ва тожик жамоаларига мансуб икки шахснинг (сўзловчи ва тингловчининг) ўзаро мулоқоти рус ёки инглиз тилларида амалга ошиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда

рус ёки инглиз тили контакт тил вазифасини ўтайди. Бу тилни воситачи тил деб ҳам аталади.

Тил контактлари туфайли тиллар бир-биридан узоқлашиши ёки яқинлашиши мумкин. Тилларнинг тил контакти натижасида узоқлашувши дивергенция (дивергенция жараёни) дейилади. Бундай жараёнларда тилларнинг ўзаро яқинлашувига нисбатан конвергенция (конвергенция жараёни) атамаси ишлатилади.

Тил контактининг амалга ошиши учун коммуникатив лаҳзани ташкил этувчи шахсларнинг (сўзловчи – адресант ва тингловчи – адресат) ёки улардан бирининг ўз тилидан ташқари, мулоқот воситасига айланган ўзга тилни ҳам билиши шарт. Мулоқот сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам мансуб бўлмаган бошқа учинчи тилда, яъни воситачи тилда амалга оширилса, сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам ана шу – воситачи тилни билиши талаб қилинади. Акс ҳолда, коммуникатция жараёни вужудга келмайди.

Тил контакти билингв, билингвизм, полилингв, полилингвизм атамалари англатган тушунчалар билан чамбарчас боғлиқдир. Мулоқотнинг икки ҳар хил тилда амалга ошиши билингвизм дейилади. Билингвизм иккитиллик демакдир. Билингвизм латин тилидан олинган, bi – икки, lingua – тил маъноларини англатган. Икки тилда сўзлаша олувчи шахсга нисбатан билингв атамаси ишлатилади. Билингвизм (икки тиллилик) ва билингв (икки тилни билувчи) атамалари англатган тушунчаларни тил контакти ҳодисасига дахлдор моногlossия (грекча monos – бир, glossa - нутқ, тил) ва дигlossия (грекча di – икки, glossa – тил, нутқ) атамаларни англатган тушунчалардан фарқлаш керак. Моногlossия тушунчаси билингвизм тушунчасининг акси бўлиб, бир тилнинг нутқий амалини билдиради. Дигlossия атамаси остида эса бир тилнинг турли вазифавий ёки ҳудудий шаклларига хос нутқий амали тушунилади. Масалан, айрим олинган шахслар ўзбек тилининг адабий шаклидан ҳам, унинг маълум бир ҳудудий (шевага хос) шаклидан ҳам бир хил фойдалана олади. Ана шундай имконият дигlossия дейилади. Демак, бир тил ёки унинг бирор шевасининг амалига нисбатан моногlossия атамаси ишлатилса, унинг ҳар хил услуб ва ҳудудий кўринишлари амалига нисбатан дигlossия атамаси қўлланади.

Билингвизм атамаси англатган нутқий имконият интерференция, ассимиляция атамалари билан номланувчи тушунчалар билан боғланади. интерференция жараёнида билингв (икки тилни билувчи) бир тилга хос лисоний хусусиятларни бошқа иккинчи тилга беихтиёр «кўчириб» кўяди. Бу жараёнда бир тилнинг иккинчи тилга таъсири кўзга ташланади. Бир тилга хос лисоний унсурнинг ёки унинг айрим қонун-қоидаларининг бошқа тил томонидан ўзлаштирилиши ва сингдирилиши ассимиляция деб юритилади. Масалан, ўзбек ва тожик тили контакти амалининг натижаси ўлароқ, тожик тилининг таъсирида ўзбек тили сингармонизм ҳодисасидан холи бўлди (интерференция). Ҳозирги ўзбек адабий тили туркий тилларнинг сингармонизмсиз турига айланди, унда сингармонизм фонетик қонуният сифатида барҳам топди (ассимиляция). Интерференция жарёни муштарак ҳудудда яшовчи ўзбек ёки тожик тиллари жамоасига мансуб шахслар нутқида янада фаолроқ кўзга ташланади. Бошқа тилга хос айрим товушлар, морфемалар, сўз ёки иборалар, уларнинг андаза (модел)лари интерференция жарёнига учраши мумкин. Айниқса, сўз ёки ибора, уларнинг интерференциялашуви алоҳида хусусиятга эга. Масалан, Шимолий Тожикистонда Исфисор деган катта бир қишлоқ бор. У Гафуров шаҳри билан туташиб кетган, Хўжанд шаҳрига анча яқин. Исфисорнинг аҳолиси – ўзбеклар. Уларнинг нутқий муомаласида тожик тилининг айни шу ҳудудларга хос *асёқ, яхши бормисиз? (Яхшимисиз?)* сингари лисоний унсурлари фаол қўлланади. *Яхши бормисиз?* Шимолий Тожикистон (аникроғи, Хўжанд атрофи)нинг шу ҳудудида амал қилувчи *Нағз ҳайитми?* ибораси андазаси (модел)да ҳосил қилинган. Бундай интерференциянинг шунчаки оддий кўринишларидан бири, холос. Хўжанд ва унинг атрофи тожиклари нутқида ўзбек тилига хос лисоний унсурларнинг интерференцияси ҳам йўқ эмас. Маълумки, ўзбек ва тожик тиллари типологик жиҳатдан фарқ қилади. Улар грамматик қурилиши ҳар хил тиллардир. Ўзбек тилида грамматик кўрсаткичлар (масалан, кўмакчилар, келишик қўшимчалари) луғавий бирликлардан кейин қўшилади. Тожик тилида эса, аксинча (олд қўшимча – пешоянд), мустақил маъноли луғавий бирликлар ортига қўшилади. Ўзбек тилида келишик категориясига хос барча қўшимчалар сўз охирига қўшилади. Масалан, жўналиш келишиги қўшимчасини олайлик: *мактабга*

борди, далага жўнади. Ўзбек тили грамматик қурилишига хос бу хусусият – Хўжанд ва унинг атрофи тожиклари тилига интерференция бўлган: *мактабба рафтан, саҳроба равона шудан* ва б.

Интерференциянинг оммавий тус олиши туфайли ассимиляцияга кенг йўл очилади. Абурайҳон Беруний ишлари ва бошқа манбалардан маълумки, қадимги Хоразмда эрон тиллари гуруҳига мансуб хоразмий тили ва шу тилда сўзлашувчи халқ бўлган. Ҳозир эса, Хоразмда бундай тил йўқ. У ўзбек тилига сингишиб, ассимиляциялашиб кетган.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, турли тилларда сўзлашувчи қўшни халқларнинг тилларида қўшни халқ тилига хос лисоний унсурлар пайдо бўлади. Бу ҳодиса адстрат дейилади. Масалан, ўзбек ва тожиклар қўшни халқлар ҳисобланади. Уларнинг бири (ўзбеклар) Ўзбекистонда, бошқаси (тожиклар) Тожикистонда яшайди. Шунга қарамай, бу икки халқнинг тилларида адстрат тушунчаси билан алоқадор лисоний хусусиятлар мавжуд. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси тилида тожик адстрати, Шимолий Тожикистон аҳолиси тилида эса ўзбек адстрати сезилари амал қилади. Бу ҳодиса ўзбек ва қирғиз, ўзбек ва қозоқ, ўзбек ва қарақолпоқ, ўзбек ва туркман, тожик ва қирғиз, тожик ва туркман ва ҳ.к. тиллари муносабатида ҳам кўзга ташланади.

Тил контаклари суперстат деган тушунча билан ҳам алоқадордир. Суперстат атамаси англатган тушунча ҳудуддош халқларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавқеларидаги баланд-пастликка асосланади. Бунда бир халқнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавқеи бошқа халқникидан устун бўлади. Мавқеи устун халқ мавқеи паст бўлган халқни ўзига буйсиндиради. Бунинг оқибатида мавқе жихатидан паст бўлган халқнинг тили мавқе жихатидан устун бўлган халқнинг тили таркибига сингишиб, бора-бора йўқолади. Ҳозирги инглиз тилнинг шаклланишида суперстат ҳодисаси яққол кўзга ташланади. Бунда норман тили англосаксон тилини ўзига буйсиндирган. Инглиз тилининг шаклланишида норман тили суперстатлик вазифасини бажарган.

Илмий манбаларда тил контакларининг дистал ва проксимал каби икки тури эътироф этилади. Тил контакларининг бу ҳар икки тури таъсирдош тилларнинг ривожланишида муҳим вазифа

бажарса-да, уларнинг худудий амали характерига кўра, фарқ қилади. Аҳамияти жиҳатидан проксимал контакт дистал контактдан устунроқдир. Чунки проксимал контактда тилларнинг фонетик-фенологик, луғавий-фразеологик, морфем, сўз ясалиши ва грамматик тизимларида сезиларги ижобий ўзгаришлар бўлади. Тил контакти туфайли бир тилдан бошқа тил ихтиёрига ўтган лисоний унсурлар ўзга тилнинг ўз мулкига айланади, икки тиллиликка раван йўл очади. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқаси проксимал характердаги тил конактига асосланади. Дистал тавсифдаги тил контактида ҳар хил тилларнинг ўзаро алоқаси биридан бошқасига сўз ўзлаштириш билан чекланади. Тил контактининг бу турига ўзбек ва араб тиллари алоқасини киритиш мумкин.

Проксимал тил контактлари билан дистал тил контакларининг ўзаро фарқи яна шундаки, проксимал тил контактлари икки тиллик (билингвизм) шароитида амал қилади, дистал тил контактлари эса бир тиллилик (монолингвизм) шароитига хос бўлади. Проксимал тил контактида икки ва ундан ортиқ тилларнинг алоқаси вужудга келади, демак, унинг амали полилингвизм (кўп тиллилик) шароити билан боғланади. Проксимал тил контактида ўзаро алоқадаги тиллардан бири модификациялашиб, олдингиларидан фарқ қилувчи янги бир системанинг яратилиши учун имконият пайдо бўлади.

Проксимал характердаги тил контакларига Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тилларига хос ўзаро таъсирдошликни мисол келтириш мумкин. Чунки бу худуд халқлари тилларида субстрат–адстрат муносабатларининг анчагина мураккаб кўринишлари амал қилган. Фарбий Эронда форсийзабон келгиндилар эрамиздан олдинги 1-минг йилликлардан бошлаб Ҳинд-Оврупо лисонига мансуб бўлмаган тилларга тазйиқ ўтказа бошлаган. Кейинчалик Ҳинд-Оврупо тилларига туркий суперстатнинг таъсири кучайган (эрамизнинг VI асридан бошлаб). Туркийзабон суперстатнинг бу таъсирига дастлаб Еттисув ва Фарғона, кейинроқ Хоразм аҳолиси дуч келади. Форсийзабон (эронийзабон) аҳолини туркийлаштириш (ўзбеклаштириш) бир неча юз йиллар давом этди ва ҳозир ҳам бу жараён тугал нуқтага етган эмас. Форсийзабон (тожик-форс) лисонининг асоратлари шаҳарлардагина узоқ сақланди. Шуниси ҳам борки, форсийзабон (эрон) субстратнинг туркий-ўзбек тилга таъсири ҳам катта бўлди:

Ўзбек тили туркий тиллар ичида сингармонизмдан холи бўлган ягона тилга айланди.

Туркийзабон аҳолининг форсий (эрон)лашуви жараёни ҳам бўлган, албатта. Сурхон водийларида форсийзабон аҳолининг анчагина қисми ўзларини туркий уруғларидан келиб чиққан тожиклар деб ҳисоблайди²³. Икки тиллилик билан боғлиқ жараёнлар фақат тилшуносликнинг объекти бўлиш билан чекланмайди. Бу жараён жамиятшунослик (фалсафа) ва рухшунослик (психология) фанларининг ҳам ўрганиш объектидир. Демак, сезиладики, икки тиллиликнинг соф лингвистик, ижтимоий-иқтисодий ва рухий-психик жабҳалари мавжуддир. Мана шу жабҳаларнинг ўзаро муносабатидан икки тиллилик бир бутун ҳодиса характери касб этади.

Икки тиллилик ўз навбатида тил вазияти деб аталувчи тушунча билан органик боғлиқликка эга. Рус ижтимоий тилшунослик (социолингвистик) тормоғининг асосчиси, таниқли рус олими В.А.Аврориннинг эътирофича, тил вазияти – бу халқ ҳаётининг муайян тарихий тараққиёти билан боғлиқ ижтимоий-лисоний жараёндир. Бу жараёнда тиллар таъсирдошлигининг конкрет типни ва муайян вазифавий (амалий) кўриниши назарда тутилади²⁴. Яна бошқа бир рус социолингвисти Л.Б.Никольский тил вазияти тушунчасини тил, унинг лаҳжа ва вазифавий услубларининг муайян этник гуруҳга хос мазмуний-худудий амаллари тизими (мажмуаси) сифатида баҳолайди²⁵.

Тил вазияти ўзаро боғлиқ уч ҳолат асосида шакллашади: 1) тил амалий-вазифасининг ижтимоий шарт-шароитлари; 2) тилдан фойдаланишнинг чегараси ва кўлами; 3) тилнинг амалий-вазифавий шакли.

Тил вазияти макролингвистиканинг текшириш объекти саналади. У икки тиллилик (билингвизм) ва кўп тиллилик (полилингвизм) тушунчаларини ўз ичига олади.

Икки тиллилик (билингвизм) ва кўп тиллилик (полилингвизм) тушунчаларининг индивидуал икки тиллилик ёки кўп тиллилик, оммавий икки тиллилик ёки кўп тиллилик каби

²³ Журавлёв В.К. Внешние и внутренние факторы языковой эволюции. – М.: Наука, 1982, 165-б.

²⁴ Аврорин В.А. Соотношение субъективных объективных факторов в языке. – М.: Наука, 1975, 25-б.

²⁵ Никольский Л.Б. Синхронная социолингвистика. Теория и проблемы – М.: Наука, 1976, 79-80-б.

икки тури мавжуд. Индивидуал икки тиллилик ёки кўп тиллиликда муайян тил жамоасига қарашли айрим шахсларнинг ўз тилидан ташқари, бошқа икки ва ундан ортиқ тилларда сўзлаша олиш имконияти тушунилади. Оммавий икки тиллилик ёки кўп тиллиликда муайян тил жамоасининг ўз тилидан ташқари, бошқа икки ва ундан ортиқ тилларда сўзлашма олиш имконияти назарда тутилади.

Тожикистоннинг айрим ҳудудларида кўп тиллилик (полилингвизм) вазияти ҳам мавжуд. Шимолий Тожикистоннинг деярли барча ноҳияларида қирғиз миллатига мансуб аҳоли ҳам истиқомат қилади. Улар ўзбек тилида таълим олади, тожик тилида эса бемалол сўзлашади. Шу аҳолига мансуб кўпгина шахслар эса рус тилини ҳам билади. Ана шундай аҳоли яшайдиган ҳудудларда кўп тиллилик вазияти амал қилади.

1.6. Ўзбек тил контактлари тарихидан

Ўзбек тили қадимий тиллардан биридир. У халқ тили асосида шаклланган бўлиб, асрлар оша ўз луғат бойлигини шакллантира ва бойита бориб, фонетик, грамматик ва услубий қурилишини ҳозиргача такомиллаштириб келмоқда.

Ўзбек тили ўзбек этник жамоасининг алоқа-аралашув воситасидир. У ўттиз миллиондан ортиқ ўзбек халқининг миллий лисоний бойлигидир.

Ўзбек халқи кўп асрлар мобайнида қадимги Ўзбекистон территориясида кўпгина туркий уруғ ва қабилаларнинг бирлашуви ва ўтроқлашуви натижасида таркиб топган. Бу жараёнда бу этник жамоа жуда мураккаб ижтимоий-тарихий жараёнларни бошдан кечирган. Бу мураккаб жараён унинг тил жиҳатдан мустақил шаклланиши ва ривожланишида ҳам юз берган.

Ўзбек миллати, тил нуқтаи назаридан, қуйидаги уч йирик этник компонентнинг бирикувидан ташкил топган.

1) Жануби-шарқий тил. Бунга кўпчилик шахар ўзбекларининг тили, «қарлуқ» деб аталувчи лаҳжалар, эски ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек адабий тили киради;

2) Жануби-ғарбий тил. Бунга ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси киради;

3) Шимоли-ғарбий тил. Бунга асосан «ж»ловчи шеваларни ўзида бирлаштирувчи қипчоқ лаҳжаси киради.

Ана шу ва шу каби ижтимоий-лисоний шарт-шароитлар ўзбек тилининг туркий тиллар оиласидан мустақил лисон сифатида ажралиб чиқиши ва шаклланишига сабаб бўлган.

Ўзбек тилининг туркий тиллар оиласидан мустақил лисон сифатида ажраб чиқиши шу тил жамоасининг умумтуркий жамоадан алоҳида этник гуруҳ сифатида ажраб чиққан давридан бошланади. Бу давр, олимларнинг эътирофига қараганда, ўзбек тилининг қадимги даври ҳисобланган ва ўнинчи асргача давом этади.

Ўзбек тилининг қадимги даври бошқа туркий тилларга ҳам тегишли бўлган урхун ёдномалари, уйғур ва бошқа ёзувларда битилган ёдномаларни ўз ичига олади. Шу даврдан эътиборан, ўзбек тили унга қардош ва қардош бўлмаган тиллар билан турли даражада алоқага кириша бошлаган. Ўзбек тилининг бошқа тиллар билан турли даражадаги алоқаси ўзбек тил контакти ва унинг ўзига хос кўринишлари учун сабаб бўлади.

Келтирилган бу ёдномаларда учровчи бошқа чет тил ўзлашмаларидан маълум бўладикки, ўзбек тили ҳам мансуб бўлган қадимги туркий тил хитой, санскрит ва суғд тиллари билан лисоний контактда бўлган. Бунга мазкур ёдномаларда учровчи шу тилларга (хитой, санскрит, суғд) хос сўзларининг мавжудлиги гувоҳлик беради.

1969-йили Ленинградда «Қадимги туркий луғат» (Древнетюркский словарь) нашр этилади. Унда туркий тилларга ўтиб қолган ўзга халқ тилларига тегишли сўзлар ҳам берилган. Жумладан, *лучан* (нуроний), *лучанта* (ялтироқ), *махараж* (ҳоким), *махарук* (мифик мавжудоднинг бир тури), *намо* (ибодат), *прат* (дев) ва бошқа ўнлаб диний тушунчаларга оид; *ансмар* (тутқаноқ), *ливанг* (қалампирмунчоқ), *лодур* (ўсимлик тури), *матулунг* (лимон) сингари бир қатор тиббиёт ва ўсимликлар оламига тегишли санскритча сўзлар ҳам келтирилган.

Мазкур луғатда қадимги туркий ёдномаларида учровчи *ан* (суд иши), *бан* (ўн минг), *бан* (ёзув тахтаси), *тсанг* (хазина), *бугунг* (тилхат), *буда* (узум), *буланг* (айвон), *бўк* (девор), *бау* (пул), *чан* (пиёла), *хуа* (гул), *чуан* (баҳор), *чуг* (лойқа), *мир* (асал), *йан* (барг), *тетса* (ўқувчи), *тў* (атала), *чусум* (тут), *тўй* (ўсимлик номи) сингари турли соҳаларга оид бир неча ўнлаб хитойча сўзлар берилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур «Девону луғотит-турк» асаарида «чинликларнинг (яъни хитойликларнинг) алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлари туркчани яхши биладилар» деган фикр учрайдики, бу қадимги туркий тил билан хитой тилининг бевосита контактда бўлганлигидан далолатдир.

Қадимги туркий халқлар суғдлар билан яқин алоқада бўлганлар. Бу алоқа, ҳеч шубҳасиз, қадимги туркий тилнинг суғд тили билан бевосита контактига сабаб бўлган. Бунинг натижасида ўша даврда турк-суғд икки тиллиги шаклланган, бу икки тилнинг биридан иккинчисига сон-саноксиз сўзлар ўтиб, ўзлашган. Масалан, қадимги туркий тилда учровчи ажун (дунё), бадир (идиш), мағ (ой), вахшик (бахт), руч (кун), рушан (ёруғлик), сарвағ (сарой), канд (шаҳар), шамну (шайтон) ва ш.к. бошқа бир неча ўнлаб суғдча сўзлар бунинг гувоҳидир.

Араб тилидан ўзбек ва бошқа туркий халқлар тилига кўплаб сўзлар ўзлашган бўлса-да, энг қадимги туркий ёдномаларида негадир араб лисоний бирликлари учрамайди. Бунинг сабаби шундаки, сўз юритилаётган ўша даврда туркий тиллар араб тили билан бевосита алоқада бўлган эмас.

Туркий тилларнинг араб тили билан алоқага киришуви ўн биринчи асрдан бошланади. Бу даврда қадимги туркий тил ўрнини эски туркий тил эгаллай бошлайди. Айни даврда форс тилининг ижтимоий мавқеи юқорилаб, суғд тилининг истеъмолига моненьлик қила бошлайди. Қисқа муддат ичида форс тили мукамал шаклланиб, бошқа тилларга, шу жумладан, туркий (ўзбек) тилларига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Натижада туркий-форс тил контактига лисоний шароит пайдо бўлади.

Қадимги туркий тил маълум даражада араб тили билан ҳам лисоний контактда бўлган. Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида ўзбек-араб тил контакти вужудга келди. Бу даврда араб тили давлат ва фан тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди. Ўзбек тили, бир томондан, босқинчиларнинг оддий сўзлашув тили билан, иккинчи томондан, араб ёзма адабий тили билан тўқнашди.

Араб тили маҳаллий аҳолига давлат ва фан тили, айниқса, дин тили сифатида мажбуран ўқитилди ва сингдирилди. Натижада маҳаллий аҳоли вакиллари ўз она тили билан бир қаторда, араб тилида ҳам ёзадиган ва гапирадиган бўлди. Ўрта

Осиёлик машхур олимлар Абу Райхон Беруний (973-1048), Хоразмий (795-857), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Наср Фаробий (873-950), Аҳмад Фарғоний (861-й. вафот этган) ва бошқалар ўз илмий асарларини араб тилида ёзганлар. Шундай қилиб, ўзбек-араб билингвизми, ўзбек-араб тил контакти вужудга келди ва араб тилидан ўзбек адабий тилига, қисман унинг маҳаллий шеваларига ҳам арабча сўзлар кириб кела бошлаган.

Араб тилининг ўзбек адабий тилига таъсирини Алишер Навоий ижодидаги арабча сўзлар салмоғидан ҳам билса бўлади. Навоий асарлари тилининг 30-33 фоизини арабча сўзлар ташкил қилади.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф хос Хожибнинг «Қутадғу билик» («Саодатга йўлловчи билим») асарлари эски туркий тилнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. «Қутадғу билик»да диний, ахлоқий ва фалсафий тушунчаларга оид араб сўзлари кўплаб учрайдики, бу эски туркий ва араб тиллари контакти амалидан дарак беради. Чунончи, *зулжалол* (Аллоҳга нисбатан: улуғворлик), *камол* (етуклик), *қодир* (қудратли), *расул* (пайгамбар), *халойиқ* (халқлар), *салом* (салом), *малик* (подшо), *маширик* (шарқ), *хазина* (хазина), *мерос* (мерос), *ҳаким* (файласуф), *аморат* (амирлик), *ажаб* (қизиқ), *бақо* (доимийлик), *хароб* (бузуқ), *раият* (аҳоли), *сано* (мақтов), *офият* (эсонлик) ва ш.к. юзлаб арабча сўзлар бунинг ёрқин далили бўла олади.

Ўзбек тилида араб луғавий ўзлашмалари ўн бешинчи асрдан бошлаб кўпая бошлади. Ўзбек адабий тилида араб луғавий ўзлашмалари фан ва техниканинг деярли барча тармоқларида учрайди. Масалан,

1) фалсафага оид *абад*, *азал*, *замон*, *макон*, *маърифат*; *мантиққа оид қиёс*, *маъқулот*, *ҳад*, *ҳомил*, *махмул*;

2) этикага оид *садоқат*, *ахлоқ*, *адоват*, *мунофик*;

3) психологияга оид *ҳис*, *ҳиссиёт*, *ақл*, *разбат*, *ирода*;

4) сиёсатга оид *сиёсат*, *жамият*, *жамоа*, *мамлакат*, *давлат*, *тарғибот*, *ташвиқот*;

5) тилшуносликка оид *маъно*, *мазмун*, *исм*, *жумла*, *феъл*, *имло*, *оҳанг*, *равиш*;

6) адабиётшуносликка оид *шеър*, *шоир*, *назм*, *наср*, *рубоий*, *қофия*, *газал*, *вазн*, *марсия*, *масал*, *муболага*, *мураббо*, *мажоз*;

7) астрономияга оид *фалак, фазо, сайёра, сарв, асад, сунбула, мезон, қавс, шамс, қамар*;

8) маорифга оид *мактаб, мадраса, таълим, тарбия, савод, муаллим, мударрис, дарс* ва б.қ.

Буларнинг кўпи фан ва техниканинг ана шу соҳаларида ўзгаришсиз ишлатилади.

Айрим олимларнинг кузатишларидан маълум бўладики, ўзбек тили лексикасидаги араб сўзлари миқдори ўтган асрнинг етмишинчи йиллари арафасида яна кўпайган. Масалан, профессор М.Мирзаев «Қизил Ўзбекистони» газетасининг 1947 – 1948-йилларда чиққан 4 сонини кузатганда, ундаги сўзларнинг 18,7 фоизи араб тилига тегишли бўлган. 1966-йили «Тошкент оқшоми» газетасида «Фестиваль кўшиқлари янграйди» сарлавҳаси билан босилган мақолада 26,9 фоиз араб сўзлари ишлатилган. Ҳатто техникага оид мақолалар матнида ҳам араб сўзларининг салмоғи кам бўлмаган. Чунончи, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1967-йил 18-январь сонисида босилган «Техника ремонтни» сарлавҳали мақола лексикасининг 22 фоизини араб сўзлари ташкил этган²⁶.

Ҳозирги даврда араб тилининг ўзбек тилига таъсири анча сусайган, чунки эндиликда ўзбек ва араб тиллари орасида бевосита контакт мавжуд эмас, у барҳам топган.

Ўзбек ва рус тиллари контакти алоҳида йирик мавзу бўлиб, рус тилининг туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига таъсири масаласи муҳим социолингвистик аҳамият касб этади. Туркий ва рус тилларининг алоқаси Россия билан Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар заминида пайдо бўлган.

Маълумки, рус ва Ўрта Осиё халқларининг ўзаро алоқаси узоқ тарихга эга. Буни туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилига кириб ўзлашган рус сўзларидан билиш мумкин. Рус ва ўзбек тиллари алоқаси Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишидан кейин янада кучайди. Муқимий, Фурқат, Аваз, Ибрат сингари ўзбек маърифатпарварлари ижодида қўлланган русча сўзлар бунинг яққол далилидир. Шунингдек, Октябрь инқилобигача Туркистонда нашр этиладиган «Туркистон вилояти газетаси»да

²⁶ Мирзаев М. Бухоро ўзбек ва тожик шевалярининг ўзаро муносабати тўғрисида //Ўзбек диалектологиясидан материаллар. 1-том. -Тошкент, 1961.

ҳам бир қатор русча сўзлар учрайдики, бу ҳам юқорида айтилган фикрни тасдиқлайди.

Профессор А.К.Боровковнинг кўрсатишича, 1905-йилги биринчи рус инқилобидан кейинроқ ўзбек тилига рус сўзлари ва рус тили орқали лотин-юнон ва европача сўзлар кира бошлаган²⁷. Бу даврда рус ва бошқа тилларга мансуб сўзлар асосан нутқнинг оғзаки шакли орқали ўтган. Улар ўша давр имлосида ҳам шу шакллари сақлаган ҳолда ёзилган. Масалан, *искалод (склад)*, *инастран (иностраниец)*, *пиракурор (прокурор)*. Шунингдек, француз ва итальян тилларига қарашли *кўнгира (конгресс)*, *қумита (комитет)*, *театру (театр)*, *сугурта (страхование)* сингари айрим сўзлар ўзбек тилига рус тили орқали ўтган.

Ўзбек тилига 1905 – 1907-йиллар биринчи рус инқилобидан кейин ўтган сўзлар қишлоқ ва шаҳарларнинг турмушидаги янги тушунчаларни ифодалаган. Чунончи, *завод, фабрика, гастиница, конка (трамвай), машина, поезд, вокзал, вагон, почта, квартир. залог, подряд; управа (управление), бўлис (волость), губерния, заказ, фирма, биржа, арбитраж, банк, расход, оборот, партия, митинг, дума* ва б.

Рус тили сўзларининг ўзбек тилига кириб келиши, айниқса, Октябрь инқилобидан кейин фаоллашди. Ўзбек ва рус лисоний контакти икки халқ ўртасидаги дўстона муносабат, сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг яқин бўлиши, ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқнинг ижобий таъсири туфайли юзага келди (Бу ҳақда кейинги мавзуларда атрофлича маълумот берилади).

Туркий уруғ ва қабилалар тили жуда қадимий даврларда Ўрта Осиёда азалдан яшаб келган эроний тиллар билан алоқада бўлган. Ўрта Осиёда, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқ эроний тиллар гуруҳига кирувчи маҳаллий тил лаҳжаларида гаплашган. Бу уруғ – қабилалар, халқлар – суғдлар, саклар, массагетлар, бактрияликлар, парфияликлар, париканийлар, хоразмийлар ва бошқаларнинг тили бўлган. Шунингдек, қадимий Бактрия подшолигида грек тилидан, шунингдек, грек ва эроний тиллар қоришмасидан иборат бўлган тилдан ҳам фойдаланган.

Маълум тарихий сабабларга кўра, тожик-форс тили, хусусан, унинг адабий тили ўзбек тилининг адабий тили ривожида араб

²⁷ Боровков А.К. Изменения в лексике узбекского литературного языка и новый алфавит // Изв. Уз ФАН ССР, №7.

тилига нисбатан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади. Бунинг сабаби ўзбек ва тожик халқларининг асрлар давомида бир умумий ҳудудда яшаб, бир хил тарихий шароитда турмуш кечиришларидир. Бунинг натижасида бу икки халқнинг урф-одатида, дунёқарашида, санъат, адабиёт, мусиқа сингари маданий ҳаётида кўпгина муштарак унсурлар юзага келди.

Адабиёт ва унинг турли жанрларида, расмий ҳужжатлар, илмий-фалсафий ва диний асарлар тилида, услубида озми-кўпми умумий нуқталар шаклланди. Бу умумийлик ҳатто шеърӣ-аруз вазнидан фойдаланишда ҳам мавжуд эди.

Форс-тожик тилининг ўзбек тилига таъсири, айниқса, Сомонийлар сулоласи даврида анча сезиларли бўлган. Бу даврда форс-тожик тили давлат мақомидаги адабий тил сифатида кенг тарқала бошлаган эди. Натижада барча ижтимоий соҳада ҳукмрон бўлган араб тилининг мавқеи сусайиб, истеъмоли сўна бошлаган. XIV–XV асрларда туркий (ўзбек) зиёлилар, шоирларнинг кўпи тожик тилини яхши билганлар. Ҳар икки тилда бир хил савияда ижод қилганлар. Алишер Навоӣ бу борада шундай ёзган эди: «Турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар... Туркнинг улуғидин кичигига дегинча ва навқаридин бегига дегинча сарт тилидан баҳраманддурлар».

Тожик тилининг ўзбек тилига таъсири адабий тилнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклларида амалга ошиб, ўзбек тили лексикасида катта салмоқда тожик сўзлари қатлами вужудга келади. Бу таъсир ўзбек тилининг грамматик қурилишида ҳам ўз ижобий изига эга бўлди. Ўзбек тили фонетик тизимида тожик тилининг таъсири анча сезиларли бўлди.

1.7. Интерференция ва унинг ўзбек ва тожик тиллари контактига алоқаси.

Интерференция – тилшунослик фанида нисбатан янги тушунча. Шунинг учун бўлса керак, О.С.Ахманованинг «Лингвистик атамалар лугати»да бу атама ва унинг фанний тушунчаси ҳақида маълумот берилмаган²⁸.

С.М.Локшина томонидан тузилган «Чет сўзлар қисқача лугати»да «интерференция» атамаси ва унинг шарҳи берилган.

²⁸ О.С.Ахманованинг «Словарь лингвистических терминов». – М., 1969

Маълум бўлишича, бу атама латинча *inter* ва *ferens* сўзларидан олинган, таржимаси “ўзаро таъсир» иборасига тўғри келади.

Интерференция кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънодаги тушунилиши интерференциянинг нолингвистик томонлари бўлиб, тилшунослик фани учун муҳим эмас.

Интерференциянинг лингвистик шарҳи ва моҳияти У.Вайнрайх, В.В.Алимов, Э.Хауген, Е.М.Верещагин, В.Ю.Розенцвейг, Л.М.Уман, В.В.Климов, Ю.Д.Дешериев, И.Ф.Протченко, В.А.Виноградов, Ю.К.Жлуктенко, Л.И.Баранникова, З.У.Блягоз, Р.К.Миньяр-Белоручев, Н.Г.Михайловская, Л.В.Шчерба, М.Т.Зокиров асарларида берилган. У.Вайнрайх томонидан айтилган шарҳ интерференциянинг лингвистик жабҳадаги амалига бевосита тегишли. У «биллингв нуткида бир неча тилларни билиш натижасида вужудга келган тил меъёрларидан ихтиёрий равишда чекиниш ҳолатлари» интерференция деб тушунса, М.Т.Зокиров эса «интерференция – бу она тилида мустаҳкамланган тил кўникмаларини ўрганилаётган иккинчи тилга ихтиёрсиз равишда олиб ўтиш натижасидир», дейди²⁹.

Демак, шуниси муҳимки, нтерференциянинг амали нолингвистик характердаги ҳодисаларда ҳам мавжуд. Шунингдек, бу тушунчага хос хусусиятлар табиат ҳодисалари ва уларнинг ўзаро муносабатларида ҳам учрайди. Шу боис интерференция лингвистик характерга нисбатан кўпроқ ижтимоий-психологик тавсиф ҳам касб этади.

Э.М.Ахунзянов, И.А.Зимняя, А.А.Леонтьев, Н.М.Курманбаев, А.А.Залевскаялар каби олимларнинг ишларида интерференция психологияга қарашли ҳодиса сифатида ўрганилган: бир иш-ҳаракатга хос хусусиятларнинг иккинчи бошқа иш-ҳаракат таркибига бир хил кўникма ва малака билан ўтказилиши интерференция деб тушунилади.

Тилшуносликда нтерференция, унинг социоллингвистик йўналишига оид тушунча сифатида қаралади. Бир тилга хос хусусиятнинг бошқа тил қурилиши ёки унинг бирор-бир ички тизимига лисоний жиҳатдан таъсири интерференция дейилади. Бошқача таъбир билан айтганда, интерференция бир тилга хос

²⁹ Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик биллингвизмида намоён бўлиши. НДА. Тошкент, 2007.

хусусиятнинг бошқа тил қурилиши ёки унинг бирор-бир ҳодисасига беихтиёр ўтказилишидир.

Интерференция билингв (икки ҳар хил тилда сўзлаша олувчи шахс) ва билингвизм (икки тиллилик) тушунчалари билан узвий боғлиқ социолингвистик жараён ҳисобланади. Зеро, интерференция билингв нутқий фаолияти билан алоқадор ва нутқ жараёнида вужудга келувчи ҳодиса саналади.

Лингвистик интерференция тил системасининг барча сатҳларида учрайди. Шунга кўра унинг «фонетик, лексик-семантик, морфологик, синтактик» турлари ажратилган.

Интерференция жараёнда бир тилнинг фонетик ёки грамматик қурилишига хос хусусиятлар таъсирида бошқа иккинчи бир тилнинг фонетик ёки грамматик қурилишига хос расмийлашган меъёр унутилади ёки ҳисобга олинмайди, тўғрироғи, иккинчи бошқа тилнинг фонетик ёки грамматик меъёрига риоя қилинмайди. Чунончи, ҳар бир тилнинг фонологик тизими унинг фонетик тизими билан уйғунликда амалга ошади. Ҳар бир фонема, у унли ёки ундошлигидан қатъий назар, адабий тилнинг орфоэпик меъёрига риоя қилиниши талаб этилади. Чунки ҳар бир фонеманинг адабий нутққа хос расмий оҳанги (интонемаси) бўлади. Бир тил жамоасига мансуб шахс бошқа тилда ёзилган матнни ўқиганда, у ўша тилнинг фонемаларини ўз тилига хос талаффузда ўқийди. Натижада нутқий лаҳзада иккинчи тилнинг орфоэпик меъёри «бузилади». Бу интерференциянинг тил фонемалар сатҳига хос кўринишларидан биридир. Масалан, ўзбек тил жамоасига мансуб ўқувчи ёки талаба тожик ёки рус тилида битилган матнни ўқиганда, у шу тилларга хос фонемаларни, уларнинг адабий тил орфоэпик меъёрларини билмаганлиги учун, ўзбек тили фонемаларининг орфоэпик қонун-қоидалари таъсирида ўқийди: тожикча ёки русча фонемаларни ўзбекча товушлар билан талаффуз қилади. Рус тилидан ўтиб ўзлашган *директор*, *коллектор*, *диктатор*, *сенатор*, *элеватор* типдаги сўзларни қандай ёзилган бўлса, ўзбекча талаффуз кўникмасига биноан ўшандай талаффуз қилади (рус адабий талаффузида: *директыр*, *каллектыр*, *сенатыр*, *диктатыр*, *элеватыр*). Бунда четдан ўзлашган сўзларнинг ўзбек тилига хос талаффузи рус нутқига нисбатан интерференциянинг намоён бўлишидир.

Интерференциянинг тил грамматик тизимига хос кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, ўзбек ёки тожик тил жамоасига мансуб шахс рус тилининг грамматик қонун-қоидаларидан меъёрий назарий маълумотга эга бўлмаса, у русча гапирганда ёки ёзганда, ўзбек ёки рус тилининг грамматик-қонун қоидаларига амал қилади: «Моя сестра»ни «Мой сестра»; «Сестра пришла»ни «Сестра пришёл» тарзида рус тилининг род категорияси қонун-қоидаларини стихий тарзда «паймол қилади».

Интерференция жараёни, ўзга тилда рўй берадиган ўзгаришнинг характерига кўра, икки хил бўлади:

- а) салбий интерференция;
- б) ижобий интерференция.

Интерференциянинг салбий характерлиси бир тил жамоаси вакилининг иккинчи тилнинг лисоний меъёрларини билмаслиги оқибатида вужудга келади. Унда иккинчи тилнинг муайян сатҳига хос лисоний меъёрига амал қилинмайди. Бу жараёнда сўзловчи мансуб бўлмаган тилда нутқий ғализлик пайдо бўлади. Бироқ бу ғализлик «гапирувчи»чининг ўзига сезилмайди. Юқорида келтирилган мисоллар салбий характердаги интерференция кўринишларидан бирига тегишлидир.

Ижобий интерференцияда тилда иккинчи тилнинг фонетик ёки грамматик қурилишига хос айрим лисоний хусусиятлар пайдо бўлади. У иккинчи тил ривожланишидаги ташқи омилларидан бирига айланади. Унинг «ижобий интерференция» деб номланиши ҳам шундан.

Ўзбек тили унли фонемалари миқдорининг саккиз-тўққизтадан олтитага ихчамлашиши ижобий интерференциянинг ўзбек тили фонемалари тизимига хос кўринишларидан биридир. Бу интерференция тожик-форс тилининг ўзбек тилига таъсири ўлароқ вужудга келган. Шунингдек, ўзбек адабий тили фонетик тизимида сингармонизм ҳодисасининг тугал барҳам топиши ҳам тожик-форс тили таъсирида амал қилган ижобий интерференцияга мисол бўлади.

Рус тилининг фонологик тизимига хос айрим унсурлар ҳам ўзбек тилининг фонологик тизимида белгили из қолдириб, ижобий интерференция амалига сабаб бўлади. Ўзбек адабий тили ва унинг талаффузига сингишган лаб-лаб «в», лаб-тиш «ф», қоришиқ «ц» ундошлари ўзбек-рус билингвизми таъсирида пайдо бўлган интерферентив ҳосилалардир. «Ф» фонемасининг ўзбек

тили фонемалар тизимида пайдо бўлишига араб ва форс тиллари ва улардан «ф» товуши мавжуд сўзларнинг ўзлашиши ҳам сабаб бўлган, албатта. Бироқ рус тили таъсирида вужудга келган «ф» билан араб ва форс тиллари таъсирида вужудга келган «ф» товуши талаффузида қисман фарқ борлигини унутмаслигимиз керак, албатта: *фартук, шарф, шкаф, фабрика, философия; фаршита, фуқаро, фасон, сарф, шараф, шафтоли, сифат, сафар* ва ш.к.

Интерференциянинг нутқ товушлари ва уларнинг ўзга тил талаффузи таъсирида ўзгариши д и а ф о н и к ўзгариш, ўзга тил талаффузига «кўчирилган» товушлар эса д и а ф о н е м а дейилади.

Тилнинг луғавий-семантик сатҳига хос интерференцияга нисбатан эса, д и а с е м и я ёки д и а л е к с и я атамалари ишлатилади. Бу терминлар умумфанга Д.Джоунз томонидан нолингвистик тавсифдаги бошқа тушунчалар ифодаси учун олиб кирилган. Э.И. Хауген уни социоллингвистик тушунча сифатида тилшунослик фанига ҳам ҳам татбиқ этган.

Интерференциянинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1)ўзга тил товушлари ўз тил товушлари ўрнини эгаллайди. Масалан, Тожикистон ўзбеклари нутқида унлилар талаффузи тожикча унлилар талаффузи билан алмашган: ўзбек тили товушлари ўрнини тожик тили унлилари «эгаллаган»;

2)сўз маъноларида торайиш ҳисобига ўзгариш юз беради. Масалан, рус тилига туркий тиллардан «балык» («балиқ) сўзи ўзлашган. Бироқ бу сўз туркий тиллардаги «балиқ ва унинг турлари» маъносини билдирмайди, балки у рус тилида «дудлаб қуритилган балиқ» маъносида лисоний «расмийлашган»;

3)ўзга тил ўзлашмалари ўз тилнинг грамматик қонун-қоидаларига бўйсунди. Масалан, туркий тилларда род (грамматик жинс) категорияси йўқ. Шунинг учун туркий сўзлар род билан турланмайди. Бироқ рус тилига ўзлашган туркча ва форсча ўзлашган «лапша», «арба», «алыча», «сурьма», «сюзьма», «паранжа» сингари сўзлар «женский род»га, «буран», «урюк», «саксаул», «бархан», «утюг», «кирпич» сингари сўзлар «мужской род»га киритилади. Шунингдек, рус тилидан ёки у орқали Европанинг бошқа тилларидан ўзлашган сўзлар ўзбек тилининг

грамматик қонун-қоидаларига бўйсунди. Рус тилидан ўзлашган *завод, шкаф, фабрика, аудитория, класс* сингари сўзлар ўз тилда келишиклар билан турланганда, келишик шаклларига *в, с, к, под, за* ва ҳ.к. предлоглар «ҳамроҳлик» қилади. Келтирилган бу тип сўзлар ўзбек тилида келишик қўшимчаларини предлогсиз олиб турланади: «в шкафе» «шкафда», «в аудиторию» «аудиторияга» каби.

4) бадий ижодда, айниқса, шарқ поэзиясининг «шир-у шакар» жанрида ўз тилда ёзилган шеърда ўзга тилга хос сўз ва сўз шакллари, ҳатто гаплар киритиладики, бу интерференциянинг бадий нутққа хос хусусияти саналади.

Бадий матнларда бошқа тил лисоний унсурларининг иштирок этиши мақсадли билингвизмнинг услубий характердаги кўринишларидан биридир. Масалан, таниқли болалар шоири Султонмурод Ҳожибоевнинг «Тожиқ дўстим» шеърида шу ҳолни кўриш мумкин:

Менинг тожик дўстим бор,

Унинг билан ўсгим бор.

Дилаш чашма барин соф,

Юзи-кўзида офтоб.

Ҳамроҳ бози мекунем,

Аспбозй мекунем.

Лола тергани қирга

Чиқамиз бирга-бирга.

Дарс тайёрлаш, ўқишда,

Ҳамкордирмиз ҳар ишда.

Эҳ, қисқаси, бу дўстим

Бачайи доно-ю нағз,

Бизни аҳил кўрган дер,

Бир данакда қўша мағз.

Ижтимоий-нолингвистик ва соф лингвистик нуқтаи назардан қараганда, нтерференция ва унинг жараёни икки йўл билан амалга ошади. Биринчиси, муайян тил жамоалари ёки уларнинг айрим ижтимоий қатламларининг ўзаро контактдаги алоқаси натижасида интерференция учун шароит вужудга келади. Иккинчиси, ўзга тилни мақсадли ўрганиш жараёнида ўз ва ўзга тил тизимлариаро вужудга келган лисоний муносабатлар натижасида интерференция учун имконият пайдо бўлади.

Интерференция, функционал амали доирасига кўра ҳам, уч хил бўлади:

1) ҳар хил этник жамоаларга хос мустақил тиллар доирасида вужудга келади (масалан, ўзбек ва тожик ёки ўзбек ва рус тиллари доирасидаги интерференция);

2) бир тилга қарашли лаҳжа ва шевалар доирасида вужудга келади. Интерференциянинг бу хусусияти адабий тил ва унинг ривожланиши учун муҳим эмас. У тил фанининг диалектология тармоғига алоқадор ижтимоий-лисоний ҳодиса ҳисобланади.

3) адабий тил билан унинг маҳаллий лаҳжа ёки шевалари доирасида вужудга келади. Бу хусусият одатда адабий тил таъсирида лаҳжа ва шевалар тизимида юз берувчи лисоний ўзгаришлар билан характерланади. Бироқ нофаол тарзда бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Бу одатда тилнинг луғавий сатҳига хос бўлади.

Тилни чет лисоний унсурлардан «тозалашда», инкор этилган чет сўзлар ўрнига лаҳжа ёхуд шевалардан уларга мувофиқ муқобиллар танланади. Ўзбек тилида русча «остановка», «икра» сўзлари ўрнига шевалардан «бекат», «увилдирик» сўзларининг олинганлиги бунга мисол бўлади.

Интерференциянинг мазкур хусусияти асосида бу атаманинг ифода кўлами белгиланади, яъни «интерференция» тор ва кенг маъноларда қўлланувчи социолингвистик атама ҳисобланади.

Интерференция тор маънода «ҳар хил этник жамоага қарашли мустақил тиллардан бирининг бошқасига таъсири туфайли содир бўлувчи лисоний ўзгариш»ни билдиради.

Бу атама кенг маънода «адабий тилнинг таъсири туфайли унинг лаҳжа ёки шеваларида пайдо бўлган ўзгариш» ҳамда «бир тил доирасидаги лаҳжа ёки шева таъсирида шу тилнинг бошқа лаҳжа ёки шевасида содир бўлган лисоний ўзгариш»ларга нисбатан ҳам ишлатилаверади. Масалан, шеваларда мавжуд-у, лекин адабий тилда ўша тушунчани ифодаловчи сўз бўлмаслиги мумкин. Буни ўзбек тили қариндошлик номлари тизимида ҳам кўрса бўлади. Чунончи, ўзбек адабий тилида «набира – эвара – чевара»дан кейинги авлодни атовчи сўзлар йўқ. Бироқ улар «зувола – увора – бегона» тартибида шеваларда учрайди. Агар кейинги 5-, 6- ва 7- авлод номларини билдирувчи юқоридаги сўзлар (зувола, увора, бегона) адабий тилга қабул қилинса ва улар оммалашиб, лисоний расмийлашса, шева ва адабий тил

муносабатидаги ижобий интерференцияга ишончли мисол бўлади.

Хуллас, интерференция кенг кўламли мураккаб ҳам ижтимоий-нолиний ва ҳам социал-лисоний ҳодисадирки, у бир қатор монографик режаларда жиддий ўрганилиши зарур.

1.7. Ўзбек ва тожик икки тиллиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбек ва тожик икки тиллиги Тожикистонда яшовчи маҳаллий аҳолилар учунгина хос бўлмай, у Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида яшовчи маҳаллий аҳолилар учун ҳам хосдир. Бунинг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга – XI асрга бориб тақалади. Машҳур қомусчи олим Маҳмуд Қошғарий туркий тилларни дастлаб икки гуруҳга ажратади. Уларнинг бирини соф туркий тиллар, бошқасини соф бўлмаган туркий тиллар деб атайди. Соф бўлмаган туркий тилга Шарқий Туркистоннинг Жанубий ҳудудлари, Чув ҳамда Талас водийлари аҳолисининг тилини киритади. Бу ҳудудларда суғдийлар қарамоғидаги шаҳарлар аҳолиси яшаган. Улар икки тилда гаплашар эдилар. Соф туркий бўлмаган тил эгалари Болосоғун, Талас (Авлиёота, ҳозирги Жанбул шаҳри) ва Оқшаҳар (Исфижоб, Сайрам) шаҳарлари аҳолиси бўлиб, улар суғд (тожик) ва турк тилларида баробар сўзлаша олганлар.

Ўзбек ва тожик икки тиллиги (билингвизми) нутқнинг оғзаки ва ёзма каби икки хил шакли орқали амалга ошган. Шу боис ҳам ўзбек ва тожик икки тиллиги икки тиллиликнинг бошқа кўринишларидан ўз фаоллиги ва кенг ҳудудлиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, ўзбек ва араб, ўзбек ва рус, тожик ва араб, тожик ва рус ва бошқа иккитиллиликлар ўзбек ва тожик икки тиллиги даражасида фаол эмас, шунингдек, уларнинг амалий ҳудуди ҳам кенг эмас.

Ўзбек ва тожик икки тиллигининг таъсири натижаси бўлса керак, ўзбек тили луғат таркибининг ўн фоиздан ортиқроғини тожик тилидан ўзлашган луғавий бирликлар ташкил қилади. Тожик тилининг луғат таркибида ҳам ўзбек тилидан ўзлашган луғавий бирликлар миқдори кам эмас. Булардан ташқари, ўзбек тилининг морфем ва сўз ясалиши тизимларида ҳам тожик тилининг самарали таъсирини сезиш қийин эмас. Тожик тилига қарашли грамматик кўрсаткичлар ўзбек тилининг сўз ва шакл ясовчи воситалари сифатида фаол қатнашади.

Буларнинг барчаси юқорида тилга олинган интерференция ҳодисасининг кўринишларидир.

Ўзбек ва тожик икки тиллиги (билингвизми) ўзининг узоқ тарихига эга. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқлар, жумладан, ўзбеклар орасида иккитиллик қадимдан мавжуд. Ўз она тилидан ташқари, ўз тили учун қардош бўлмаган араб ва тожик тилларида сўзлаша олиш қобилияти ҳамма халқда ҳам бир хил бўлавермайди.

Икки тил – ўзбек ва тожик тилларида гаплаша олувчи аҳоли VI асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда (Амударё ва Сирдарё оралиғида) истиқомат қила бошлаган. Шунингдек бундай аҳоли Шош вилояти (қадимги Бинкент – ҳозирги Тошкент атрофлари)да яшаган. Улар ўзбекча-туркий ва тожикча-форсий тилларда бир хил сўзлаша олган. Бундай икки тиллик форс-тожик ва эски ўзбек адабий тил контактларнинг амали сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек ва тожик икки тиллигининг самарали амали натижасида ўзбек ва араб икки тиллиги барҳам топди. Сомонийлар династияси даврида (IX-X асрлар) форс-тожик мумтоз адабий тили кенг тарқала бошлади. Форс-тожик адабий тили бу даврда (VII-VIII асрлар) фан ва адабиёт соҳасида, шунингдек, юридик соҳада ҳукмронлик қилган араб тилини сиқиб чиқара бошлайди. Бундай кураш дастлаб XI асрда форс-тожик тили таъсирида араб тилининг шеърийдан сиқиб чиқарилишига сабаб бўлади³⁰. Навоий даврига келиб, ўзбек ва тожик икки тиллиги кенг тарқалган ҳодисага айланди. Бу даврда ўзбек ва тожик икки тиллиги халқ тили жабҳаси (аспекти)да ҳам, адабий тил жабҳасида ҳам мустақкам мавқени қўлга киритган эди.

Ўзбек ва тожик икки тиллиги ўзбек ва тожик бўлмаган бошқа икки тилликлардан ўзига хос сифатий ва миқдорий хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбек ва тожик икки тиллиги ўзаро контактли икки тилликдир (Проблемы двуязычия и многоязычия, 115-б.). Контактли икки тиллик ҳодисасининг сийрак учровчи ноёб турига киради. Бундай характердаги икки тилликка сабаб бўлган тил контактини проксимал контакт дейилади. Проксимал контакт таъсирида

³⁰ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985, 108-б

вужудга келган икки тиллиликда бир тилга хос лисоний хусусиятлар у билан алоқадаги бошқа тилдан кўпроқ ва сезиларли ўрин олади. Шу жиҳатдан қараганда, ўзбек ва тожик икки тиллиги проксимал тил контактининг самараси сифатида фақат бир тилдан бошқа тилга сўз ўзлашиши билан чекланувчи дистал характердаги тил контактига хос икки тиллилик (шартли равишда)дан фарқилади.

Ўзбек ва тожик икки тиллиги Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари аҳолиси орасида ҳамон мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари, Фарғона водийсининг баъзи туманлари аҳолиси ҳозир ҳам ўзбек ва тожик тилларида бир хил сўзлаша олади. Тожикистоннинг Суғд, Қўрғонтеппа вилоятлари, Душанбе шаҳрининг атроф туманларида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам тожик ва ўзбек тилларида гаплаша олади.

Илмий манбаларда эътироф этилишга қараганда, тожик (эроний) тилининг ўзбек (туркий) тилга таъсири икки босиқич (давр)ни ўз ичига олади. Бу таъсирнинг биринчи босиқичи ўзбек тилининг халқ тили мақомида шаклланишигача бўлган даврга тўғри келади. Бу даврда ўзбек (туркий) тили Ўрта Осиё ва Ўзбекистон худудидаги эроний қабила ва халқ (суғдлар, хоразмийлар, тохарлар, саклар, массагетлар ва х.)ларнинг тилларидан баҳраманд бўлган. Тожик (эроний) тилининг ўзбек (туркий) тилига таъсири билан боғлиқ иккинчи босиқич сомонийлар даврига тўғри келади. Ба даврда ўзбек (туркий) тили тожик халқ ва адабий тилидан, шунингдек, унинг шевалари луғавий бирликларидан баракали озикланган.

XV-XVI асрларга келиб, тожик тили Бухоро, Қўқон хонликларининг расмийлашган давлат тили сифатида шўҳрат топган. Бу хонликларнинг хужжат ишлари ана шу тилда расмийлаштирилган³¹.

Ўзбек ва тожик тиллари асосида вужудга келган икки тиллилик ёзма адабиёт – бадий асарларда ҳам ўз аксини топган. Қарши шаҳрида топилган ва тахминан темурийлар даврида таржима қилинган «Қўрғон» тафсирида ҳам бу ҳол кўзга ташланади. Ўзбек ва тожик икки тиллигига доир далиллар, айниқса, бадий адабиётда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Бу жараёни бадий адабиётнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклларида

³¹ Абдурахмонов Д. Ўзбек шеваларнинг тараққиёт манбалари ва улардаги лексик фарқлар//Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1991.

бир хил меъёрда учратиш мумкин. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий сингари мумтоз адибларимизнинг ижодида ўзбек ва тожик икки тиллигининг ёрқин намуналари берилган. Бу жараён анъанавий тус олиб, кейинчалик Гулханий, Махмур, Муқимий, Садриддин Айний, Боқи Раҳимзода, Мирзо Турсунзода, Ғафур Ғулом, Ўлмас Жамол каби ўзбек ва тожик шоирларининг ижодини беаган. Хуллас, ўзбек ва тожик икки тиллиги ўзбек ва тожик адабий алоқаларининг муҳим шакли сифатида юксак қимматга эга.

1.8. Ўзбек тили ва унинг шаклланиши ҳақида.

Ўзбек тили Марказий Осиёдаги маҳаллий аҳолилардан бирининг алоқа аралашув воситаси ҳисобланади. У туркий тилларнинг Ғарбий хунн тармоғига қарашли. Ўзбек тили шу тармоқ (Ғарбий-хунн)нинг Жанубий-Шарқий шаҳобчаси (ареали)га мансуб бўлиб, уйғур тили билан бир гуруҳни ташкил қилади. Туркий тилларга кирувчи бу шоҳобча қарлуқ гуруҳи деб ҳам номланади³².

Ўзбек атамаси ўзи бек, ўзимизнинг бек, ўзига мустақил – ўзи хон, маънолари билан пайдо бўлган. Ўзбек сўзининг бу маънолари кўпчилик тилшунос ва тарихчи (масалан, Бўрибой Аҳмедов) олимлар томондан эътироф этилган. Улар ўзбек сўзининг луғавий маъноси сифатида тан олинган. Профессор Худойберди Дониёровнинг ёзишига қараганда, ўзбек сўзи, айрим тарихчи олимлар эътироф этганидек, XVI ёки XIV асрдан эмас, билки XI асрдан, ҳатто ундан олдинроқ қўллана бошланган, туркий халқларнинг катта бир қисмини ташкил этуви эл номига нисбаланган.

Ўзбек атамасининг киши исмига нисбатланиши В.В.Бартолд, В.И.Масамский сингари машҳур шарқшуносларнинг эътирофи мавжуд. Уни Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) номи билан боғлайдилар.

Машҳур «Девону луғотит турк» асарида Маҳмуд Қошғарий ўзбек атамасини ишлатмаган бўлса-да, кейинчалик шу ном билан аталувчи халқни қипчоқларнинг катта бир гуруҳи сифатида қараган. Профессор Х.Дониёровнинг қатъий ишонч билан айтишига қараганда, ўзбек атамаси киши номи сифатида ҳам, халқ номи сифатида ҳам XI асрда юзага келган³³.

³² Баксаков Н.А. Алтайская семья языков и её изучение. – М.: Наука, 1981, 48-б.

³³ Х.Дониёров. Ўз тарихимизни биламизми? «Ўзбекистон», 15 июль, №114

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер куррасида ўзбекларнинг умумий сони 40 миллиондан ортиқ кишини ташкил қилади. Уларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг асосий аҳолиси ҳисобланган. Ўзбек миллатига мансуб аҳоли Тожикистон, Қазоқистон, Қирғизистон, Туркманистон Республикаларида ҳам мавжуд. Бундан ташқари Афғонистон, Хитой Халқ Республикаси (Синцзян-Уйғур автоном ноҳияси) аҳолининг маълум бир қисмини ўзбеклар ташкил қилади. Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат тили ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек тилининг шаклланиши уч йирик – қарлук, кипчоқ ва ўғиз лаҳжаларига асосланади. Бу лаҳжаларнинг ҳар бири кўпгина шеваларни ўз ичига олади.

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласида ҳар хил қарашлар мавжуд. Шулар ичида нисбатан ишонарлиси қуйидаги тўрт даврни ўз ичига олади: 1) эски ўзбек тили (XII-XIV асрлар); 2) оралӣ давр ўзбек тили (XIV-XVI асрлар, А.Навоий асарлари тили шу даврга тўғри келади); 3) янги давр ўзбек тили (XIX асрдан – XX аср бошлари); 4) ҳозирча ўзбек адабий тили³⁴.

Ўзбек тили ўз тарихий тараққиёти жараёнида Эрон тиллари гуруҳига мансуб тожик тили ва унинг лаҳжа ҳамда шевалари билан яқин алоқада бўлган. Шу боис ҳозирги ўзбек тилининг луғавий ва морфем тизимида тожик тилидан ўзлашган кўплаб лексик ва морфем унсурларни учратиш мумкин. Бундан ташқари, ўзбек тили араб, рус тиллари билан сезиларли контактада бўлган. Буларнинг барчаси ўзбек тилининг ривожланишида ташқи омил вазифасини ўтаган.

Ўзбек тили билан тожик тилининг алоқаси ўзбек тилининг тожик бўлмаган бошқа тиллар билан алоқасига нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, ўзбек халқи билан тожик халқи Ўрта Осиёнинг энг қадимги маҳаллий халқлари саналади. Бу икки халқнинг турмуш шароити бир хил ва улар умумий ҳудудга эга бўлганлиги сабабли, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиб келганлар. Бу ҳамкорлик ўзбек ва тожик халқларининг тилларида, унинг фонетика, грамматика ва луғат таркиби қурилишида ўз аксини топган³⁵.

³⁴ Ҳожиёв А.П. Узбекский язык // Языки Мира. Тюркские языки. Бишкек, 1997. –с. 426

³⁵ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 78-82-б.

Ўзбек тили қадимий туркий қабила ва уруғ тили даврида олтой-мўғул тиллари билан ҳам алоқада бўлди. Ҳозирги ўзбек тили лексикасида учровчи бир қатор мўғулча сўзлар ёки турк ва монгол тиллари учун умумий бўлган луғавий қатлам шу алоқалар натижасидир³⁶.

Ўзбек тилининг хорижий тиллар билан бўлган алоқаси турли даража ва сифатий кўринишларга эга. Профессор А.К.Боровковнинг таъкидлашича форс-тожик тилидан қабул қилинган сўзлар ўзбек тилининг луғат таркибидан мустаҳкам ўрин олган, чунки улар муайян нарса ва предмет номи сифатида фаол ишлатилади³⁷.

Тожик-форс ва араб тилларидан ўзлашган сўзлар ўзбек тили тараққиётининг ички омили жараёнида ҳам муҳим лисоний аҳамият касб этади. Улар ўзбек тилининг ўз мулки даражасида сингишиб, унинг луғавий ва морфем тизимини кенгайтирган, айримларининг хорижий тилга мансублиги мутлақо унутилган. Биргина бажармоқ сўзининг ўзбек тилидаги амали бунга ишонарлидалил бўла олади. Бу сўз аслида тожик тилига, аниқроғи унинг синтактик қурилишига дахлдор *ба жо овардан* иборасининг қисқарган шаклидир. Ҳозирги даврда ўзбекча бажармоқ феълининг тожик тилига хос лисоний хусусиятлари барҳам топган.

Тожик-форс ўзлашмаларининг ўзига хос лисоний аҳамияти шундаки, улар ўзбек тилининг сўз ясалиши тизимида фаол қатнашади. Дилфуза Ҳасанова томонидан тайёрланган тадқиқот шунда тожикча, форсча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили сўз ясалишидаги ана шу хусусиятлари монографик (йирик) режада ўрганилган. Тожик-форс сўзларининг кўпи ўзбек тилида аффикс морфемалар мақомига кириб, ўзбек тилининг сўз ясовчи воситалари тизимини бойитган. Шуниндек, бундай фикрни ўзбек тили фразеологияси тизимида нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ўзбек тили фразеологик ибораларининг салмоқли бир қисми тожик-форс луғавий ўзлашмаларининг иштирокида вужудга келган.

³⁶ Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. – Тошкент: Фан, 1987.

³⁷ Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопросы взаимовлияния узбекского и таджикского языков // Ученые записки Института востоковедения. Том IV.–М., 1952., 188-б.

Булар ҳақида дарсликнинг кейинги қисмларида алоҳида сўз юритилади.

1.9. Тожик тили ва унинг шаклланиши ҳақида.

Тожик тили ҳам Марказий Осиёдаги маҳаллий аҳолилардан бирининг алоқа-аралашув воситаси ҳисобланади. Унинг генетик асоси ўзбек тилиники каби олтой тиллар оиласига бориб тақалмайди. Тожик тили Ҳинд-Европа тиллари оиласига мансубдир. У шу тил оиласининг эроний тиллар тармоғига киради. Эроний тиллар тармоғи эски эроний ва янги эроний каби икки гуруҳдан иборат. Янги эроний гуруҳини форс, дари, пушту, белудж, курд, тот, талиш, гилян, мазандарон, осетин, яғноб ва помир тиллари ташкил этади. Ана шу янги эроний тиллар гуруҳида тожик тили ҳам мавжуд. Тожик тилининг фонетик-фонологик, лексик ва грамматик тизимлари янги эроний тиллар гуруҳига қарашли юқоридаги барча тилларнинг фонетик-фонологик, лексик ва грамматик тизимлари билан яқинликка эга.

Тожик тили ўзининг парадигматик ва синтагматик хусусиятларига кўра жаҳон тилларининг аналитик-флектив курилишли гуруҳига мансубдир. Шу боис ҳам тожик тилида сўз туркумларининг гуруҳланиши энг аввало унинг луғавий-грамматик хусусиятларига, шунингдек, сўз ва фразалар ҳосил бўлишидаги жиҳатларга асосланади (Рубинчик Ю.А. – с. 10).

Тожик тилининг амалий фаолияти асосан Тожикистон, яъне республикамиз билан боғланади. Бундан ташқари, тожик тили Ўзбекистон, Қирғизистон, Қазоқистон, Эрон, Афғонистон, ҳатто Шимолий Африкада ҳам мавжуд. Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганида жаҳон аҳолисининг саккиз миллиондан ортиқроғи тожик тилида сўзлашади. Шундан уч миллионга яқини (аниқроғи, 2 млн 800 минги) Тожикистон аҳолиси ҳисобланди.

Ҳозирги тожик адабий тили тўрт лаҳжа (диалект) асосида таркиб топган: 1) Шимолий лаҳжа (Самарқанд ва Бухоро; Фарғона водийси; Истаравшан ва Панжакент); 2) Марказий лаҳжа (Юқори Зарафшон); 3) Жанубий лаҳжа (Қоратегин, Кўлоб, Роғун ва Бадахшон); 4) Жанубий-Шарқий (Дарвоз) лаҳжа³⁸.

Тарихий асарларда берилган маълумотларга кўра, ҳозирги тожик халқининг энг қадимги аждоди суғдлар бўлган. Суғдлар

³⁸ Керимова А.А. Таджикский язык //Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990, 502-б

Шарқий Туркистонда, Помир ва Тянь-Шан тоғлари этакларида яшаганлар ва шу ерлардан Фарғона водийси, қадимги Чоч (ҳозирги Тошкен вилояти) ҳудуди, Чу дарёси ва Балхаш кўли бўйларига тарқалганлар. Даврлар ўтиши билан, суғдларнинг бир қисми бактрийлар билан қўшилиб, ҳозирги тожик халқини шакллантирган. Суғдларнинг бошқа қисмлари туркий халқлар билан қўшилиб, ўзбек халқини шакллантирган.

Демак, тожик халқининг тарихий шаклланишида ўзбек халқининг аجدодлари муҳим роль ўйнаганидек, ўзбек халқининг шаклланишида ҳам тожик халқининг аجدодлари муҳим роль ўйнаган. Диққатингизни шу масалага оид бир далилга қаратамиз. Масалан, Фарғона водийсининг энг қадимий шахрларидан бири Марғилондир. Унда ҳозирги ўзбек миллатига мансуб аҳоли яшайди. Шу аҳолининг XV асргача бўлган аجدодлари асли тожик (сарт)лар бўлган. Тожикистоннинг Жанубий ҳудудларида яшовчи ҳозирги тожикларнинг тарихий-этник таркибида, суғдлардан ташқари, бактри тохар ва туркий халқлар ҳам бўлган³⁹.

Ҳар бир миллат, халқ шу миллат, шу халққа нисбатланувчи номга (этнонимга) эга бўлади. Муайян миллат ёки халққа нисбатланувчи бундай ном (атама)лар муайян бир этник қатлам (гуруҳ) шакллангач, пайдо бўлади. Ўзбек этнонимининг қайси маънодаги сўздан пайдо бўлиши юқорида айтилган эди.

Тожик сўзининг этноним сифатида вужудга келишида ҳам ҳар хил фикрлар мавжуд. И.И.Зарубин бу атама (ном)ни ўтrockлашиб ислом динига кирган номусулмон халқларга нисбатан ишлатади. Академик В.В.Бартолд эса тожик этнонимини бадавий қабилаларга мансуб ва III асрда яшаган тай қабиласининг номи сифатида қарайди. Тай қабиласи ҳам мансуб бу гуруҳ Эрон давлатига қарашли бўлган. Тожик сўзи дастлаб тазик шаклида ҳам ишлатилган. Тожик сўзининг тай қабиласи билан боғланиши ҳақидаги фикр ҳақиқатга анча яқин. Чунки тазикнинг тожик шаклида ўзгариши тил қонун-қоидаларига зид эмас.

Айтиш жоизки, тожик этноним маъносида сарт сўзи ҳам ишлатилган. *Сарт* сўзини қайси халқ номи сифатида қўлланиши масаласида ҳам ҳар хил фикрлар мавжуд. В.В.Радлов, В.В.Бартолд каби академик шарқшунослар бу сўзни ҳинд тилида

³⁹ Ўзбек халқлари тарихи, 1- том, Тошкент, 1947, 10-б.

савдогар маъносида қўлланувчи сарт лексемаси билан боғлайди. Сарт номи билан аталувчи жой номи ҳам бўлган. Сарт Чингизхон забт этган жойлардан бири сифатида Пано Карпинини томонидан эътироф этилган экан. Профессор Н.Г.Маллитскийнинг фикрига қараганда, сарт сўзи қадимги эрон тилида ҳокимият, шоҳлик маъноларини англатган хсатра хсарта>сарта>сарт сўзи билан боғланади, яъни унинг фонетик жиҳатидан ўзгариб, ихчамлашган шаклидир (Решетов В.В.-с.48). Кейинчалик сарт сўзи ўзбек халқи ва унинг тилига нисбатан ҳам ишлатила бошланган.

Лингвистика ва экстралингвистика оид тарихий манба ва материалларнинг гувоҳлик беришига қараганда, ўзбек ва тожик тилларининг шаклланиши ва ривожланишида ҳар икки тилнинг ўзаро бир-бирига таъсири муҳим роль ўйнаган. Хусусан, ўзбек тилининг шаклланишида «эронлашиш» назарияси қандай муҳим аҳамият касб этган бўлса, тожик тилининг шаклланишида «туркийлашиш» назарияси ана шундай муҳим аҳамият касб этган. Бу икки назариянинг муҳимлиги, аҳамияти тожик ва ўзбек тилларинингривожланишида ҳам асосий омиллардан бири сифатида кўзга ташланади. Ўзбек ва тожик тилларининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос нолисоний асосларга эга, албатта. Бу нарса, энг аввало, ўзбек ва тожик тилларининг эгаси бўлмиш, ўзбек ва тожик халқларининг тарихи ниҳоятда узоқ бўлган дўстлиги, қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги каби бир қатор ижтимоий омиллар билан боғланади. Бир умумий ҳудудда истиқомат қилувчи ўзбек ва тожик халқларининг ўзаро яқин алоқаси, ҳамкорлик эрамизнинг VI асрдан бошланган. Бу ҳамжиҳатлик асрлар оша сайқал топди, мустаҳкамланди. Ўзбек ва тожик тиллариаро муносабатдошлик ҳам, шўбҳасиз ана шу даврдан бошланган.

Ўзбек ва тожик халқлари, айниқса, уларнинг тиллари ўртасидаги ўзаро муносабатдошлик жуда кўплаб олимларнинг эътиборини ўзига жалб этган. Е.Д.Поливанов, М.Ставролли, В.Наливкин ва М.Наливкина, А.К.Боровков, И.И.Зарубин, В.В.Бартолд, В.В.Решетов, Б.Ниёзмухаммадов, В.С.Расторгуева, С.Усмонов, К.Юсупов, Т.Мақсудов, М.С.Андреев ва бошқа олимларнинг илмий фаолиятида ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқаси марказий ўрнида туради.

Иккинчи қисм.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ЛИСОНИЙ

АЛОҚАЛАРИНИНГ ТИЛ САТҲЛАРИГА КЎРА АМАЛИ

2.1. Ўзбек ва тожик тилларининг фонетик-фонологик сатҳга хос алоқаси.

Ўзбек тили ҳам, тожик тили ҳам товуш тилига мансуб лисоний «олам»дир. Товуш тили тушунчаси одатда табиий тилга, яъни инсон тилига нисбатан ишлатилади. Ҳар қандай тилнинг (табиий, инсон тилининг) таркиби товушлардан иборат бўлади. Шу боис нутқ товушлари мажмуаси муайян тилнинг ифода жабҳасини ташкил қилади, унинг реал қурилиш материали вазифасини бажаради. Тилдаги энг кичик маъноли қисм – морфемадан тортиб, унинг матнгача бўлган бирликлари товушлардан, уларнинг лисоний бирикувларидан ташкил топади. Тилнинг ифода қурилишини ташкил этувчи бундай товушлар инсон организми аъзоларидан бирининг амалий фаолияти туфайли вужудга келади. Бу орган тил деб юритилади. У нутқ аппаратининг энг фаол аъзоси (органи) ҳисобланади. Нутқ аппаратида тилнинг фаолиятига кўмаклашувчи бошқа аъзолар ҳам бор, албатта. Товуш ва уларнинг тизими нутқ органларининг физиологик амали натижасида ҳосил бўлади. Товуш ҳосил бўлиш жараёни табиий ҳодисаларга дахлдор бўлганлиги учун ҳам, инсон тилига нисбатан табиий лисон, табиий тил атамаси ишлатилади.

Тилнинг ифода жабҳасини ташкил этувчи, уни шакллантирувчи товушлар физиологик жиҳатдан ташқари, физик ва руҳий-психик жиҳатларга ҳам эга. Шу боис товушлар физика ва руҳшунослик фанлари томонидан ҳам ўрганилади. Тилшунослик фани товушларнинг ўзидан йирик бошқа лисоний бирликларини ҳосил қилиш томонлари билан шуғулланади.

Товушларнинг ўзига хос муҳим томонларидан бири уларнинг инсон хотирасида сақланиши хусусиятдир. Уларнинг руҳий-психик ҳодиса сифатида қаралишида ана шу хусусият назарда тутилади. Товушларнинг хотирада сақланувчи излари, символлари фонема (фонемалар) деб аталади. Фонемалар тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини белгиловчи лисоний бирликлар ҳисобланади, шу боис улар зиммасига ижтимоийлик вазифаси юкланади. Фонемалар орқали сўз ва морфемаларнинг маъноси фарқланади.

Нутқ товушлари, фонемалар ёзувда ҳам ўз аксини топади. Уларнинг ёзувдаги шакли ҳарф дейилади, ҳарфларни муайян тизимга хос мажмуасига нисбатан алифбо атамаси ишлатилади. Алифбода аниқ (реал) кўринишлари билан иштирок этувчи ҳарфий шаклларнинг умумлашган типлари, белгилари (символлари) берилади. Ҳарфларнинг алифбода акс этган типик шакллари графема атамаси билан номланади. Ҳарф ва графемалар тизими тилшуносликнинг графика деб аталувчи бўлимида ўрганилади. Графика тилшуносликнинг фонетика (фонология) бўлими билан алоқадордир. Фонетика (фонология) ҳам товуш ва улар тизимини ўрганади, графика эса товушларнинг ёзувдаги шакллари ўрганади. Хуллас, фонетиканинг ҳам, графиканинг ҳам ўрганиш объектида товуш ва уларнинг тизими муҳим роль ўйнайди.

Ҳарфий бирликлар товушларга нисбатан иккиламчи ва шартли ҳодисалардир. Ҳарфий бирликларнинг иккиламчилик хусусияти шундаки, улар товушлардан кейин сунъий йўсинда пайдо бўлган. Уларнинг шартли ҳодисалар эканлиги шундаки, муайян бир товуш ҳар хил шаклларда ҳарфий тусга кириши мумкин. Масалан, [с] товуши (фонемаси) бир тилнинг график тизимида [с] шаклида, бошқа тилларнинг график тизимида [s] шаклларида қўлланади. [С] фонемасининг товуш сифатидаги қиймати эса, айрим индивидуал-просодик хусусиятларини ҳисобга олмаганда, барча тилларда бир хил намоён бўлади.

Юқорида товуш, фонема атамалари билан номланувчи тушунчалар ҳақида ҳам қисқача фикр юритилади. Бу атамалар илмий-лисоний тушунчалар билдиради. Шунинг учун улар (товуш, фонема) ўзаро фарқ қилади. Товушлар аниқ (реал) тарзда айтилади, эшитилади. Улар тизими фонетикада ўрганилади. Фонемалар аниқ (реал) тарзда айтилмайди. Фонемалар билан боғлиқ барча лисоний хусусиятлар ҳамда уларнинг яхлит тизими фонологияда ўрганилади. Фонетика ўрганадиган лисоний бирликлар (товушлар) нутққа тегишли бўлади. Фонология ўрганадиган лисоний бирликлар – фонемалар тилга қарашли бўлади: тил ва нутқ фарқланади. Бундай фарқли хусусиятлар, шубҳасиз, ҳарф ва графема тушунчалари муносабатида ҳам кўзга ташланади.

Бу айтилганларнинг барчаси фонетика ва фонология ҳақида қисқача маълумот бўлиб, ўзбек ва тожик тилларига баравар ва бир хил тааллуқли хусусиятлардир.

Энди ўзбек ва тожик тиллари фонетикаси ва графикаси билан алоқадор аниқ (реал) масалалар хусусида фикр юритамиз. Шуниси муҳимки, яқин вақтларга қадар ўзбек ёзуви ҳам, тожик ёзуви ҳам рус алифбоси (алфавити) асосида шаклланган эди. Эндиликда ўзбек ёзуви латин графикаси асосидаги алфавитга мослаштирилди. Лекин латин графикаси асосида шакллантирилган ўзбек ёзуви фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Унга кўшни республикаларда, жумладан, Тожикистонда, ҳозир ҳам рус графикаси асосида вужудга келган ўзбек ёзувидан фойдаланилади. Рус графикаси асосида шаклланган ўзбек ва тожик алифбоси (алфавити)да «бир товушга бир ҳарф» ёки, аксинча, «бир ҳарфга бир товуш» мутаносиблиги йўқ. Ҳар икки тилнинг ҳам алфавитида е, ё, ю, я графемалари (ҳарфлари) мавжуд. Бу графема (ҳарфлар) кўп вазифали. Уларнинг асосий вазифаси [-й-] ундошига тиркалган [э],[о],[у],[а] фонема (товуш)ларидан иборат бирикмани ифодалайди: бир ҳарфий белги воситасида ундош ва унлидан иборат икки товуш ифодаланади. Е, ё, ю, я ҳарфларининг яна бошқа вазифаси – сўз таркибида ўзидан олдин келган ундошларнинг юмшоқлигини билдиришдир.

Алифбо масаласида ўзбек ва тожик ёзувидаги фарқ шундаки, ўзбек тилидаги икки ундош фонема *жийда*, *жуда* сўзларидаги ж; *журнал*, *жирафа*, *аждар* сўзлари таркибидаги ж бир ҳарф – графема ж орқали берилади. Тожик тилида ҳам бу икки фонема бир ҳарфий шакл орқали ифодаланади. *Жаҳон/чаҳон*, *жавоб/чавоб* каби ўринларда эса, бу фонема шакл жиҳатидан ўзбек тилидаги муқобилидан фарқ қилади: ч графемаси билан ёзилади.

Ўзбек ва тожик тилларининг фонологик (фонемалар) тизимида ҳам айрим фарқлар кўзга ташланади. Сезиларли фарқ бу икки тилнинг унли фонемалари тизимида мавжуд. Ўзбек тилининг унли фонемалар тизими олти фонологик бирликдан ташкил топган: [и], [у], [ў], [а], [о], [э]. Тожик тилнинг унли фонемалар тизимида ҳам олти фонологик бирликдан иборат: [а], [э], [и//й], [о], [у], [ў]. Тожик тилида и фонемаси икки кўриниш (вариант) да қўлланиши билан фарқ қилади - и // й, яъни

одатдаги и ва чўзиқ й. Ҳар икки тилда ҳам унли фонемалар лабларнинг иштироки, оғизнинг очилиш даражаси ва тилнинг олд ва орқа қисми каби уч хусусият асосида тасниф қилинади.

Ундош фонемалар тизими масаласида ўзбек ва тожик тилларида сезиларли фарқ йўқ. Ҳар икки тилда ундошларнинг артикуляцион базаси бир хил, яъни фарқсиз.

Энди ўзбек ва тожик тиллари фонетик-фонологик тизимига хос ўзаро таъсир масаласидаги айрим ҳолатлар ҳақида сўз юритамиз. Ашёвий далиллар характеридан маълум бўладики, тожик тилида ўзбек фонетик-фонологик тизимига хос баъзи хусусиятлар кўзга ташланади. Ўз навбатида тожик тилининг шу тизимга алоқадор айрим хусусиятлари ўзбек тили фонетик-фонологик тизимидан муносиб ўрин олган. Тожик тилининг ундош фонемалар тизимида [қ] фонемаси бўлмаган. Бу фонема қабурға, қабчук, ковоқ, қайроқ, қаймоқ, қайчи ва ҳ.к. сўзларнинг тожик тилига ўзлашиши ва унинг луғат таркибига сингишиши натижасида тожик тилнинг ундошлар тизимида [қ] ундоши пайдо бўлди. Бундай таъсир ва унинг натижаси урғу масаласида ҳам кўзга ташланади. Олдин ҳам айтилганидек, тожик тили Ҳинд-Европа тиллари оиласига мансубдир. Шу жиҳатдан у рус тили билан генетик яқинликка эга. Ҳинд-Европа оиласига мансуб тилларда сўз урғуси эркин бўлади; сўзнинг олдими, ўртасими, охирими – исталган позициядаги бўғинига тушаверади. Ана шу тиллар оиласига мансуб бўлганлиги учун, тожик тилида ҳам урғу сўзнинг исталган бўғинига тушиши, яъни эркин бўлиши лозим эди. Лекин тожик тилида урғу, ўзбек тилида бўлганидек, сўзнинг охирги бўғинига тушади. Бу ҳам, шубҳасиз, ўзбек тилининг тожик тилига бўлган таъсиридир. Ана шу таъсир натижасида ўзбек ва тожик тилларнинг фонетик-просодик тизимида кўзга ташланувчи фарқ барҳам топди.

Бундан ташқари, фонетик сатҳнинг дискрет бирликлари амалида ҳам ўзбек тилининг тожик тилига ўтказган ижобий таъсирини кўриш мумкин. Тожик адабий тилининг ундошлар тизимидан сирғалувчи [ж] товуши кейинчалик ўзбек тилидаги портловчи [ж] товушига хос просодик хусусиятларни касб этган, портловчи [ж] товушига мойиллашган. Сирғалувчи [ж]нинг портловчи [ж]га мойиллашуви айниқса Шимолий Тожикистон тожиклари нутқида аниқ сезилади.

Энди икки оғиз сўз тожик тилининг ўзбек тили фонетик-просодик тизимига таъсири ҳақида. Ўзбек тилининг фонетик ва просодик тизимларида тожик адабий тилининг ана шундай тизимларига хос хусусиятлар вужудга келганки, бу аввало ўзбек адабий тилининг луғавий тизими ва грамматик қурилишида содир бўлган ўзгаришлар билан боғланади. Ўзбек тили фонетик-фонологик тизимига хос сезиларли ва ижобий ўзгариш мантиқан ўзбек тилининг вокализм тизимидаги эволюцион жараёнлар натижасидир. Ўзбек адабий тили унлилар тизимида аввал (қадимда) унлилар миқдори саккиз-тўққизтадан кам бўлмаган, улар сингармонизмга моил бўлган. Тожик тилининг таъсирида ўзбек адабий тилининг унли фонемалари қисқариб, олтитада тўхтаган. Сингармонизм тугал барҳам топган. Ўзбек тили унли фонемалари миқдорининг қисқариши тил олди ва тил орқа унлиларининг аста-секинлик билан бир-бирига яқинлашуви ва айна бир ўрин (позиция)ни эгаллаши билан белгиланади. Ўзбек тили фонетик-просодик тизимидаги бундай ижобий ўзгаришлар тожик тилининг, аниқроғи, тожик ва ўзбек тиллари контактига дахлдор конвергенция жараёнининг амалий таъсири натижасида юз берган.

2.2. Ўзбек ва тожик тилларининг луғавий сатҳга хос алоқаси

Олдин ҳам айтилганидек, ўзбек ва тожик халқлари ва уларнинг аجدодлари бир умумий ҳудудда қадим-қадимдан бирга яшаган. Уларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий оламларида ҳамма вақт муштараклик бўлган. Ҳар икки халқнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бу хусусиятлар, уларнинг тилларида ҳам ўз аксини топган. Зеро тил, айниқса, унинг луғат таркиби “ҳаёт ойнаси” деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик халқларининг узоқ ўтмишидан давом этаётган ибратли ҳамкорлиги ўзбек ва тожик тилларининг луғат таркибида ўчмас из бўлиб сақланиб қолаётир.

Маълумки, лексика ва луғат таркиби дублет характеридаги атамалардир. Улар бир умумий тушунчалик – тилдаги барча сўзлар мажмуасини англатади. Ҳар бир тилнинг бойлиги ана шу мажмуани ташкил этган миқдори билан ўлчанади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида, кейинги яқин йилларда беш жилдда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» саксон минг атрофидаги

луғавий бирликлар қайд этилган. Ҳозирги тожик адабий тили луғат таркибининг бирликлари ҳам, шубҳасиз, бундан кам эмас. Ўзбек ва тожик тилларининг луғат таркибида уларнинг (шу халқларнинг) ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маиший ва маънавий олами инъикосини топган.

Илмий манбаларда ҳар бир тилнинг лексикаси (луғат таркиби) икки катта гуруҳга ажратилади. Бу гуруҳлар қатлам деб ҳам аталади. Луғат таркиби (лексика)нинг бундай гуруҳларидан бири ўз қатлам, бошқаси ўзлашган қатлам атамалари билан номланади. Бундай бўлиниш ўзбек ва тожик тилларининг ҳам луғат таркибига хосдир.

Айрим олинган муайян тилнинг ривожланиши ўзга қатламга хос луғавий бирликлар ва уларнинг ўзига хос томонлари билан боғланади. Чунки ўзга қатлам тараққиётининг ташқи омили сифатида юқори баҳоланади ва муносиб кадрланади. Тил лексикасининг ўзга қатлами орқали шу тилнинг бошқа тиллар билан алоқаси тасаввур этилади. Тиллар ўзаро алоқада бўлмаса, аралашмаса, унинг луғат таркибида бундай қатлам шаклланмайди. Бошқа кўшни ёхуд кўшни бўлмаган тиллар билан алоқада бўлмаган тил ҳеч кими бўлмаган, бирорта билан дўстлашмаган шахсга ўхшаб қолади. Тил қанча кўп бошқа тиллар билан алоқада бўлса, унинг ривожланиш кўлами ҳам кенг бўлади.

Ўзбек тили араб, рус, юнон, хинд, хитой ва бошқа бир қатор тиллар билан, айниқса, тожик тили билан яқиндан алоқада бўлган. Бу алоқанинг тарихи ниҳоятда узоқ. Юқорида айтилганидек, бу алоқа замирида икки буюк халқнинг алоқаси туради. Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик тиллари лексикасидаги аралашув ўзбек ва тожик халқларининг ибратли алоқасининг лисоний жабҳага хос аксидир, инъикосидир. Ўзбек ва тожик тиллари лексикасидаги аралашувнинг ижобий томонлари тожик тилшунослигининг йирик намояндаларидан бири, академик Б.Ниёзмуҳаммадов томонидан ҳам эътироф этилган. У шундай ёзади: «Ўзбек тилининг луғат таркибида кўплаб микдорда форс-тожик сўзлари бўлганидек, тожик тили лексикасида ҳам келиб чиқиши туркий ва ўзбекча сўзларни кўплаб учратиш мумкин» (Ниязмухамедов Б.Н. с.325).

Тарихий-илмий манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, тожик тили лексикасида туркий (ўзбекча) сўзлар XI асргача пайдо бўла бошлаган. XI-XII асрлардаёқ тожик тилида хон,

хоқон, тамға, илик, алхон сингари туркий (ўзбекча) сўзлар ишлатилган. Рашиддин Фазлуллонинг «Қомеъ-ут-таворих» асарида оқо, яроқ, қадоқ, кудо, анда, ярғу, қоровул, ега, есомиши сингари туркий сўзлар учрайди. Туркий (ўзбекча) сўзларнинг тожик бадий адабиётида ишлатилиши кейинги асрларда яна фаоллашган. Р.Каримхўжаевнинг гувоҳлик беришига қараганда, Муҳаммад Ғиёсиддин Ромпурийнинг «Ғиёс-ул-луғот» (XIX аср) асарида келиб чиқиши туркий (ўзбекча) бўлган 195 сўз қўлланган.

А.Донишнинг «Наводир-ул-вақоеъ» асарида ҳам анчагина сўзлар ишлатилган. Уларни тематик (мавзуий) жиҳатидан қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) маъмурий тушунчаларни билдирувчи сўз ва атамалар (тилчи, қоровул, ясовул, бек, мингбоши, тўксабо); 2) ҳарбий соҳага оид сўз ва атамалар (сочма, юриш, ўрду, кўндоқ ва б.); 3) солиқ (молия) соҳасига оид сўзлар (олуғ, соқ); 4) жой маъноларини билдирувчи сўзлар (қишлоқ, кўрғон ва б.); 5) уй, хўжалик, нарса-буюм соҳасига оид сўзлар (ўтун, қошук, чорук ва б.); 6) таом номларини билдирувчи сўзлар (қаймоқ, қази, қимиз ва б.).

Ўзбекча сўзлар С.Айний, А.Лоҳутий, М.Турсунзода, М.Миршакар, А.Дехотий, Р.Жалил, Ж.Икромий, М.Раҳимий, С.Улуғзода, Ф.Ниёзий ва бошқа бир қатор тожик адибларининг асарларида ҳам учрайди.

Профессор Н.А.Шаропов тадқиқотларида ҳам тожик тили лексикасининг бойишида ўзбек тилининг самарали таъсири эътироф этилади. Унинг «Ҳозирги тожик адабий тили лексикасининг тараққиёт йўллари» (Пути развития лексики современного таджикского литературного языка. Душанбе: Дониш, 1988) монографисияда тожик тили луғат таркибига ўрнашиб сингишган ўзбекча сўзлар ҳақида қимматли фикрлар айтилади. Олим тожик тили лексикасидаги ўзбекча сўзларни дастлаб «тожик тилида маънодош (синонимик) муқобилига эга бўлган ўзбекча сўзлар» ва «тожик тилида маънодош (синонимик) муқобилига эга бўлмаган ўзбекча сўзлар» каби икки гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга *қишлоқ (деҳа), чўл (биёбон), ўймоқ (ангуштпона), қўшун (лашкар), ўрдак (мурозобӣ)* каби луғавий бирликларни киритади. *Йўрма, милтиқ, авул, қимиз* ва ш.к. сўзлар эса иккинчи гуруҳда ўрганилади. Сўнгра тожик тили лексикасидаги ўзбекча сўзларнинг лисоний – лексик гуруҳлари

берилади. Бундай гуруҳлар сифатида тарихий сўзлар (*қушбеги, корвонбоши, тўқсабо, оқсақол; тўпчибоши, қилич, қалқон, юзбоши; чақирим; ботман, қадоқ; кўмоч, ёрма; ёргич, ёргучоқ, ёглоғу; бўз; телпак, чакмон ва б.*), антропонимлар (*Тошбой, Тўхта, Қулбек, Бўри, Улугбек, Ўғулой, Юлдош, Темур, Эргаши, Бердибой ва б.*), топонимлар (*Қайроққум, Қаратог, Қўргонтеппа; Консой, Қипчоқ, Лақайбеги, Узун ва б.*), гидронимлар (*Оқсунон, Яшилкўл, Қизил Сув ва б.*) ажратилади.

Ўзбек луғавий ўзлашмалари тожик тилининг шеваларида ҳам кўп учрайди ва улар шу шеваларнинг луғат таркибидан муносиб ўрин ишғол этади. Фикримизни тожик тилининг исфара шевасида учровчи ўзбекча луғавий бирликлар ҳам тасдиқлайди. Исфара шевасида учровчи ўзбек луғавий бирликлари филология фанлари номзоди Т.Мақсудов томонидан қуйидагича гуруҳларга ажратилади: 1) тожик адабий тилига ҳам ўзлашган ўзбек луғавий бирликлари (*йош, қаймоқ, биқин, қатиқ қайчи, чет, қавурға*); 2) Суғд вилояти тожик шеваларида учровчи ўзбек луғавий ўзлашмалари (*ақсақол, эс, йувош, оғайни, қайно, ўткур, бузуқ ва б.*); 3) фақат Исфара, шевасида учровчи ўзбек луғавий ўзлашмалари (*ишей «зиёли», тилгак, жун, хакеиз, бешак, қаросовуқ, жумза ва б.*).

Ўзбек тилининг ривожланишида, унинг луғат таркибининг бойишида тожик (тожик-форс) тилидан ўзлашган луғавий бирликларнинг аҳамияти чексиз каттадир. Улар ўзбек тили лексикасининг ўзлашган қатлаמידан муносиб ўрин олган. Ўзбек тили луғат таркибининг ўзлашган қатламини уларсиз тасаввур этиш қийин. Бу ҳол ўзбек лексикасини унга қардош бўлган бошқа туркий тиллар лексикасидан фарқлаш учун хизмат қилади. Негаки тожик-форс луғавий ўзлашмалари бошқа туркий тиллар лексикасида, ўзбек тилиникида бўлгани каби, катта салмоққа эга эмас. Масалан, ўзбек тилида *чорва* ва ундан ясалган *чорвачи* сўзларнинг маъноси қазоқ тилида *мол* ва *молчи*; *пахта, пахтазор* сўзларининг маъноси озарбойжон тилида *памуқ, памуқчи*; татар тилида *мамик, мамикчи* сўзларни орқали ифодаланади. Ўзбек тилидаги тожикча-форсча *бахор, барг, қаҳрамон* сўзлари ўрнида татар тилида *яз/ёз, япрак, герой* сингари луғавий бирликлар ишлатлади. Бу каби ашъвий далиллар тожик тилининг ўзбек тили ва унинг луғат таркибига самарали таъсирини сезиш қийин эмас.

Тожик-форс тилига мансуб луғавий бирликларнинг ўзбек тилига ўзлашиши ҳам ёзма бадиий адабиёт, ҳам оғзаки нутқ воситасида амалга ошган. Тожик-форс сўзларининг ўзбек тилига нутқнинг оғзаки шакли орқали ўзлашишида, тожик тили амалда бўлган ҳудудга яқин шевалари муҳим роль ўйнаган. Айни шу фикр таниқли шевашунос олим, академик Ш.Шоабдурахмонов томонидан ҳам эътироф этилган.

Ўзбек тили луғат таркибидан мустаҳкам ўрин олган тожикча-форсча сўзларнинг луғавий-мазмуний кўлами ниҳоятда кенг. Бу ҳолат уларнинг ўзбек тилидаги тематик гуруҳланишида ҳам яққол сезилади. Ўзбек тили лексикасидаги тожикча-форсча сўзларни тематик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Бинокорлик ва маиший турмушга оид сўз ва атамалар: *пойдевор, девор, пахса, дарвоза; ганж, шип, оҳак, мих, нарвон, зина, палос, панжара; дастурхон, парда, хокандоз, боркаш, обдаста, хум, чироқ, гугурт, поёндоз, тахта, шиша, галвир, капкир* ва б.;

2. Диний-мифологик тушунчаларни атовчи сўз ва атамалар: *фирдавс, бихишт, пайгамбар, худо; парвардигор, рўза, салла, пар, пари, намоз* ва б.;

3. Ҳайвонот ва паррандалар оламига оид сўзлар: *шер, жонивор, фил, нор, булбул, каптар, зогча, бедона, паиша, парвона* ва б.;

4. Ўсимлик ва унинг қисмларини билдируви сўзлар: *дарахт, чинор, гилос, анжир, пахта, мош, нўхат, ток, полиз, пиёз, сабзи, шалғам, шоли, шона, дон, шох, бодом, мева, шафтолу, гул, барг, тарвуз, турп, мурч, каноп, зигир* ва б.;

5. Йил, фасл, ой, ҳафта ва уларнинг қисмларини билдирувчи сўзлар: *Наврўз, чилла, саратон, баҳор, ҳафта, якшанба, душанба, сешанба, чоршанба, панжшанба, жума, шанба, пешин, аср, бомдод, хуфтан, чошгоҳ* ва б.;

6. Мусиқа санъати соҳасига оид сўзлар: *соз, гижжак, карнай, най, рубоб, тор, дутор, созанда, тарона, оҳанг, нағма, бастакор, шаишақом, дугоҳ, сегоҳ* ва б.;

7. Гавда ва унинг аъзоларини атовчи сўзлар: *тана, гардан, жигар, дил, лаб, пешона* ва б.;

8. Газлама ва кийим номлари: *адрас, лас, мовут, шойи, беқасам, дока, сарпо, яктак, пайтова, дакана* ва б.;

9. Қариндошлик маъносини билдирувчи номлар: *падар, набира, фарзанд* ва б.;

10. Мавҳум ҳодиса ва тушунчаларни билдирувчи сўзлар: *обрў, баҳо, виждон, гуноҳ, гумон, ҳунар, пушаймон, меҳр, кирдикор, андиша, армон, орзу* ва б.;

11. Савдо-сотик соҳасига оид сўз ва атамалар: *савдо, раста, сармоя, пул, моя, даромад, харид, харидор* ва б.;

12. Ширинлик ва таом номлари: *шира, наввот, қанд, ўрик, нон, ширгурунч* ва б.;

13. Шахс маъноларини англатувчи сўзлар: *дўст, душман, биродар, оина, ёр* ва б.;

14. Қимматбаҳо тош ва безак номларини билдирувчи сўзлар: *гавҳар, феруза, ёқут, тилла, зар* ва б.

Тожик-форс тилидан ўзлашган сўзларнинг аксарияти от туркумига мансуб луғавий birlikлардир. Миқдори нисбатан кам бўлса-да, улар орасида сифат: *пок, покиза, хунук, вазмин, шод, хуррам, хурсанд, якка, майда, суст, сохта, арзон, соф, мард, номард, нодон, пухта, пуч, химча, хомуш, хира, дагал* ва б.; олмош: *ҳар, ҳамма, ҳеч, равиш кам, ҳамон, аста, ҳануз* туркумларига мансуб сўзлар ҳам бор. *Балки, зеро, чунончи, агар, гарчи, магар, ёхуд, на, токи* сингари ёрдамчи сўзлар ҳам ўзбек тилига тожик-форс тилидан ўзлашган.

Тожик тилидан ўзлашган айрим луғавий birlikлар ўзбек тилида ниҳоятда фаоллашган. Бу ҳол ўзбек тилидаги баъзи сўзлар истеъмолининг чекланишига сабаб бўлган. Масалан, тожик тилидан ўзлашган *гишт, беҳи, дазмол* сўзлари истеъмолининг фаоллашуви туфайли, уларнинг ўзбек тилидаги *кирпич, айва, утюг* сингари умумитуркий муқобилларининг истеъмоли барҳам топган. *Барг, дарахт, гул, мева, дарвоза, заҳар, пул, гўшт, пешона, меҳмон, душман* каби тожик-форс ўзлашмаларнинг ўзбек тилидаги амали туфайли яна бошқа лисоний ҳолат вужудга келган. Ана шу луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тилидаги *япроқ, оғоч, чечак, емиш, қопқа, оғу, ақча, эт, манглай, қўноқ, ёв* сингари муқобиллари бошқа услубий қиймат касб этган. Уларнинг қўлланиши бадий услубга мойиллашиб, истеъмол доираси чекланган. Мисолларга эътибор беринг. *Оғочларда садаф япроқлар кўнгилларга ништа тақади (Уйғун).*

Баҳор кулиб, чечаклар сочмиш,

Қиз қалби гул экан, япроқлар сочмиш (Уйғун).

Тожик-форс луғавий ўзлашмаларнинг айримлари ўзбек тили ихтиёрига ўтгач, тожик тилида бўлмаган бошқа маънолар касб этган, айримларнинг эса маъно кўламида қисқариш содир бўлган. Масалан, *хунук* сўзи тожик тилида *совуқ, салқин, ёқимсиз* маъноларида ишлатилган. У ўзбек тилида *чиройи йўқ, кўримсиз, нохуш* маъноларда қўлланади. *Думбул* сўзининг маъно кўламида ҳам бу хусусиятни кўриш мумкин. У сўз тожик тилида *пишган, тайёр, тоза, пиширилган тухум, меванинг яхши пишгани* маъноларини англатган. *Думбул* сўзи ўзбек тилида *яхши пишмаган дон, етилиб пишмаган мева, ақли кам одам* маъноларида қўлланади. Мисоллар: *Ҳали думбул шафтолиларнинг шохлари ерда. (Ойбек.) Юсуфбек ҳожи чала думбул табиатли хотиннинг феълени яхши билгани учун, келин ва қудаларнинг келишларидан хабар беришини лозим топди. (А.Қодирий.)*

Тожик тилида бир неча маъноларда ишлатилувчи айрим сўзлар ўзбек тилига ўша маънолардан бирини сақлаган ҳолда ўзлашган. *Партов, мағиз, дармон, пасткаш* сингари тожик луғавий ўзлашмалар ана шундай характерга эга.

Ўзбек ва тожик тилларининг икки томонлама ўзаро алоқаси шу тилларнинг луғавий сатҳи билан чекланиб қолмайди. Бу таъсирдошлик ўзбек ва тожик тилларининг фразеологик тизимида ҳам кўзга ташланади. Ўзбек фразеологик тизимида тожик тилидан ўзлашган сўзлар иштирок этмаган иборалар жуда кам. Биргина *жон* сўзи иштирок этган ўзбекча фразеологик иборалар миқдори етмишга яқин: *жон аччигида, жон бермаслик, жон демоқ, жони ачиди, жонидан тўймоқ, жон фидо қилмоқ, жон талашмоқ, жонини жабборга бермоқ* ва ш.к. Ўзбек луғавий бирликлари иштирокида ҳосил бўлган фразеологик иборалар тожик тилида ҳам мавжуд.

Шуниси муҳимки, ўзбек ва тожик тиллари фразеологик тизимидан кўплаб ибора (фразема)лар бири бошқасининг таржимасига ёхуд калкасига ўхшайди: *кўзингга қараб юр – ба чашими худ нигоҳ карда роҳгард; бирор кишидан кўнгли қолмоқ – аз касе ранҷидан; димоғи куймоқ – димоғаш сўхтан; гам емоқ – гам хўрдан; афсус емоқ – афсус хўрдан; жон бериб жон олмоқ – қон дода қон гирифтан; бурни осмонда – фўкаш дар осмон; ёқасидан ушламоқ – аз гиребонаш доштан, шарти кетиб, парти қолмоқ – шарташ рафта, парташ мондағи; оёғи осмонда – пой*

дар ҳаво/ осмон; тўрт киши кўргудек – чор кас мегидагӣ; ёмон кўз – чаими бад; оёгини қўлга олиб чопмоқ – пояширо ба даст гирифта давидан; томогини ёгламоқ – гулўяширо равған кардан; тақдирга тан бермоқ – ба тақдир тан додан; оғзи катта – даҳон калон; икки қўли бурунда – ду даст дар бинӣ; бир ёстиққа бош қўймоқ – ба як болишт сар мондан; қайси шамол учирди – кадом шамол парронд ва б. Бундай хусусият ўзбек ва тожик мақоллари ва афоризмлари тизимида ҳам учрайди. Масалан: паишадан фил ясамоқ – аз паиша фил сохтан; одамгарчиликдан чиқмоқ – аз одамгарӣ баромадан; ўз дўстим деб сир айтма, дўстингинг ҳам дўсти бор – сирратро ба ошноят нагў, ошноят ошно дорад; аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши – аз дўсти нодон душмани доно беҳ; бош қашишига ҳам вақт йўқ – ба сар хоридан вақт надорад; ҳеч нарасдан ҳар нарса – аз ҳеч чиз ҳар чиз; тўйдан кейин назора – баъд аз тўй назора; болага иш буюру орқасидан чоп – бачаро кор фармову аз пасаш/ақибаш дав/рав; фарзанд азиз, одоби ундан ҳам азиз – фарзанд азиз, одобаш аз вай азизтар; илоннинг боласи илондир – бачаи мор мор аст; ҳалво дейиши билан оғиз ширин бўлмас – аз ҳалво гуфтан даҳон ширин намешавад ва ҳ.

Таржима ёхуд калкага ўхшаш фразеологик ибора, мақол ва афоризмлар ўзбек ва тожик тилларида жуда кўп ва уларга хоҳлаганча мисоллар келтириш мумкин.

Хуллас, ўзбек ва тожик тилларининг луғавий ва фразеологик сатҳларга хос алоқаси туфайли ҳар икки тил мутаносиб йўсинда ривожланган, уларнинг луғат таркиби ва фраземалар тизими кенгайган.

2.3. Ўзбек ва тожик тилларининг морфем сатҳга хос алоқалари

Морфемика – тилшуносликнинг фонетика ва фонология, лексикология ва фразеология, морфология ва синтаксис каби мустақил соҳаларидан бири. Бу соҳа тилнинг морфемика сатҳини, унинг бирликларини ўрганади. Морфемиканинг асосий бирлиги морфемадир. Морфема тилнинг энг кичик маъноли бирлиги сифатида сўз таркибида мавжуд бўлади. Ҳар қандай луғавий бирлик (сўз) товушлардан таркиб топганидек, улар морфемалардан ҳам таркиб топади. Сўз таркибининг товуш қобиғи – товушлардан иборат бўлиши фонетика (фонология)да

ўрганилса, уларнинг морфемалардан ташкил топиши морфемикада ўрганилади. Сўз таркибидаги фонетик бирлик (товуш)лар ва морфем бирлик (морфема)лар лисоний жиҳатдан фарқ қилади: сўз таркибининг фонетик бирликлари маъносиз, маънога эга бўлмайди; уларнинг морфем таркибига хос бирликлари маънога эга бўлади. Демак, сўз таркибининг морфем бирликлари (морфемалари)га ифода ва мазмун планлари хосдир. Морфемаларнинг ифода планларини ҳам товуш ва уларнинг бирикмаси ташкил қилади. Товуш ва уларнинг бирикуви ҳам морфемаларни, ҳам яхлит сўзларни шакллантиради, уларнинг ҳар иккиси учун ифода плани вазифасини бажаради. Масалан, *мактабдош* сўзи *м, а, к, т, а, б, д, о, ш* товушларининг бирикувидан таркиб топган. Фонема нуқтаи назаридан ёндошилганда, *мактабдош* сўзининг таркибида [м], [а], [к], [т], [б], [д], [о], [ш] фонемалари мавжуд. *Мактабдош* сўзининг морфем таркибида икки вазифадош (функционал) қисм мавжуд: *мактаб* ва *-дош*. Айни шу товуш ва фонемалар *мактаб* ва *-дош* морфемаларини ҳам шакллантирган.

Сўзнинг фонетик таркибига хос товуш (ва фонема)лар бири бошқасидан фарқ қилганидек, унинг морфем таркибига хос бирликлар ҳам ўзаро фарққилади. Юқорида келтирилган *мактабдош* сўзининг *мактаб* ва *-дош* морфемалари муносабатида ҳам бу нарсани сезиш қийин эмас. *Мактаб - мактабдош* сўзининг луғавий маънога эга бўлган қисмидир, у ўзак морфема ҳам дейилади; *-дош* қисми эса сўзнинг луғавий маънога эга бўлмаган морфемасидир, у аффикс морфема дейилади. Сўзнинг яхлит луғавий маъноси ўзак морфеманинг маъносига асосланади (*мактабдош – айна бир мактабда таълим олган шахслар*).

Ўзак морфеманинг луғавий маънога эга бўлиши аффикс морфемаларга хос маъноларни инкор этмайди, албатта. Аффикс морфемалар ҳам маънога эга бўлади. Лекин уларга хос маънолар луғавий қиймат касб этмайди.

Аффикс морфема, вазифасига кўра икки хилдир: сўз ясовчи аффикс, шакл ясовчи аффикс. Сўз ясовчи морфемалар янги сўз – янги луғавий бирлик ҳосил қилади. Уларнинг тизими тилшуносликнинг сўз ясаши бўлимида ўрганилади. Шакл ясовчи аффикс морфемалар янги луғавий бирлик ҳосил қилмайди, улар сўзнинг грамматик (аниқроғи, морфологик)

шаклларини ҳосил қилади. Уларнинг тизими морфологияда ўрганилади. Масалан, *борлиқ* сўзини олайлик. Бу сўз таркибида икки морфема мавжуд: *бор* ва *-лиқ*. *-лиқ*– аффикс морфемадир, сўз яшаш вазифасида. Модал сўз (*бор*)дан от ясалган. *Борлиқ* сўзини, *-ни* аффиксини қўшиб, кенгайтирсак, *борлиқни* шакли ҳосил бўлади. Энди бу сўз таркибида уч морфема бор. Уларнинг кейинги иккитаси (*-лиқ*, *-ни*) аффикс морфемадир. *-ни* аффикси (морфема) янги луғавий бирлик ясамаган, балки *борлиқ* сўзининг тушум келишиги шаклини ҳосил қилган.

Юқорида ҳам айтилганидек, морфемалар тизимида ўзак морфема аслий саналади, аффикс морфемалар ўзак морфемага қўшилувчи ёрдамчи шаклий кўрсаткичлардир. Тилда кўмакчи феъллар, ёрдамчи сўзларнинг айрим турлари ҳам аффикс морфемаларга вазифадош бўлиб, улар тизимини кенгайтиради.

Ўзбек ва тожик тилшунослигида морфема ва унинг талқинида айтарли фарқ йўқ. Фарқли хусусиятлар ўзбек тили морфемалари билан тожик тили морфемаларнинг айрим кўринишларида кўзга ташланади, холос. Ўзбек тили морфем тизимида морфемаларнинг префикс ва, айниқса, инфикс характеридаги турлари бўлмаган. Шунга қарамай, префикс характеридаги аффикс морфемаларнинг ўзбек тилидаги амали анчагина фаол. Улар ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган.

Префикс характеридаги аффикс морфемаларнинг ўзбек тилига ўзлашиши икки йўсинида амалга ошган:

а) ясама сўз таркибида дериват орқали ўзлашган;

б) аналогия қонунияти таъсирида якка ҳолда ўзлашиб, ўзбекча луғавий бирликларга қўшилган: *нотинч*, *ноўрин*, *беши каби*.

Ўзбек тилининг морфем тизимида инфикс (қўшма сўзлар ҳосил бўлишида икки ўзак морфемани, улар ўртасида келиб, қўшувчи аффикс морфема тури: *сар-о-сар*, *дар ба дар* каби) характеридаги аффикс морфемалар умуман йўқ.

Ўзбек ва тожик тилларининг морфем сатҳга кўра алоқаси масаласида шуни айтиш жоизки, ўзбек тили морфемалар тизимининг шаклланишида тожик тили беназир ва самарали таъсир кўрсатган. Ўзбек тили учун азалдан хос бўлмаган префикс тавсифидаги морфемалар тожик тилидан ўзлашган. Ҳозирги ўзбек тилида префикс характеридаги аффикс морфемалар амали ўзбек тили морфем тизимидаги одатдаги ҳодисага айланган. Шу

боис ўзбек тилида сўзларнинг таркиби «ўзак морфема + аффикс морфема» тартибидаги андозага эга бўлган бўлса, эндиликда улар «префикс + ўзак морфема»//«аффикс + ўзак морфема» кўринишидаги андозани ҳам қўлга киритди. Ўзбек тили морфемаларининг «аффикс//префикс морфема + ўзак морфема» андозасидаги таркиби тожик тилининг ўзбек тили морфем қурилишига бўлган ижобий таъсири натижасида вужудга келди. Булардан ташқари, тожик тилидан ўзлашган сон-саноксиз ҳолат ҳам тожик тилининг ўзбек тили морфемалар тизимининг бойиши, кенгайишидаги ижобий таъсирдир.

Тожик луғавий бирликлари ўзбек тилининг морфем қурилишида ўзак морфемалар вазифасида фаол иштирок этади. Тожик тилининг самарали таъсири, айниқса, ўзбек тили аффикс морфемалари тизимида яққолроқ кўзга ташланади. Тожик тилидан ўзлашган суффикс характеридаги аффикс морфемаларнинг ўзбек тилидаги фаол амали бунинг ёрқин далилидир *-бон, -кор, -боз, -паз, -хўр, -дўз, -соз, -хон, шунос, -дор, -фуруш* ва б. Яна муҳими шундаки, тожик тилида мустақил луғавий бирлик сифатида ишлатилувчи айрим сўзлар ўзбек тилига ўзлашиб, аффикс морфема сифатида ҳам вазифа бажаради. Масалан, *-хон* ёрдамида ясалган *газетхон, китобхон; -вачча* ёрдамида *амакивачча, холавачча; -хона* ёрдамида *ишхона, емхона, омборхона; -фуруш* ёрдамида *чопонфуруш, ўтинфуруш* ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, тожик тилидан ўзлашган аффикс морфемалар ўзбек тилининг айрим аффикслари билан қўшилиб, мураккаб таркибли янги аффиксал морфемаларнинг вужудга келишида фаол иштирок этиб, ўзбек тилининг аффиксал морфемалар тизимини бойитишда муҳим роль ўйнади. Масалан, тожикча-форсча *-гар* аффикси ёрдамида *-гарлик* (*тайёргарлик, сипоҳигарлик*); *-гарчилик* ёрдамида (*одамгарчилик, аҳмоқгарчилик, тайёргарчилик*); *-дор* аффикси иштирокида *-дорлик, -дорчилик* --- (*димогдорлик, меҳмондорчилик, дўкандорчилик*); *-воз* аффикси иштирокида *-возлик* (*диққатвозлик, майнавозлик, масхаравозлик*); *-соз* аффикси иштирокида *-созлик* (*машинасозлик, вагонсозлик*); *-хон* аффикси иштирокида *-хонлик* (*бедилхонлик, шеърхонлик, газетхонлик*); *-гўй* аффикси иштирокида *-гўйлик* (*латифагўйлик*) сингари ва ҳ. қўшма аффикслар вужудга келган.

2.4. Ўзбек ва тожик тилларининг сўз ясалиши сатҳига хос алоқаси

Сўз ясалиши ҳам тилшуносликнинг морфемика ва лексикология оралиғидаги мустақил соҳалардан биридир. Сўз ясалиши тил тараққиётининг ички омилларидан бири сифатида қаралади. Бу соҳа янги сўз ҳосил қилиш жараёнини ўрганади. Сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида кейин ажратилган. Бу соҳа билан алоқадор масалалар асосан морфологияда қаралган. От, сифат, феъл, равиш сингари лексик-грамматик категорияларни ўрганишга бағишланган бобда сўз ясалиши - отларнинг ясалиши, сифатларнинг ясалиши, феъл ясалиши, равишларнинг ясалиши каби мавзуси ҳам бўлган. Шунингдек, морфемика ҳам морфологиянинг «Сўз таркиби» деб аталувчи бўлимида ўрганилган.

Сўз ясалишининг морфемика ва лексикология оралиғидаги мустақил соҳа эканлиги қисқача шарҳ талаб қилади. Бунда сўз ясалишининг морфемикага ҳам, лексикологияга ҳам дахлдор томонлари назарда тутилади.

Сўз ясалишининг морфемикага дахлдор томони шундаки, морфемикада унинг асосий бирлиги сифатида ўрганиладиган ҳодисаларни, яъне морфема ва унинг турлари сўз ясалиши жараёнида ҳам иштирок этади. Шу боис сўз ясалишида морфемалар (ўзак морфема ҳам, аффикс морфема ҳам) ўзгача лисоний қиймат билан ўрганилади. Сўз ясалишида сўз таркибидаги вазифадор қисмлар (морфемалар) янги сўз ҳосил қилувчи воситалар сифатида қаралади. Мазкур қўлланманинг (қўлингиздаги китобнинг) олдинги бобида сўз таркибидаги морфемаларнинг тавсифлаш мақсадида *мактабдош* сўзи ва унинг таркибига мурожаат қилинган эди. Унда сўзнинг *мактаб* қисми ўзак морфема, *-дош* қисми эса аффикс морфема тарзида баҳоланганди. *Мактабдош* типидagi сўзларнинг андоза (модел)лари сўз ясалиши жараёни учун ҳам тааллуқли. Сўз ясалиши нуқтаи назаридан, бу сўзнинг *мактаб* қисми ясовчи асос, *-дош* қисми эса ясовчи восита деб юритилади. Сўз ясалишининг морфемикага алоқадор томонлари ана шундай характерда бўлади.

Сўз ясалишининг лексикология билан боғлиқ томонлари ҳам ўзига хос хусусиятига эга. Маълумки, лексикология тил

лексикасини, луғат таркибини ўрганади. Лексика ёхуд луғат таркиби дейилганда, муайян тилдаги барча сўзлар мажмуаси тушунилади. Ҳар қандай янги сўз энг аввало луғат таркибига – лексикага янги луғавий бирлик сифатида қўшилади, уни кенгайтиради. Сўз ясалиши ва унинг жараёнлари туфайли тилда янги сўзлар пайдо бўлади. Сўз ясалиши билан боғлиқ янги сўзларнинг пайдо бўлиши тилнинг ички қонун-қоидаларига асосланади.

Тилдаги ҳар бир сатҳ ўз бирлигига эга бўлади. Бундай бирликка эга бўлишлик сўз ясалиши учун ҳам тегишли. Сўз ясалишининг асосий бирлиги янги сўз (дериват)ни ҳосил қилувчи унсурлардир. Бу унсурлар ясовчи асос ва ясовчи восита каби икки турга ажралади: ясовчи асос ва ясовчи воситанинг мантиқий-лисоний муносабатидан янги сўз, янги луғавий бирлик вужудга келади. Ясовчи асос тушунчасига нисбатан мотивловчи асос, ясовчи воситага тушунчасига нисбатан мотивловчи восита атамалари ҳам қўлланади. Сўз яшаш жараёнининг ҳосиласи – янги сўзга нисбатан ясалма, мотивланган бирлик, дериват атамалари ишлатилади. Сўз ясалиши айрим илмий манбаларда дериватология деб ҳам аталади.

Сўз ясалиши сатҳида ясовчи асос (мотивловчи асос), ясовчи восита (мотивловчи восита) тушунчаларидан ташқари, сўз яшаш усуллари ҳам ўрганилади. Бу тушунчаларнинг мажмуасидан тилнинг сўз ясалиши тизими ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам сўз яшашнинг икки асосий усули ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилинади. Улар аффиксал (морфологик) ва ноаффиксал (синтактик, композицион) усуллар деб юритилади. Бу икки усул сўз яшаш тизимида энг фаол ҳисобланади ва сўз яшашнинг синхрон жабҳасига тегишли бўлади.

Тилнинг бошқа сатҳларида кузатилганидек, ўзбек ва тожик тилларининг сўз яшаш тизимида ўхшаш жиҳатлар билан бир қаторда, қиёсан ўрганилаётган ҳар бир тилнинг хос томонларини бўрттирувчи фарқли жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, тожик тилида, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, аффиксал (морфологик) усулда сўз яшашнинг префиксли ва инфиксли турлари мавжуд. Ўзбек тилида аффиксал сўз яшашнинг фақат суффиксли кўриниши амал қилади, холос. Тожик тилига хос префиксли

усулда сўз ясалганда, ясама сўз (дериват) ясовчи восита + ясовчи асос андозасида ҳосил бўлади.

Ясовчи восита мавқеида префикс қўлланади: *ҳамроҳ, ҳамсоя, ҳамқинс, ҳамхона; ҳамнишин, ҳамнишаст; бамаъни, бофаҳм, босавод; беоб, безабон; ношод, ношинос, даргузар; баровардан, баркашидан; даромадан, даррасидан; боздоштан, бозхостан; вохўрдан, нонамудан, фуromaдан* ва бошқалар. Келтирилган мисоллар характеридан префикслар ёрдамида от (*ҳам-*) сифат (*бо-, бе-, но-, дар-*) ва феъл (*бар-, дар-, боз-, но-, фур-*) ясаши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Тожиқ тилининг от туркумига хос *сарулибос* (сар-у-либос), *сарутан* (сар-у-тан), *обуранг* (об-у-ранг); сифат туркумига хос *чоноқон* (чон-о-қон), *дуродур* (дур-о-дур), *пурпечутоб* (пурпеч-у-тоб); равиш туркумига хос *саросар* (сар-о-сар), *саропой* (сар-о-пой), *сар ба сар* (сар-ба-сар) сингари сўзларнинг ясаши *-у-, -о-, -у-, -ба-* сингари инфикслар ёрдамида амалга ошган.

Ўзбек ва тожиқ тилларининг сўз ясаши сатҳига хос алоқалари ҳам ўзига хос хусусиятларига эга. Бу соҳадаги алоқадорлик ҳам ўзбек ва тожиқ тилларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек ва тожиқ тилларининг сўз ясаши сатҳига хос алоқа бу тилларнинг ривожланиш манбаи сифатида уларнинг луғавий сатҳга хос алоқаларидан кейинги иккинчи ўрнида туради. Ўзбек тилининг таъсирида тожиқ тили сўз ясаши тизимида, тожиқ тилининг таъсирида ўзбек тили сўз ясаши тизимида ижобий ўзгаришлар юз берган. Сўз ясаши сатҳига хос алоқа туфайли тожиқ тилига ўзбек тилидан айрим сўз ясовчи қўшимчалар (суффикслар) ўзлашган. Ўзбек тилидан ўзлашган аффикслар туфайли тожиқ тилида сўз яшанинг ўзбекча қолип (андоза)лари вужудга келган. Масалан, ўзбек тилидан сўз ясовчи *-чи, -лоқ, -чак* аффиксларининг ўзлашиши натижасида тожиқ тилида ясовчи асос + *чи*, ясовчи асос + *лоқ*, ясовчи асос + *чак*, андоза (қолип, модел)сидаги сўз яшаш типини вужудга келган: *амадчи//солчи, анбарчи//омборчи, андовачи//андавачи, чойхоначи, дуторчи, дуруғчи; санглоқ//тошлоқ, пўстлоқ; келинчак, бузичак* ва б.

Ўзбек тилида шакл ясовчи вазифасида отларнинг кичрайтиш, эркалаш маъноларини ҳосил қилувчи *-ча* аффикси (суффикси) тожиқ тилида сўз ясовчи аффикс характерини касб этган. Профессор Ш.Рустамов ҳам бу аффикс (*-ча*)нинг шакл

ясовчи морфемадан сўз ясовчи морфемага айланганлигини алоҳида қайд этади. Шунингдек, *-ча* аффикси ёрдамида тожик тилида *олуча, мўрча, ҳиссача, тоқча, остинча, думча, бугча; алоча, сурхча* сингари бир қатор сўзлар ясалганлиги эътироф этилади.

Ўзбек тили сўз ясаши соҳасида ҳам тожик тилининг ижобий таъсиридан катта ва чексиз баҳраманд бўлган. Тожик тилининг таъсирида ўзбек тили сўз ясаши тизимида кутилмаган ўзгариш юз бердики, бу ҳол ўзбек тилининг ташқи омиллар таъсирида ривожланишида катта воқеа ҳисобланади. Бу таъсир натижасида ўзбек тилида ҳам аффиксал сўз яшанинг префиксли усули вужудга келди. Тожик-форс тилига мансуб префикслар ўзбек тилига луғавий ўзлашмалар таркибида (алоҳида мустақил йўсинда ўзлашмаган) ўтган бўлса-да, кейинчалик улар аналогия қонунияти асосида ўзбек тилига хос сўз ҳосил қилиш имкониятига ҳам эга бўлди (*бе-иш, но-тинч* кабилар).

Тожик тилидан ўзлашган аффикслар ва уларнинг амали ҳақида профессор Ж.Мухторов шундай фикр билдиради: «Сўз ясовчи аффиксларнинг асосий қисмини ўзбек тилининг ўз аффикслари ташкил қилади. Шу билан бирга, ўзбек тилида бошқа тиллардан ўзлашган аффикслар ҳам қўлланади. Масалан, *-дон, -дор, ба-, но-, -кор, -зор* каби аффикслар тожик тилидан ўзлаштирилган. Бу ясовчи аффикслар дастлабки вақтларда тожик тилидан қабул қилинган сўзлар таркибида бўлиб, кейинчалик сўз яшаш воситаси сифатида, ўзбек тилидаги сўзларга ҳам қўшилиб, янги сўз яшаш вазифасини ўтай бошлади. Масалан, *туздон, кулдон, салмоқдор, пахтакор, серсув, ноўрин* ва б.

Тожик тилининг суффикс характеридаги сўз ясовчи аффиксларининг ўзбек тили сўз ясаши тизимидаги амали алоҳида ва муҳим аҳамиятга эга. Суффикс характеридаги тожикча сўз ясовчи аффиксларнинг ўзбек тили сўз ясаши жабҳасидаги фаоллиги ўзбек тилининг ўзига тегишли бўлган суффикс характеридаги сўз ясовчи аффиксларидан қолишмайди.

Тожик тилидан ўзлашиб, ўзбек тили сўз ясаши жараёнларида фаол иштирок этувчи сўз ясовчи аффикслар икки гуруҳга ажралади: 1) префикс характеридаги сўз ясовчилар; 2) суффикс характеридаги сўз ясовчилар.

Префикс ва префиксоид характеридаги сўз ясовчи аффиксларга қуйидагилар киради: *бе-* (*бебош, беиз, бетўхтов, беўхшов* ва б.); *но-* (*нокерак, нотекис, нотаниш, нотинч, ноўрин* ва б.). Профессор Э.Бегматовнинг ҳисобига қараганда, ўзбек тили таркибида *но-* префикси иштирок этган тўрт юздан ортиқ сўз бор); *сер-* (*серсув, сербутоқ, сербола, серёғ, серқуёш* ва б.); *ним-* (*нимранг, нимқора, нимкўк* ва б.); *кам-* префиксоиди (*камёгин, камгап, камунум* ва б.); *ҳам-* префиксоиди (*ҳамтавоқ, ҳамюрт, ҳамгап, ҳамқишлоқ, ҳамкурс* ва б.); *хуш-* префиксоиди (*хушовоз, хушфеъл, хушбичим, хушёқмас, хушхулқ* ва б.). Профессор Э.Бегматовнинг ёзишига қараганда, ўзбек тилида *хуш-* префиксоидли сўзлар миқдори юз элликдан ортади).

Суффикс ва суффиксоид характеридаги сўз ясовчи аффикслар қуйидагилардан иборат: *-зор* (*ўтзор, тутзор, кўкаламзор, тўқайзор* ва б.); *-дон* (*билимдон, қаламдон, сувдон, кулдон, туздон* ва б.); *-дор* (*унумдор, чиқимдор, ярадор, бўйдор, этдор* ва б.); *-вор* (*улуғвор, унивор* ва б.); *-соз* (*уйсоз, йўлсоз, кемасоз, аравасоз, кўприксоз* ва б.); *-кор* (*ўймакор, тариқкор, бугдойкор* ва б.); *-дўз* (*этикдўз, йўрмадўз, дўппидўз* ва б.); *-каш* (*туякаш, белкаш, чизмакаш* ва б.); *-бон* (*кийимбон, кўйлакбон, ишбон* ва б.); *-хўр* (*емхўр, салқитхўр, текинхўр* ва б.); *-паз* (*балиқпаз, димламапаз* ва б.); *-симон* (*юлдузсимон, ойсимон, қалқонсимон, ўтсимон* ва б.); *-шунос//шинос* (*тилушунос, ўлкашунос, еришунос* ва б.); *-она* (*ботирона, туркона, шарқона* ва б.); *-бон//вон* (*туябон, қўйбон, етимбон* ва б.); *-парвар* (*болапарвар, тинчликпарвар, юртпарвар* ва б.); *-фуруш* (*олмафуруш, ўрикфуруш, товуқфуруш, ўрдакфуруш, кўкатфуруш, қаймоқфуруш* ва б.); *-нома* (*сўроқнома, буйруқнома, тилакнома, ишончнома* ва б.); *-хона* (*ўтинхона, сувхона, қуёнхона, қўйхона, қўриқхона* ва б.); *-вачча//бачча* (*бойвачча, ўғривачча, итвачча, қулбачча* ва б.).

Профессор Ё.Тожиев «Ўзбек тилида аффиксал синонимия» деб номланувчи докторлик рисоласида (Тошкент, 1991) ҳамда шу мавзуда ёзилган алоҳида ишларида тожик тилидан ўзлашган сўз ясовчи аффикс ва аффиксоидларнинг ўзаро ва ўзбекча аффикслар билан маънодошлиги (синонимлиги) ҳақида қимматли маълумотлар беради. Масалан, тожик тилидан ўзлашган *-кор, -каш, -шунос, -фуруш, -соз, -паз, -дўз* аффикслари ўзбек тилидаги *-чи* аффикси билан маънодошликка эга: *пахтакор-пахтаци,*

хизматкор-хизматчи; газетафуруш-газетачи; тилшунос-тилчи; соатсоз-соатчи ва б.

Тожик тилида кичрайтиш, эркалаш маъносидаги сўз шакллари ҳосил қилувчи *-ак* аффикси ўзбек тилига сўз ясовчи аффикс сифатида ўзлашиб, ясама (дериват)нинг таркибига сингишиб кетган: *ичак (ич-ак//оқ), ипак (ип-ак//оқ), йўлак (йўл-ак)*. Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан (яъни синхроник жиҳатидан), *ипак, ичак, йўлак* типидagi сўзларнинг таркиби морфем жиҳатидан ҳам, сўз ясалиши жиҳатидан ҳам таҳлил қилинмайди. Бу сўзлар таркиби билан боғлиқ морфем ва сўз ясовчи қисмлар тилнинг соддалашиш деб аталувчи қонунияти таъсирида туб сўзлар характери касб этган.

Тожик тилидан ўзлашган аффиксларнинг нисбатан кўпини от ясовчилар ташкил этади. Шунингдек, уларнинг айримлари сифат (*сер-, бе-, ба-, но-* кабилар) ва равиш (*-она* аффикси) ясашда ҳам иштирок этади.

Ўзбек тилининг сўз ясалиши жараёнида тожик-форс луғавий ўзлашмалари ҳам фаол қатнашади. Тожик луғавий ўзлашмалари янги сўз - ясалманинг ясовчи асос (мотиловчи асос) мавқеидаги қисми сифатида иштирок этади. Бу жараёнда феъл туркумига оид сўзлар ҳосил бўлади. Ясалма янги сўз таркибининг ясовчи восита характеридаги қисмида ўзбек тилига хос аффикс ёки кўмакчи феъллар қатнашади: *донламоқ (дон-ла), лабланган (лаб-лан) унли, қадрдонлашмоқ (қадрдон-лаш); бас бўлмоқ, пайдо қилмоқ, тор-мор этмоқ, вайрон бўлмоқ, нобудқилмоқ, пушаймон бўлмоқ, фармон бермоқ* ва ҳ.к.

Сўз яшанинг ноаффиксал усули амалида ҳам тожик-форс луғавий ўзлашмаларнинг муносиб ўрни бор. Ноаффиксал усул воситасида кўшма ва жуфт сўзлар ясалади. Бундай жараёнда кўшма ёки жуфт сўз тавсифидаги ясалманинг (мотивловчи) воситаларидан бири сифатида тожик тилидан ўзлашган луғавий birlikлар иштирок этади: *ер-замин, туз-намак, ҳийла-найранг, тилка-пора, эс-ҳуш, чўп-хас, ёр-биродар, ёр-дўст, лаби-лунжи* ва б.

Тожик-форс луғавий ўзлашмалари иштирокида ҳосил бўлган кўшма сўзлар масаласига келсак, ўзбек тилида бундай сўзларнинг сон-саногии йўқ.

2.5. Ўзбек ва тожик тилларининг грамматик сатҳга хос алоқаси

Тилнинг амалида грамматик қурилиши ва унинг луғавий қурилиши каби ҳодисалар муҳим роль ўйнайди. Чунки лексиканинг ҳаракати грамматик қурилиши орқали амалга ошади. Луғавий бирликлар грамматика ва унинг қонун-қоидалари таъсирида алоқа-аралашув (коммуникатив) жараёнда иштирок этади, гаптаги фикрни реаллаштиради. Копенгаген глоссематика тилшунослиги мактабининг асосчиларидан бири Луи Блумфильд таъбири билан айтганда, лексика (луғат тақиб) тилнинг танаси бўлса, грамматик қурилиш (морфология ва синтаксис) унинг жонидир. Жонсиз тана ва унинг аъзолари ҳаракатдан тўхтаганидек, грамматик қурилишсиз лексиканинг ҳаракати ҳам барҳам топади. Чунки лексика ва унинг луғавий бирликлари нутқ ихтиёрига (коммуникатция жараёнига) фақат грамматик қурилиш воситасида ўтади.

Тилнинг грамматик қурилиши атамаси остида морфология ва синтаксисни ўз ичига олган мураккаб лисоний тизим (система) тушунилади. Грамматик қурилиш ёхуд грамматика тилшуносликнинг энг йирик бўлимларидан бири ҳисобланади.

Тиллар грамматик қурилишининг характериға кўра фарқ қилади. Ана шундай фарқ, қисман бўлса-да, ўзбек ва тожик тиллари муносабатида ҳам кўзга ташланади. Ўзбек тили агглютинатив тиллар гуруҳиға мансуб бўлса, тожик тили флектив тиллар гуруҳиға киради. Лекин ўзбек тили агглютинатив тилнинг суффиксли ва синтетик гуруҳиға қарашли бўлса, тожик тили флектив тилларнинг префиксли, инфиксли ва аналитик гуруҳиға киради. Ўзбек ва тожик тилларини фарқлашда агглютинатив тиллар қурилишиға хос бундай тилларнинг таъсири кучсиз, албатта. Негаки суффикслашган тилға хос хусусиятлар тожик тилининг грамматик қурилишида ҳам (гарчанд у етакчи моя саналмаса ҳам) мавжуд. Шунингдек, агглютинатив қурилишнинг префиксли типига хос хусусиятлар, кейинчалик тожик тилининг таъсири туфайли, ўзбек тилида ҳам пайдо бўла бошлади (булар ҳақида морфемика ва сўз ясалиши бобида қисқача маълумот берилган).

Ўзбек ва тожик тилларининг кескин фарқи уларнинг генеалогик хусусиятиға кўрадир: ўзбек тили олтой тиллари

оиласига мансуб бўлса, тожик тили Ҳинд-Европа тиллари оиласига қарашлидир. Бундай генеалогик фарқдан қатъий назар, ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири ва унинг натижаси бу тилларнинг грамматик қурилишида ҳам аниқ кўзга ташланади.

Шуниси ҳам борки, ўзбек ва тожик тилларининг грамматик қурилишидаги таъсирини уларнинг лексика соҳасида кўзга ташланадиган таъсири даражасида фаол деб бўлмайди. Чунки тил грамматик қурилишига хос ўзгаришлар анчайин узоқ даврлар маҳсулидир. Зеро, грамматик қурилиш тил яхлит тизимининг ёпиқ турига, луғат таркиби (лексика) эса унинг очиқ турига тегишли бўлади. Тил тизимининг очиқ характердаги тури эластик тавсифда бўлиб, ундаги ҳар қандай ўзгариш тез ва изчил амалга ошади, тил тизимининг ёпиқ характердаги типига хос ўзгариш эса, аксинча, жуда суст ва секинлик билан содир бўлади.

2.5.1. Ўзбек ва тожик тилларининг морфологик сатҳга хос алоқаси

Ўзбек ва тожик тиллари, юқорида айтилганидек, типологик жиҳатдан фарқ қилади. Ўзбек тилининг грамматик қурилишига кўпроқ агглютинатив тилларга хос синтетиклик хусусияти хос бўлса, тожик тилининг грамматик қурилишига аналитик-флективлик хусусияти хосдир. Бундан ташқари, ўзбек тили суффиксли тил саналса, тожик тили префиксли тиллар гуруҳига киради. Ёрдамчи сўз характеридаги формал-грамматик категорияларнинг амалига кўра ҳам ўзбек ва тожик тиллари ўзаро фарқ қилади. Чунончи, ўзбек тилида сўзлараро грамматик муносабатлар кўмакчилар орқали ҳам ифодаланади, яъни ўзбек тили кўмакчили тилдир. Тожик тилида бундай эмас: сўзлараро грамматик муносабатлар олд кўмакчилар (предлоглар) ёрдамида ифодаланади, яъни у олд кўмакчили (предлоги) тиллар гуруҳига мансубдир.

Айрим грамматик категорияларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги жиҳатидан ҳам бу икки тил ўзаро фарқ қилади. Ўзбек тилида келишик мустақил грамматик категория характерида бўлса, бу категория ўзига хос грамматик кўрсаткичлар тизимига эга. Тожик тилида эса келишик категорияси мавжуд эмас, шунингдек, бу категориянинг шаклий грамматик кўрсаткичлар тизими ҳам шаклламанган. Бу тилда келишиклар воситасида ифодаланадиган грамматик муносабатлар предлоглар зиммасига

юклатилган: *ба пеш – олдинга, дар хона – уйда, ба мактаб – мактабга, аз китоб – китобдан* ва бошқалар. Сезиладики, ўзбек тилида жўналиш келишиги орқали ифодаланадиган грамматик муносабат тожик тилида *ба*, ўзбек тилида ўрин-пайт келишиги ёрдамида ифодаланадиган грамматик муносабат тожик тилида *дар*, ўзбек тилида чиқиш келишиги воситасида ифодаланадиган грамматик муносабат тожик тилида *аз* олд кўмакчилари (предлоглари) ёрдамида ифодаланган. Ўзбек тилида қаратқич келишиги орқали ифодаланадиган грамматик муносабат тожик тилида изофали шаклда (*менинг китобим – китоб-и ман, дугонамнинг мактуби – мактуб-и дугонаи ман*) юзага чиқади. Ўзбек тилида тушум келишиги воситасида рўёбга чиқадиган грамматик муносабат тожик тилида *ро* кўмакчиси орқали ифодаланади.

Тожик тилида грамматик муносабатларни рўёбга чиқарувчи келишик категориясининг йўқлиги А.Семёнов, Р.А.Немёнова, В.С.Расторгуева каби тилшунослар томонидан ҳам эътироф этилган.

Ўзбек ва тожик тиллари грамматик қурилишида айрим умумий томонлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳар икки тилнинг грамматик қурилишида албатта, *эхтимол, даркор, зарур, афтидан, ахир//охир, илоҳи, қошки, қани, балки* типдаги модал сўзлар; *танҳо, магар, мабодо, фақат, ҳатто, ҳам, гўё, гўёки; -чи, -ми* сингари ёрдамчи сўз ва морфемалар бир хил лисоний қиймат касб этади. Академик Б.Н.Ниёзмуҳаммадовнинг эътироф этишича, тожик тилидаги *заб-зард, сун-сурх, сип-сиёҳ, сап-сафед, кап-кабуд, тин-торик, каппа-калон* типдаги такрорий шакллар ўзбек тилидаги *сап-сарик, қип-қизил, қоп-қора, кап-катта, қоп-қоронги, куппа-кундуз* ва ҳ.к. сўзларининг калкаси сифатида пайдо бўлган. Бундан ташқари тожик тилидаги сўроқ юкламаси *–чи* ҳам аслида ўзбек тилидан ўзлашган: *Гўедчи, ҳамин тавр неми?*

Академик Б.Н.Ниёзмуҳаммадов яна эътироф этишига қараганда, ўзбек ва тожик тиллари ҳар хил грамматик қурилишли тиллар бўлишига қарамай, уларда келиб чиқиши араб ёки форс тилларига бориб тақалувчи *ё, ёки, лекин//локин, аммо, -ки, чунки* боғловчилари муштарак маъно ва вазифада ишлатилади. Ўзбек ва тожик тилларининг ундов сўзлар тизимида ҳам бундай ўхшашлик мавжуд: *эх, э-ҳе, оҳ, уҳ, вой, вой-дод, беҳ-беҳ, чух-чух* ва б.

Ўзбек тилининг морфологик қурилишида тожик тилининг морфологик қурилишига хос баъзи жиҳатларнинг амалини сезиш қийин эмас. Ўзбек тилида отларнинг эркалаш ва ҳурмат шакллари ҳосил қилувчи -хон, -жон каби аффиксоидлар тожик тилидан ўзлашган: ойижон, акажон, дугонажон, отажон, онахон, Азизахон, Жўрахон, Ҳабибахон ва б.

Ўзбек тилининг такрорий сўзлар тизимида ҳам тожик тилининг сезиларли таъсири бор. Ўзбек тилида *уйма-уй, кўчама-кўча, эшикма-эшик, бошма-бош, шаҳарма-шаҳар* кўринишида учрайдиган такрорий сўзлар тожик тилининг *ба-* унсурли такрорий сўзлари андозасида пайдо бўлган: ўзбекча такрорий сўзлар оралиғида ишлатилувчи *-ма-* тожик тили такрорий сўзларини ҳосил қилувчи *-ба-* унсурининг ўзбек тили учун расмийланган муқобилидир.

Ўз навбатида тожик тилининг морфологик қурилишида ҳам ўзбек тили морфологик қурилишига хос баъзи жиҳатлар кўзга ташланади. Тожик тилида ҳам отларнинг кичрайтиш ва эркалаш шакллари ҳосил қилуви *-ча* аффикси ишлатилади (*дегча, суфача, писарча, духтарча*). Бу кўшимча тожик тилига ўзбек тилидан ўзлашган. Тожик тилида, ўзбек тилининг таъсири туфайли, отларнинг келишикли, кўмакчили шакллари ҳам вужудга келган. Масалан, *зимистонанда – қишда, баҳоранда – баҳорда, мактабанда – мактабда, бозоранда – бозорда, хонаба//хонава – уйга, манба – менга; модарам кати//қати – онам билан, бародарам кати//қати – акам билан* ва б.

Ўзбек тилининг тожик тили морфологик тизимида таъсири тожик тилида кейинчалик пайдо бўлган баъзи феъл шаклларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, *истодан* феълнинг ёрдамчи сўзга (кўмакчи феълга) айланиши ўзбек тилидаги *тур//иш, тур//моқ* феълнинг кўмакчи феълга айланиши андозасида рўй берган: *дида истода будам – кўриб турган эдим, кор карда истода будам – ишлаб турган эдим, рафта истода будам – бориб турган эдим* ва бошқалар.

2.5.2. Ўзбек ва тожик тилларининг синтактик сатҳига хос алоқаси

Ўзбек ва тожик тилларига хос муштараклик ва фарқлар бу тилларнинг синтактик сатҳида ҳам мавжуд.

Ўзбек ва тожик тилларининг синтактик сатҳидаги муштараклик энг аввало шундан иборатки, ўзбек тилининг синтактик тизимида қандай лисоний ҳодисалар бўлса, бундай лисоний ҳодисалар тожик тилининг синтактик тизими учун ҳам хосдир. Хусусан, синтактик алоқанинг тенг ва тобе тавсифидаги икки тури, сўз тизмаси, сўз бирикмаси, содда ва кўшма гаплар, матн сингари ҳодисалар ўзбек тилининг ҳам, тожик тилининг ҳам синтактик тизимини ташкил қилади. Булардан ташқари, гап бўлаклари ва уларнинг турлари, гап бўлаклари билан алоқадор барча синтактик ҳодисалар, ҳар икки тилнинг синтактик қурилишида мавжуд. Синтаксисга дахлдор бундай ҳодисаларнинг илмий-назарий талқинида ҳам айтарли фарқ йўқ.

Ўзбек ва тожик тилларининг синтактик қурилишидаги асосий фарқ синтактик ҳодисаларнинг ифода планида кўзга ташланади: синтактик қурилишларнинг воқеланиш андозалари (моделлари) ўзбек ва тожик тилларида бир хил эмас.

Ўзбек тилининг синтактик қурилишида улар тизимига хос синтактик бутунликлар туркий тилларнинг синтактик қурилишига хос одатий кўринишга мувофиқ тарзда ҳосил қилинади: бу одатий кўриниш кенг маънодаги аниқловчи+аниқланмиш характерида бўлади. Бу муштарак андоза (модел) асосида қисмлари тобе алоқага таянувчи коммуникатив ва нокоммуникатив характердаги бутунликлар ҳосил бўлади. Масалан, гап таркибида тўлдирувчи ва ҳолнинг кесимдан олдин келиши (тўлдирувчи+кесим, ҳол+кесим); аниқловчининг от орқали ифодаланган бўлақдан олдин келиши (аниқловчи+эга//аниқланмиш, аниқловчи+кесим//аниқланмиш, аниқловчи+тўлдирувчи//аниқланмиш, аниқловчи + ҳол/аниқланмиш, аниқловчи+аниқловчи//аниқланмиш). Кейинги йилларда ҳукм сураётган синтактик қарашларга кўра, эга, гарчанд гапда мутлақ ҳоким бўлақ саналса-да, кесимга тобе, уни кенгайтирувчи гап бўлаги сифатида талқин этилаётир. Шунга кўра, ўзбек тилида эга ва кесим муносабатида ҳам аниқловчи+аниқланмиш тартиби бор дейиш мумкин. Синтактик ҳодисалар табиатига хос анъанавий (традицион) қарашларда гапнинг грамматик асосини ташкил этувчи эга ва кесим бирикуви аниқланмиш-аниқловчи тартибида вужудга келган деб қаралади (*Қуш сайради. Укам – талаба.*) ва ҳ.к.

Тоҷик тилида синтаксиснинг нокоммуникатив характеридаги айрим birlikларининг ҳосил бўлиш андозалари ўзбек тилиниқидан фарқ қилади. Уларнинг ҳаммаси ҳам, ўзбек тилиниқида бўлганидек, кенг маънодаги аниқловчи+аниқланмиш андозасида воқеланавермайди. Хусусан, аниқловчили бирикмалар аниқланмиш+аниқловчи тартибидаги андозага мувофиқ, вужудга келади. Масалан, *хонаи нав – янги уй, мактаби ибтидоӣ – бошланғич мактаб, шароити қулай – қулай шароит* ва б. Аниқловчили бирикмаларнинг қаратқичли кўринишида ҳам бу тартиб ҳукмрондир: *китоби бародарам – укамнинг китоби, сўҳбати устодон – устодларнинг сўҳбати* ва б.

Содда гаплар ва уларнинг грамматик асосининг қурилиши жиҳатидан ўзбек ва тоҷик тиллари фарқланмайди. Нутқ талаби билан кўзга ташланувчи инверсия ҳолати бу икки тилнинг содда гаплари қурилишида деярли бир хил. Ўзбек ва тоҷик тилларида содда гапларнинг одатдаги меъёрий тизимида кесим эгадан кейин келади. Инверсия ҳолатида бу тартиб кесим+эга кўринишига эга бўлади. *Келди баҳор, гул баҳор.*

Содда ва кўшма гапларнинг вазифавий қисмлариаро синтактик муносабатлар сўзнинг турли хил морфологик шакллари ва ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланади, уларга тобе оҳанг ҳамроҳлик қилади. Бу масалада ҳам ўзбек ва тоҷик тилларининг синтактик қурилишида муштараклик мавжуд. Ўзбек тилида ҳам, тоҷик тилида ҳам содда гапнинг уюшган бўлаклари, боғланган (паратактик) кўшма гапларининг предикатив қисмлари тенг боғловчилар ёрдамида бирикади.

Ўзбек ва тоҷик тилларининг фарқланишини содда гап қисмларининг тобе алоқали (тобеланган) вазифавий унсурлари (бўлаклари) ва уларнинг шаклланиши масаласида кўриш мумкин. Ўзбек тилида содда гап таркибининг тобеланган унсурлари, айниқса, тўлдирувчи ва ҳол тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари ёрдамида шаклланади. Бундан ташқари, улар сўзларнинг аналитик шакллари воситасида ҳам ифодаланади. Тўлдирувчи ва ҳол каби вазифавий унсурларнинг, сўзларнинг аналитик шакллари ёрдамида ифодаланишида кўмакчилар муҳим ўрин эгаллайди.

Тоҷик тилида эса, содда гап таркибининг тўлдирувчи ва ҳол тавсифидаги вазифавий унсурлари, ўзбек тилиниқидан фарқли ўлароқ, сўзларнинг олд кўмакчили (предлогли) аналитик

шакллари ёрдамида ифодаланади: *Ба об омадам – Сувга (сув учун) келдим. Аҳмад махдум ба ин чо барои дамгирӣ меомад (С.Айний) – Аҳмад махдум бу ерга дам олиши учун келарди. Аз Урганъ то Тахиятош дар масофаи беитар аз ду сад километр роҳи оҳан кашида шудааст (А.Деҳотий) – Урганчдан Тахиятошгача икки юз километрдан кўпроқ темир йўл қурилди.*

Ўзбек тилида кўмакчилар орқали ифодаланадиган синтактик муносабатлар тожик тилида мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзларга (предлог, пешоянд) айланган *ақиб, боло, баъд, байн, берун, дарун, пеш, тараф, сўй, таг, гирд, назд, қариб, зер, миён, паҳлу, бар, рў, даст, сар, лаб* сингари бирликлари воситасида ифодаланади. Мисоллар: *Роҳи оҳан аз болои кўпрук мегузарад – Темир йўл кўприк устидан ўтади. Дар пеши Љамила ягон кас набуд – Жамиланинг олдида ҳеч ким йўқ эди. Сўхбат асосан байни Қорӣ-ака ва мезбон мегузашт (Ф.Муҳаммадиев) – Сўхбат асосан Қориака ва мезбон ўртасида бўлиб ўтди. Он ба тарафи Тахиятоши кўҳна омад (А.Деҳотий) – У эски Тахиятош тарафига келди ва б.*

Тожик тилида, гарчанд предлог (пешоянд)лар каби кўп ва фаол бўлмаса-да, кўмакчи (пасоянд)лар характеридаги ёрдамчи сўзлар ҳам мавжуд. Бундай ёрдамчи воситаларга *-ро, кати//қати, барин, боз* кабилар киради. Булар содда гапларнинг тўлдирувчи ва ҳол сингари бўлақларини шакллантиради, улар билан боғлиқ синтактик муносабатларни ифодалайди: *Гулрў кўзаро гирифт – Гулру кўзани олди. Ман бародарам кати омадам – Мен акам билан келдим. Ман шумо барин шуданро меҳоҳам – Мен сиздай бўлишни истайман. Ман як ҳафта боз аз дарс маҳрум шудам – Мен бир ҳафтадан бўён дарсдан маҳрумман.* Мисол учун келтирилган гапларнинг биринчисида *-ро* ёрдамчиси (пасоянд) ўзбек тилидаги тушум келишиги кўшимчасининг вазифасини бажарган. Кейинги гапда ишлатилган *кати* ёрдамчиси ўзбек тилидаги *билан* кўмакчисига вазифадош. Учинчи гап таркибида келган *барин* ёрдамчиси ўзбек тилида шакл ясовчи саналувчи *-дай//дек* кўшимчаларининг вазифасида келган. Энг охирги гап таркибидаги *боз* ёрдамчисининг вазифаси ва маъноси ўзбек тилидаги *буён* кўмакчисининг вазифаси ва маъносига тенглашади.

Боғланган ва эргаш гапли кўшма гапларнинг таснифи ва тузилиши жиҳатидан ўзбек ва тожик тилларининг синтактик

қурилиши фарқ қилмайди. *Ҳам, аммо, лекин, гоҳо, гоҳ-гоҳ, хоҳ-хоҳ, на-на, ё-ё* боғловчилари ёрдамида ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам боғланган (паратактик) қўшма гаплар ҳосил бўлади. *Дар он наздикиҳо на деҳа буд, на девор, на дарахт, на киштзор (С.Айний) – Бу яқин ўртада на қишлоқ бор эди, на девор, на дарахт,на экинзор. Дар ҳамин вақт асп аз дастам льудо шуд, лекин дастам сўзиш мекард (С.Айний) – Шу вақт от қўлимдан чиқиб кетди, лекин қўлим оғрирди* ва б.

Ана шу хусусиятни эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳосил бўлишида ҳам кўрса бўлади. Ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам эргаш гапли қўшма гапларнинг катта бир қисми *-ки, зеро, зероки, чунки, токи, чунонки, гўёки, агар, агарчи* сингари эргаштирувчи боғловчилар иштирокида ҳосил бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларни ҳосил қилишда фаол бўлган бу боғловчилар ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган. Улар ҳозирги вақтда ўзбек тили синтактик қурилишининг ўз шаклий-грамматик воситалари сифатида қаралади. Уларнинг баъзилари аслан араб тилига қарашли бўлган, ўзбек тилига эса тожик тили воситасида ўзлашган.

Хулоса тарзида айтиш мумкинки, айрим лаҳжа ёки шева материалларини назарда тутмаганда, ўзбек ва тожик тилларининг синтактик қурилишига хос таъсирдошлиги уларнинг синтаксисдан бошқа сатҳларига хос таъсирдошлигига нисбатан анча кучсиз ва нофаолдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абаев В.И. Язык и история //Теоретические проблемы советского языкознания. – М., 1968.
2. Абдуллаев Ф.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари //Ўзбек тили ва адабиёти. 1965, №3.
3. Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари //Труды Института языка и литературы АН УзССР им. А.С.Пушкина. кн.1, -Ташкент, 1949.
5. Абдуллаев Ф.А, Муҳаммаджонова Г. Ўзбек адабий тили (лексиканинг ривожланиш масалалари) //Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, №6.
6. Абдурахмонов Ғ. А.Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. -Тошкент, 2007.
7. Алиев А.Ю. Ўзлаштирилган сўзлар //Тилшунослик масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами, 608, -Тошкент, 1976.
8. Асфандияров И. Русские лексические заимствования в узбекском языке //ВЯ, 1982 №2.
9. Ашурова Д. Рус тили – миллатлараро алоқасининг қудратли воситаси. -Тошкент, 1962.
10. Баскаков Н.А. Двужычие и проблемы взаимопроникновения различных уровней при взаимодействии языков (на материале тюркских языков) // Проблемы двужычия и многоязычия. -М., 1972.
11. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент, 1983.
12. Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. -Тошкент, 1991.
13. Бердиалиев А., Жабборов Б. Луғавий сатҳни система сифатида ўрганиши масаласига доир // Состояние и перспективы развития научных исследований юго-западного региона Кыргызстана. Материалы международной научно-теоретической конференции. - Бишкек,2008.
14. Бердиалиев А. Обоюдное-взаимное заимствование – один из основных факторов в развитии и обогащении лексики таджикского и узбекского языков // Материалы международного симпозиума «Место Рудаки и таджикского языка в диалоге культур». - Худжанд, 2008
15. Бердиалиев А. Словообразующие сложные аффиксы в узбекском языке. АКД. -Ташкент, 1970.

16. Бердиалиев А. Ўзбек тили аффиксал синонимиясининг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974, №2.
17. Бердиева Т. Назарияи иктибос (калимоти арабӣ дар забони тоҷикӣ), - Душанбе, 1991.
18. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. - Тошкент, 1984.
19. Берков В.П. Вопросы двуязычной лексикографии. - Л., 1973.
20. Благова Г.Ф. Причуды заимствования // ж. Советская тюркология. - Баку, 1974, №5.
21. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. - М., 1987.
22. Боровков А.К. Изменения в лексике узбекского литературного языка и новый алфавит // Изв. Уз ФАН ССР, №7.
23. Брагина А.А. Неологизмы в русском языке. - М., 1971.
24. Бойматов О.Р., Ҳасанова Д.О. Ўзлашма луғавий бирликларнинг ўзбек тили сўз ясашидаги мавқеи ҳақида // Актуальные проблемы гуманитарно-педагогических наук. - Бишкек, 2006.
25. Вайнрайх. Одноязычие и многоязычие // Новое в лингвистике. Вып. VI. - М., 1972.
26. Влияние социальных факторов на функционирование и развитие языка. - М., 1988
27. Гавранек Б. К проблематике смещения языков // Новое в лингвистике. Вып. VI. - М., 1972.
28. Гаджиева Н.З. Тюркские языки // Языки Мира. Тюркские языки. - Бишкек, 1997.
29. Гафуров А. Лев и Кипарис (о восточных именах). - М., 971.
30. Гринберг Дж. Определение меры разноязычия // Новое в лингвистике. Вып. VI. - М., 1972.
31. Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. - Ташкент, 1983.
32. Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. АКД. - Ташкент, 1975.
33. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. - М., 1977.
34. Джалилов О. Отношение Чустского диалекта к таджикскому литературному языку. - Сталинабад, 1949.
35. Жуманиёзов Р. Лексика тарихидан // Ўзбек филологияси масалалари. Илмий асарлар. 327 – китоб. - Тошкент, 1970.
36. Жумахўжаева Н. Адабий тилимиз асосчиси // Навоийга армуғон. Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2004.

37. Ерёмкина К.Н. К проблеме языковых контактов. Европеизмы в современном персидском языке. – М. 1980.
38. Забони адабии ҳозираи тоҷик. Лексикология. Фонетика ва морфология. -Душанбе, 1973.
39. Зиёев Ҳ. Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. -Тошкент,1963.
40. Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тоҷик билингвизмида намоён бўлиши. НДА. Тошкент, 2007.
41. Зокирова С.М. Контрастив лингвистиканинг назарий асослари. Тошкент, 2016.
42. Зокирова С.М. Тиллар талқинида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Фарҳона, 2018.
43. Исенғалиева В.А. Интернациональные основы в тюркских языках//Советская тюркология, 1970,№5.
44. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Т.IV. – М., 1962.
45. Ишондадаев Д. Некоторые особенности словообразования в таджикском и узбекском говорах наманганской группы районов. АКД. -Ташкент, 1967.
46. Калинин А.В. Лексика русского языка. – М., 1971.
47. Калонтаров Я.И. Вопросы терминологии в Таджикской ССР//Вопросы терминологии союзных республик. – М., 1970.
48. Калонтаров Я.И. Мудрость трёх народов (таджикские, узбекские, русские пословицы, поговорки и афоризмы в аналогии). - Душанбе, 1989.
49. Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности поэмы «Фархад и Ширин» Навои, АКД,-Ташкент, 1974.
50. Каримов Э. Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти. - Тошкент, 1985.
51. Керимова А.А. Таджикский язык //Закономерности развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху. – М., 1969.
52. Керимова А.А.Таджикский язык //Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990.
53. Климов Г.А Фонема и морфема. – М., 1967.
54. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1960.

55. Корнилова А.М. О языковом взаимодействии русского и таджикского языков//НДВШ ФН, 1972, №4.
56. Корогли Х. Персидские пословицы, поговорки и крылатые слова. - М., 1973.
57. Қодиров М. Алишер Навоий ва ҳозирги ўзбек тилшунослиги // Навоийга армуғон. Илмий мақолалар тўплами. -Тошкент, 2004.
58. Қодиров М. Алишер Навоий ва замонавий ўзбек тили //Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2006.
59. Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси. - Тошкент, 1985.
60. Леонтьев А.А. Что такое язык?- М., 1976.
61. Лившиц. О внутренних законах развития таджикского языка //Известия АН Таджикской ССР. -Сталинабад, 1954.
62. Мамадалиева Н. Қўлланма сўзларни ўрганиш муаммоси //Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. -Тошкент, 2007.
63. Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. АКД. -Ташкент, 1969.
64. Мақсудов Т., Зикриёев Ф., Чалилов Ҳ. Дар бороаи воҳидҳои фразеологӣ ва вазифаи синтаксисии онҳо. -Душанбе, 1976.
65. Маъсуми Н., Гаффаров Р. Национальные и интернациональные факторы в формировании и развитии терминологии современного таджикского литературного языка //Национальное и интернациональное в литературе, фольклоре и языке.-Кишинёв, 1971.
66. Маъсуми Н. Очеркҳо оид ба инкишофи забони адабии тоҷик. - Сталинобод, 1959.
67. Маъсуми Н. Чаҳонбинӣ ва маҳорат. -Душанбе, 1966.
68. Мирзаев М. Бухоро ўзбек ва тоҷик шеваларининг ўзаро муносабати тўғрисида //Ўзбек диалектологиясидан материаллар. 1-том. -Тошкент, 1961.
69. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. -Тошкент, 1992.
70. Миртожиев М. Ўзлашган сўз – пайванд куртаги. -Тошкент, 1988.
71. Муталибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк.-Тошкент, 1959.

72. Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. -Тошкент, 1982.
73. Муҳаммадиев М. Очеркҳо оид ба лексикаи забони адабии ҳозираи тоҷик. -Душанбе, 1968.
74. Ниёзмухаммадов Б. Аз тарихи дўстони халқҳои тоҷикӣ ўзбек. Душанбе, 1970.
75. Ниёзмухаммадов Б. Забоншиносии тоҷик. -Душанбе, 1970.
76. Новые слова и словари новых слов. – Л., 1983.
77. Оранский И.М. Иранские языки. – М., 1963.
78. Оранский И.М. Таджикоязычные этнографические группы Гиссарской долины (Средняя Азия). – М., 1983.
79. Пардаева И. Тўқиш санъати лексикасининг ички манбалар асосида бойиши // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. - Тошкент, 2007.
80. Пермяков Г.А. Избранные пословицы и поговорки народов Востока. – М., 1968.
81. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология в фразеология. -Тошкент, 1969.
82. Пулатов М.О. О влиянии русского языка на развитие узбекского языка. -Ташкент, 1966.
83. Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии. Таджикско-русский диалектический словарь. Вып. 5 – М., 1963.
84. Расулов И. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикаси. -Тошкент, 1977.
85. Рафиев А. 20-йиллар ўзбек тили лексикасидаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти хусусида //Ўзбек тилшунослиг масалалари. Илмий мақолалар тўплами. -Тошкент, 2006.
86. Раҳматуллоев Ш. Нутқимиз кўрки. -Тошкент, 1970.
87. Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. -Тошкент, 1989.
88. Розенцвейг В.Ю. Основные вопросы теории языковых контактов //Новое в лингвистике. Вып. VI. – М., 1972.
89. Росетти А. Смешанный язык и смещение языков //Новое в лингвистике. Вып. VI. – М., 1972.
90. Рустамов А. Семантический аспект развития лексики таджикского литературного языка. АКД. – М., 1984.
91. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. -Тошкент, 1987.
92. Рустамов Ш. Исм. -Душанбе, 1981.
93. Рустамов Ш. Калимасозии исм дар забони адабии ҳозираи тоҷик. – Душанбе, 1972.

94. Рустамов Ш. Мушкилоти синтаксис. - Душанбе, 1988.
95. Табуре-Келлер А. К изучению двуязычия в социологическом плане // Новое в лингвистике. Вып. VI. – М., 1972.
96. Тенишев Э.Р. Алтайские языки // Языки мира. Тюркские языки. Бишкек, 1997.
97. Тихонов А.Н. Роль русского языка в обогащении лексики узбекского языка. – М., 1977.
98. Тожиев Ё. Ўзбек тилидаги аффикслар синонимиясига доир // Ўзбек тилшунослиги масалалари. - Тошкент, 1971.
99. Тоҳирова К. Лексикаи забони адабии ҳозираи тоҷик (материалҳо). - Душанбе, 1967.
100. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тили. - Тошкент, 1965.
101. Турсунова Х.С. Тадқиқи муқоисавии фразеологизмҳои параллели забонҳои тоҷикӣ ва ўзбекӣ. - Душанбе, 1979.
102. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт боқичлари. - Тошкент, 1996.
103. Умаров Ж. Атамалар луғати. - Қўқон, 1992.
104. Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. - Тошкент, 1981.
105. Ўзбек тили лексикологияси. - Тошкент, 1981.
106. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. 1-Республика терминология конференцияси материаллари. - Тошкент, 1986.
107. Феллер М.Д. Как рождаются и живут слова? – М., 1964.
108. Фозилов М. Фарҳанги ибораҳои рехта. - Душанбе, 1964.
109. Фозилов Э. Рус тили – дўстлик ва қардошлик воситаси. - Тошкент, 1974.
110. Халилов А. Взаимоотношение языков – процесс двусторонний // Масъалаҳои забоншиносӣ. - Душанбе, 1983.
111. Хамдамов Ж. Из истории русского лексического заимствования в узбекском языке (вторая половина XIX века). - Ташкент, 1963.
112. Хауген Э. Процесс заимствования // Новое в лингвистике. Вып. VI. – М., 1972.
113. Хетеми Н.З. Лексика персидского языка и пути ее обогащения. АДД. - Баку, 1968.
114. Хидиров Р. Лексика таджикского и узбекского языков конца XX начала XXI веков: изменения и новации. - Душанбе, 2010.

115. Хидиров Р. Лексические изменения в литературной речи современного таджикского и узбекского языков // Вестник педагогического университета, 2010, №1.
116. Хидиров Р. Теоретические вопросы номинации таджикского и узбекского языков // Вестник Таджикского национального университета, 2010, №5.
117. Ҳасанов А. Халқ мақоллари – нутқ маданиятини шакллантирувчи манба // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. -Тошкент, 2007.
118. Ҳасанова Д.О. Ўзлашма луғавий бирликлар – сўз яшаш базаси сифатида // Актуальные проблемы гуманитарно-педагогических наук. -Бишкек, 2006.
119. Ҳасанова Д.О., Бойматов О.Р. Ўзлашма луғавий бирликларнинг ўзбек тили фразеологизмларининг ясаши ҳақида // Актуальные проблемы гуманитарно-педагогических наук. -Бишкек, 2006.
120. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясаши. -Тошкент, 1979.
121. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясаши. -Тошкент, 1987.
122. Ҳозирги замон ўзбек тили. -Тошкент, 1957.
123. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Том 1, -Тошкент, 1966.
124. Шаропов Н. Некоторые вопросы обогащения лексики таджикского языка тюркскими словами // Вопросы языков во взаимоотношения их с другими языками. -Баку, 1972.
125. Шарофов Н. Инкишофи лексикаи забони адабии тоҷик терминҳои ҳарбӣ (солҳои 1940-1945). -Душанбе, 1970.
126. Шарофов Н. Калимаҳои русию интернационалӣ дар забони адабии тоҷик. -Душанбе, 1972.
127. Шаропов Н.А. Пути развития лексики современного таджикского литературного языка. -Душанбе, 1988.
128. Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. Теория. Проблемы. Методы. – М., 1976.
129. Шеваҳои чанубии забони тоҷикӣ. ҷ.1. -Душанбе, 1981.
130. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962.
131. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек халқ шевалари луғати. -Тошкент, 1971.

132. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л., 1962.
133. Эрвин С.М. Семантический сдвиг при двуязычии //Новое в лингвистике. Вып. VI. – М., 1972.
134. Юнусов М. Тюркские (узбекские) слова в таджикском литературном языке. АКД. -Баку, 1971.
135. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. АДД. Ташкент, 1983.
136. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. - Тошкент, 1974.
137. Юсупов К. Языковые взаимоотношения узбекского и таджикского народов. АКД.-Ташкент, 1957.
138. Якубинский Л.П. Избранные работы. Язык и его функционирование. – М., 1986.
139. Ярцева В.Н. Развитие литературных языков //Теоретические проблемы советского языкознания. – М., 1968.

Шартли қисқартмалар

1. Абдурахмонов Д.– Абдурахмонов Д. Ўзбек шеваларнинг тараққиёт манбалари ва улардаги лексик фарқлар//Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1991.
2. Аврорин В.А.– Аврорин В.А. Соотношение субъективных объективных факторов в языке. – М.: Наука, 1975.
3. АДД – Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора филологических наук.
4. АКД – Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук.
5. Баксаков Н.А.– Баксаков Н.А. Алтайская семья языков и её изучение. – М.: Наука, 1981.
6. Бегматов Э.– Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламалари. – Тошкент: Фан, 1985.
7. Боровков А.К.– Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопросы взаимовлияния узбекского и таджикского языков // Ученые записки Института востоковедения. ТомIV.–М., 1952.
8. в.б. – ва бошқалар.
9. в.ҳ. – ва ҳоказолар.
10. ВЯ – ж. Вопросы языкознания.
11. ж. – журнал.

12. Жуманиёзов О.– Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. – Тошкент: Фан, 1987.
13. Журавлёв В.К.– Журавлёв В.К. Внешние и внутренние факторы языковой эволюции. – М.: Наука, 1982. – 165б.
14. Керимова А.А. – Керимова А.А. Таджикский язык //Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990.
15. –Л. – Ленинград.
16. –М. – Москва.
17. –М. –Л. – Москва-Ленинград.
18. Ниёзмухамедов Б.Н.– Ниёзмухамедов Б.Н. О взаимоотношении таджикского и узбекского языков//Проблемы двуязычия и многоязычия. – М.: Наука, 1972.
19. Никольский Л.Б.–Никольский Л.Б.Синхронная социоллингвистика. Теория и проблемы – М.: Наука, 1976.
20. НДВШ ФН – ж. Научные доклады высших школ. Филологические науки.
21. Решетов В.В.– Решетов В.В. Узбекский язык. Ч. I. Ташкент, 1959.
22. Рубинштейн Ю.А.– Рубинштейн Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001.
23. Сб. – сборник научных трудов //Статей.
24. СТ – ж. Советская тюркология.
25. ш.к. – шу кабилар.
26. Языки Мира – Языки Мира. Тюркские языки. Бишкек, 1997.

Бердиалиев Абдували. Зокиров Мухторали Турдалиевич. Основы узбекско-таджикских языковых контактов. Учебное пособие для студентов филологических факультетов вузов (на узбекском языке).

В книге рассматриваются процессы формирования и развития типологически различных друг от друга узбекского и таджикского языков, а также положительные изменения, которые появились во всех их языковых ярусах, что является отображением результатов многовековых взаимоотношений двух братских узбекского и таджикского народов.

Учебное пособие рассчитано для студентов филологических факультетов вузов, а также учителей родного языка спецколледжей, академических и общеобразовательных школ.

Ответственный редактор:

М.Хакимов – профессор Ферганского государственного университета, доктор филологических наук.

Рецензенты:

Т.Ваҳобов – профессор Ходжентского государственного университета, доктор филологических наук.

С.Б.Иноятов – доцент Ходжентского государственного университета, кандидат филологических наук.

Э.Ибрагимова – доцент Ферганского государственного университета, кандидат филологических наук.



А.Бердалиев ўзбек тилшунослиги бўйича Тожикистонда биринчи ва ягона фан доктори, шу соҳанинг профессори. У ўзбек тилшунослигининг назарий масалалари билан шуғулланувчи ва унинг мазмуний синтаксис йўналишига асос солган етук олимлардан бири. Қирққа яқин монография, дарслик, ўқув қўлланмалари ва уч юзга яқин илмий, илмий оммабоп мақолалари муаллифи.

Профессор А.Бердалиев – Тожикистон ўзбек илмий тилшунослиги мактабининг асосчиси. Унинг бевосита раҳбарлигида ўттиздан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Илмий даражага эга шогирдлари Марказий Осиёнинг деярли барча Республикалари илмий, илмий-педагогик муассасаларида фаолият юритади.

М.Т.Зокиров Фарғона давлат университети тилшунослик кафедраси доценти. Тил алоқалари, билингвизм, лингвистик интерференция йўналишларида илмий тадқиқот олиб боради. 2007 йили “Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик биингвизмида намоён бўлиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.



Унга Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг 2007 йил 25 октябрдаги қарори билан филология фанлари номзоди илмий даражаси, 2016 йил 30 ноябрдаги қарори билан доцент илмий унвони берилган.

М.Зокиров томонидан республика илмий журналлари ва тўпламларида 50 ортиқ илмий-услубий мақола эълон қилинган. Бир неча бор Республика ва халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари илан иштирок этган.

М.Зокиров томонидан “Антик ва классик тилшунослик”, “Ўқувчилар нутқини ривожлантиришда синфдан ташқари ишлар”, “Тил назарияси ва амалиёти”, “Ўзбекча-русча-инглизча лингвистик терминлар мухтасар луғати” номли ўқув қўлланмалари чоп этилган.